

Низамова Саида Адиловна

КИМЁНИ ЎҚИТИШДА ДАРСДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

K	19	Ca	20	Sc	22	Ti	23	V	24	Cr	25	Mn	26	Fe	27	Co	28	Ni	
КАЛИЙ		КАЛЬЦИЙ		СКАЛДИН	ТИТАН		ВАНАДИЙ		ХРОМИЙ	МАРКИНГЕН	МЕДНЫЙ	КОБАЛЬТ	НИКЕЛЬ						
2	Cu	30	Zn	Ga	31	Ge	32	As	33	Se	34	Br	35					Kr	
СУМУМ		ЦИНК	ГАЛЛИЙ	ГЕРМАНИЙ	72.59	НИЧЕЛЬВІК	74.922	СЕЛЕН	78.96	БРОМ	79.904						КРИПТОН	83.8	
ИБ	37	Sr	38	Y	40	Zr	41	Nb	42	Mo	43	Tc	44	Ru	45	Rh	46	Pd	
ИБУРГИЙ		СТРОНЦІЙ		ІТРІЙ	ЧИРКОМЧІ		НІОБІЙ		МОЛІБДЕМ	Технечій	РУТЕНІЙ	РУДІЙ	РІДІЙ	ПАЛАГОДІЙ					
Ag	47	Cd	In	49	Sn	50	Sb	51	Te	52	I	53						Xe	
СЕРЕБРО		КАДМИЙ	ІНДІЯ	ОЛОВО	СУРІМА	113.75	СУРІМА	121.75	ТЕЛЛУР	127.6	ІОДІД	126.905						КСЕНОН	131.3
Ca	55	Ba	56	57-71	72	Hf	73	Ta	74	W	75	Re	76	Os	77	Ir	78	Pt	
КАРБІЙ		БАРІЙ		ЛАНТАНОІДЫ	ГАФІНІЙ		ТАНТАЛ	ТАСІРІЙ	ВОЛЬФРАМ	ВЕІІІ	РЕІІІ	ОСІІІ	ІРІІІ	ІРДІІІ	ІРДІІІ	ІРДІІІ	ІРДІІІ	Рп	
Am	89	Hg	90	Pt	81	Pb	82	Bi	83	Po	84	At	85					Радон	222
АМЕРІКІЙ		ГЕРІІІ		ТАЛЛІЙ	СВІНЕЦ	ВІСМУТ	207.19	ВІСМУТ	208.99	ПОЛОНІЙ	(210)	АСТАТ	210						
Hf	97	Ra	98	89-103	104	Rf	105	Dy	106	Sg	107	Bh	108	Hn	109	Mt	110		
ИТРАНІЙ		РАДІЙ		АКІСІНОІДЫ	РЕЗЕРВІДІЙ		ДҮВІНІЙ	(162)	СІБОРГІЙ	(253)	БОРГІЙ	(253)	ХАІМІЙ	(253)	МЕІСІЕРІЙ	(253)			
R ₂ O	RO	R ₂ O ₃		RO ₂		R ₂ O ₅		RO ₃		R ₂ O ₇				RO ₄					
						RH ₄	RH ₃		H ₂ R		HR								

ЧА НА ТАНОІДЫ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

Низамова Саида Адиловна

**Кимёни ўқитишида дарсдан ташқари ишларни
инновацион технологиялардан фойдаланган
ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш**

Ўқитувчилар учун ўқув-услубий қўлланма

“Sano-standart”
Тошкент – 2016

УЎК: 372.854.001.76(072)

КБК: 74.262.4

H 57

НИЗАМОВА С. О.

Низамова. С. О. Кимёни ўқитишида дарслардан ташқари ишларни инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш (Ўқитувчилар учун ўқув-услубий кўйланма) / Нашрга тайёрловчи: Низамова С.О. – Т.: «Sano-standart» нашриёти, 2016 йил, 92 бет

ISBN 978-9943-4737-7-5

Ушибу ўқув-услубий қўйланмада кимёни ўқитишида синфдан ташқари ишларни инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиши ва ўтказиш услуги асосида ўтказиш ёритилган. Бунда конференция, экскурсиянинг турлари ва уларни ўтказиш услугидан намуналар, турли қизиқарли кимёвий кечаларни, викториналарни, тадбирларни янгилик киритиш усуслари асосида ёритилган

Кўйланма кимё, биология ўқитувчилари, малака ошириши курси тингловчилари, услугистлар, талабалар, магистрлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Омонов X. Т. – Тошкент молия институти “Касбий таълим”
кафедраси, педагогика фанлари доктори профессор

Такризчилар:

Маҳмудов Ю. Ф. – Т. Н. Кори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон
Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институтининг бош илмий ходими,
педагогика фанлари доктори, профессор

Қўчкоров. А. Ф. – Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси, п. ф. н.

Ўқув-услубий қўйланма Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Илмий Кенгашининг 2015 йил 11 декабрдаги 6-сонли мажлиси баённомаси асосида нашрга тавсия этилди

Республика Таълим маркази қошидаги кимё фани бўйича Илмий Методик Кенгашининг 2016 йил 31 марта мажлис баённомаси асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9943-4737-7-5

© «Sano-standart» нашриёти, 2016.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълимда мактаб, академик лицей, касб-хунар коллажлари ҳамда таълим муассасаларининг моддий техника базасини яхшилаш, уларни замонавий техник воситалар билан жиҳозлаш борасида ижобий ишлар амалга оширилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида“ти 50-сонли қарорининг қабул қилиниши, ушбу соҳага берилаётган эътибордан далолатdir.

Бугунги кун талабларидан келиб чиккан ҳолда мактабдан ташқари таълимнинг долзарблиги шу даражадаки, ўсиб келаётган ёш авлодни мустақил юртимизга содик, уларга келажак ҳаётларида ўз ўрнини топишлари учун имконият яратиш, кизиқишлири бўйича замонавий ва миллий касб-хунар сирларидан дастлабки сабоқ бериш, уларни ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишишларига замин яратиш лозим.

Инсон боласига юксак онг берилар экан, у ўқиган, излаган сари кўпроқ билгиси келади ва ўз-ўзидан зиёлига айланаб боради. Бундан эса инсон беғубор шахсга айланади. Бу ишларни олиб борувчи раҳбарлар ҳам ана шундай зиёлилар сирасига киради. Улар ўзларидан нур таратиб, туришлари керак, токи фарзандлар – келажак авлод бу нурдан баҳраманд бўлиб, она юртимизнинг ривожи, унинг гуркираб яшнаши, тараққиёти учун ўз ҳиссаларини кўшадиган бўлиб етишишсин.

Узлуксиз таълимда аудитория ва синфдан ташқари таълимнинг асосий **мақсадлари қўйидагилардан иборат**. Узлуксиз таълимда ўқувчи ва талabalарга аудитория ва синфдан ташқари таълимнинг йўналишларига қараб ўқувчиларга таълим бериш ва тарбиялаш, уларни руҳан ва жисмонан ривожлантиришнинг негизи бўлиб, қўйидаги мақсадларни амалга оширишни талаб этади:

- синфдан ташқари таълим йўналишидаги мутахассислар келажакда касбий фаолиятида қўлланиладиган турли хил асбоб-ускуналар, жиҳозлар, мосламаларни ўргатишни;
- механизмлаштирилган ва электрлаштирилган воситалар билан ишлашни;

– мөхнат қонунчиллиги, санитария-гигиена қоидалари ва йўл-йўриклари асосларини ўргатишни таъминлайди.

Синфдан ташқари ишларни амалга оширишда кимё фани ўқитувчиси олдида мана бундай вазифа қўйилган. Ўқувчиларнинг ҳозирги замон кимё асосларини онгли суратда ва пухта ўзлаштиришига эришиш, ўқувчиларни бу фанга чуқур қизиктириш, ўқувчиларни мустакил суратда билим олишига ўргатиш, ўқувчиларда амалий ҳаётда керак бўладиган ўқув ва малакалар хосил қилиш, ўқувчиларни кўлидан келадиган ижтимоий фойдали ишга жалб этиш, кимёнинг бутун ҳаётимиздаги ўзгарувчанлик роли билан таништириш, ўқувчиларга мустакил юртимизда бўлаётган таълим соҳасидаги турли хил ўзгаришлар билан мунтазам равища таништириб бориш керак.

Синфдан ташқари машғулотлар ўқувчиларни синфда ўрганилган материалнинг камини тўлдириш эмас, балки уни янада чуқурлаштиришга қаратилган.

Кимё саноатининг барқ уриб ўсиши, иқтисодиётимизнинг кенг кўламда кимёлаштирилиши, буларнинг ҳаммаси ўқувчиларни ниҳоятда қизиктиради ва уларда шу фанни чуқур билиб олиш, уни эгаллаш, ундан амалий масалаларни хал қилишда фойдаланиш истагини уйғотади. Синфдан ташқари машғулотлар бир мақсадни кўзда тутиб ўтказиладиган нарса эмас, ўқувчи ва талабалар вақтини энг оқилона ўтказиш воситаси ҳам эмас, балки бутун таълим-тарбия жараёнида кимёни бундан буён янада муваффақиятлироқ ўзлаштиришга, бу фандан ҳаётда янада кенгрок фойдаланишга ёрдам берадиган ажралмас қисмидир.

Кимё фанидан синфдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказишда инновацион технологиялардан фойдаланиш услуби

Синфдан ташқари ишлар синфда ўтказиладиган машғулотлардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиласди. Бу машғулотлар мақсад ва мазмуни жиҳатидан ҳам шакл ва услублари жиҳатдан ҳам синф машғулотларидан фарқ қиласди, яъни уларнинг ихтиёри асосида ташкил этилади. Синфдан ташқари ишлар ҳамма учун мажбурий эмас, ўқувчи ва талабаларнинг эҳтиёжидан ва

ижодий ишга бўлган табиий интилишидан келиб чиқади. Синфдан ташқарида ўтказиладиган машғулотлар:

- ёшларни яхши ўқишига, кенг фикрли дунё қарашни ҳосил қилиш учун, мустақил юртимизни қурилишида фаол қатнашиш учун зарур бўлган кимёвий билим, кўнкима ва малакалар олишига ёрдам бериш;
- ўқувчи ва талабаларда кимёни анча чукур билиш истагини уйғотиш;
- кимёвий тажрибага бўлган талабларини қондириш, уларда туғилган назарий билимларни ҳал қилишига ёрдам бериш;
- кимёдан турмушда, саноатда ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилиши билан таништириш;
- ўқувчи ва талабаларнинг амалий ҳаётда кимёдан фойдалана билиш ва малакалари орттиришга, уларнинг бўлаjakак касбларини танлаб олишларига ёрдам бериш керак.

Синфдан ташқари таълимни ташкил қилишда унинг ўзига хос хусусиятлари ва мазмуни, вазифаларини хисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнининг асосини ташкил қилувчи қўйидаги дидактик ва ўзига хос **тамойилларга** таянмоқ зарур.

1. Умум дидактик тамойиллар:

- таълимнинг илмийлиги;
- таълимнинг тарбиявийлиги;
- ривожлантирувчилиги;
- машғулот ва амалийётнинг бирлиги;
- кўргазмалилик;
- мунтазамалик ва изчиллик;
- тушунарлилик;
- узвийлик;
- онглилик ва фаоллик;
- таълим мазмунининг ўзгарувчанлиги;
- билим ва иш ҳаракат усусларнинг асосланганлиги;
- таълим мақсади, мазмуни, ўқитиш шакллари, услублари, воситаларнинг ўйғунлиги ва бошқалар.

2. Махсус тамойиллар:

- таълимнинг технологик мазмуни;
- касбий йўналганлиги;
- таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги;

– назарий билимлар ва амалий иш харакат усулларини шакллантиришнинг унумли меҳнат билан кўшиб олиб бориш;

– меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш;

Ўқувчилар кимё билан таниша бошлаганида улар кимёвий ҳодисаларнинг ташқи қизиқарли томонларига: моддаларнинг ўз-ўзидан ўт олиши, портлаши, модда тусининг ўзгариши ва бошқалар қизиктиради. Бу жараёнда ўқувчилар табиат, табиатда бўлиб турадиган ўзгаришлар тўғрисидаги билимнинг ниҳоятда ажойиб, аммо шу билан бирга мураккаб жараёнда кимёга тўғри қарайдиган қилиб тарбиялаш керак. Синфдан ташқари машғулотлар хилма-хил бўлади. Кимёнинг тажриба томони – моддалар ҳосил қилиш, уларнинг хоссаларини текшириш, асбоблар ясаш, кимё саноатининг ютуқлари, муваффақиятлари, кимё тарихи, юртимизнинг кимёгар олимларнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти ва бошқалар. Машғулотлар ўқувчиларнинг мустақил иш услубларига таяниб тузилади, машғулотларни ўқувчиларнинг ўзлари ўтказади ва машғулотлар вактида ўқитувчи ва талабанинг роли бошқача бўлади. Ўқитувчи ўқувчи ва талабаларга ёрдам берибгина туради. Кимёни қандай тушуниш кераклигини, кимёвий тажрибани бажаришга қандай киришиш кераклигини, ишлайдиган моделни қандай ясаш маъқулроқ эканлиги ва шу кабилар тўғрисида маслаҳат беради, адабиётлар тавсия этади. Кимёвий тажрибалар ўтказиш техникасининг энг қийин ва ўқувчиларга унча маълум бўлмаган усулларни кўрсатиб беради. Бутун жараёнга дикқат билан қараб боради, олинган натижаларни текшириб кўради, хulosаларга аниқликлар киритади, ўқувчиларга ташаббус ва ижодий фаолият кўрсатишда ёрдам беради. Синфдан ташқари машғулотларнинг муваффақиятли чиқиши қуидагиларга боғлиқ. Ўқувчи ва талабалар хилма-хил нарсаларга қизиқадилар, аммо кузатишларнинг кўрсатишича ўқувчи ва талабаларнинг нималарга қизиқишига қараб, уларни З гурӯхга бўлиш мумкин:

1-гурух: моддаларнинг ўзгариши, қизиқарли тажрибалар, моддаларни тозалаш, кристаллар ҳосил қилиш ва ўстириш, оддий моддалардан ва кимёвий бирикмалардан коллекциялар тузиш, кимёгар олимларнинг ҳаёти ва фаолияти ва х.к.

2-гурух: моддаларнинг анча мураккаб кимёвий ўзгаришлари, моддаларни саноатда олиш усуллари, кимё саноати масалалари, газлар билан қилинадиган тажрибалар, кимёвий жараёнлар, замон

талағыға жавоб берадиган кимёвий ишлаб чиқариш жараёнларини күрсатиш учун керак бўладиган асбобларнинг ишлайдиган моделларини ясаш, кундалик ҳаёт кимёси, агрокимёвий ва тажрибаал масалаларни ечиш усуслари қизиқтиради;

3-гурух: анча қийин назарий ва тажрибаалл масалаларни ечиш, кимёвий таҳлил, ҳозирги замон кимёси, кимё саноатидаги ҳозирги замон муаммолари, энг муҳим ғояларнинг ривожланиши ва х.к.

Синфдан ташқари ишлар ўкувчи ва талабаларнинг нималарга қизиқишига ҳамда ҳар бирининг майлига кўра ўтказилади, аммо бу машғулотлар дастур асосида олиб борилади. Бу машғулотлар теварак-атрофдан ажралмаган ҳолда мактаб ташкилотлари, мактабдан ва синфдан ташқари ташкилотлар билан алоқада бўлган ҳолатда ўтказилади.

Синфдан ташқари ишларнинг раҳбари нималарни билиши керак:

- “Таълим тўғрисида”ги Қонунни ва Кадрларлар тайёрлаш миллий дастурини;

- Хукуматнинг Фармон ва Қарорларини;
- синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг низомини;

Синфдан ташқари ўтказиладиган ишларга жуда кўп тадбирлар таалуқлидир. Уларнинг индивидуал (якка тартибли), гурухий ва оммавий турлари билан бир-бираидан фарқ қилинади. Дарсдан ташқари ишлар 2 гурухга бўлинади:

1. Синфдан ташқари ишлар:

а) индивидуал; б) гурух ишлари; в) оммавиц ишлар.

2. Мактабдан ташқари ишлар.

Индивидуал ишлар: кимё фанидан а) олимпиядага тайёрлашни ва қатнашишини; б) курс иши ва рефератлар ёзиш; в) хабар ва маколалар ёзиш; г) уй вазифаларини бажариш; д) машқ ва масалалар ечиш; е) кўргазмали қуроллар тайёрлаш; ж) оммавий ахборот воситаларига материал тайёрлаш; з) реактивлар тайёрлаш; и) асбоблар йигиш; к) маъруза матнлари ёзиш; л) илмий ва ўкув адабиётларни ўқиши; м) илмий-ижодий ишлар ва х. к.

Гурух ишлари: а) олимпиада ва танловларга тайёрлаш; б) тў-гаракларда қатнашиш; в) викториналарга жавоб топиш; г) деворий газета ва бюллетенлар чиқариш; д) маҳсус курсларда қатнашиш; е)

экскурсияларга чиқиш; ж) баҳс-мунозаралар уюштириш; з) ўткир зеҳнлилар беллашуви ва х. к.

Оммавий ишлар: кимё фанидан а) мавзули кечаларда қатнашиш; б) конференцияларда қатнашиш; в) китобсеварлар анжуманида иштирок этиш; г) кимё ҳафталиклари ва декадаларида иштирок этиш; д) учрашув ва тантанали тадбирларда қатнашиши; е) радио ва телелекторийларни тинглаш; ж) илмий ва илмий-оммабоп бўлган маъruzалар тинглаш ва шу билан бирга кимёга оид реактивлар тайёрлаш, асбоблар йиғиши каби фаолият турлари, экскурсиялар, ўй вазифаларини бажариш, ўқувчилар саройидаги тадбирлар каби фаолият турлари-синфдан ташқари ишлар тоифасига мансубдир.

Кимёдан конференциялар ўтказишида инновацион технологиялардан фойдаланиш

Кимё фани асосларини ўқувчилар томонидан тез ўзлаштириб олиниши, ўқитиши усулига боғлиқ. Методист олимлар томонидан фанларни ўқитишдаги дарс самарадорлигини оширишнинг турли услуглари ишлаб чиқилди ва улардан кимёни ўқитиши жараённида фойдаланиляпти. Бу фан тайёр билимлар берадиган фанлардан фарқланиб, илмий фан вазифасини ҳам ўтайди, чунки янги ўқитиши усуслари педагогик иш жараённида яратилади. Илгор таълим технологияларини дарс жараённида ва синфдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказиши жараёнларига тадбиқ этиб, ўқитиши ва таълим олиш услубини такомиллаштириш ҳам илмий услубий иш ҳисобланади. Ўқитиши услублари ўқитувчининг ишлаш жараённида шаклланиб, ривожланиб боради. Шунинг учун илфор ўқитувчиларнинг дарс олиб бориши тажрибасини ўрганиш, ўқитиши жараёнини такомиллаштиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Олимлар томонидан ҳар бир яратилган янги ўқитиши усуслари таълим босқичларида педагогик тажрибадан ўтказилади. Самара берган усувлар ўқув жараёнига тадбиқ этилади. Ҳозирги вақтда кимёдан дарс ва синфдан ташқари ишларни ташкил этиши ва ўтказишида инновацион ва ахборот технологиялари жорий этилмокда. Кимё фани ўрганиш жараённида уни кўплаб фанлар билан боғлиқлигини кўриш мумкин. Жумладан педагогика,

психология, физиология, биология, анатомия, тарих, география, физика, математика, информатика ва ҳ.к.

Ўқувчиларнинг ёши билан боғлиқ бўлган хусусиятларни физиология биология, анатомия фанлари ўрганади. Кимёга оид қонунларнинг ўрганилаётган модданинг ўзига хос хусусиятлари, асбоб-ускуналар, жиҳозларнинг кашф этилишини тарих фани ўрганади.

Модданинг табиатда қандай ҳолатда ва қаерда учрашини география фани ўрганади, моддаларнинг ўзига хос физик жараёнларини физика фани. Мисол, масалаларни, тенгламаларни тенглашда математика фани. Мустақил ишларни бажаришда, тест саволларига жавоб топишда, бажарилиши кийин бўлган тажрибаларни компьютер орқали анимация усулини қўллаш орқали ўрганилади. Демак кимёдан битта мавзууни ўрганишда бир қанча фанларнинг ўзаро боғлиқлигини кузатиш мумкин. Бундай боғлиқликни кимёдан синфдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида ҳам қўллаш мумкин.

Кўп мактаблар интернет тармоқларига уланган. Мактаблардаги ўтказилаётган турли очиқ дарсларни ва синфдан ташқари олиб борилаётган ишларни қандай усулдан фойдаланган ҳолда ўтказилаётганини кўриш мумкин. Бунинг учун тадбир ўтказилаётган хонага ёки залга Скайп дастури, Веб камера, бошқарув пульти видеокамерани ўрнатиб, уни интернет тармогига улаб кўйилса бўлди ва олдиндан бу тадбирни ким кўриш нияти борлиги тўғрисида мактаб маъмуриятига хат юборилади ва огоҳлантирилади. Бундай усулдан файланиб тадбирларни ўтказиш жуда фойдали: мактабда бўлаётган ижобий ўзгаришларни тумандаги, шаҳардаги мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларига кўрсатишингиз мумкин. Кўпчиликка бу ўтказилаётган ишларингиз маъқул бўлиши мумкин, бу ўтказилаётган тадбир орқали ўз касбдош дўйстларингиз билан фикр алмашибга имконият яратилади. Ўқувчиларнинг фикрлаш доираси кенгаяди, бировларга ҳавас билан қараш ва уни ўзида ҳам қилиб кўришга истак пайдо бўлади, бировдан кам эмаслигини исботламоқчи бўлади, ҳаракатга тушади, кўрганидан ҳам яхширок нарсани қилишга интилади.

Қийида конференция ва КВЗ(кувноклар ва зукко)ларни қандай ўтказиш тўғрисида маълумот берилади

Конференция бу – ижодий тафаккурни ривожлантирувчи машқдир, шу билан бирга кимёга оид муаммоларни ҳар томонлама ўрганишга имкон беради. “Конференция” лотинча сўз бўлиб, бир жойга тўпланиш маъносини билдиради. Давлат, жамоа ва олимлар вакилларининг муаян масалани муҳокама этиш учун йигилишдир. XIX асрнинг 2-ярмида Фарбий Европада маъмурий, техник, маданий ва иқтисодий, хукукий масалаларга оид йигилишлар “конференция” деб атала бошланди. Кейинчалик “конференция” термини “конгресс” ўрнида ҳам кўлланила бошланди. Конференция – илмий фаолиятларни ташкил этишнинг бир тури бўлиб, бунда тадқиқотчиларнинг ишлари конференцияга тақдим этилади ва у муҳокамага кўйилади. Конференция давомида кўтарилаётган битта масалани ҳар томонлама ўрганишга имконият яратилади ҳамда масалани турли кўринишидаги ечимига жавоб топилади. Конференция йўналишига қараб: илмий-назарий, илмий-амалий, илмий-техник ва ҳ.к. ларга бўлинади. Конференция мавзуларининг мазмунига қараб: умумий фанлар, гуманитар фанлар, табиий ва аниқ фанлар асосида ўтказиладиганга бўлинади.

Конференция кўтарилаётган мавзунинг мазмунига қараб: ҳалқаро, республика ва шаҳар миқёсида, туманда, синфда, синфдан ташқари ишлар тарзида амалга оширилади.

Кимёдан конференция ўтказиш тартиби ва уни ташкил этиш.

Конференцияни ўтказишнинг уч хил тури мавжуд: кундузги, сиртқи, видео-сайтлари ёки телефон орқали. Сиртқи, видео конференцияларни ўтказишда Интернет тармоқлари, Веб камера, Скайп дастури ва компьютердан фойдаланилади. Кўрилаётган муаммонинг ечимини топишга қараб, унга 3 хил кўринишдаги касб эгалари иштирок этиши мумкин:

- ўрганилаётган битта муаммони ҳар томонлама ўрганиш, ечимини топиш учун турли касб эгалари иштирок этади;
- ўрганилаётган битта муаммони чуқур, ҳар томонлама ўрганиш учун бир хил бўлган касб эгалари иштирок этади;
- ўрганилаётган муаммони алоҳида ўрганиш учун маҳсус мутахассис касб эгалари иштирок этади.

Конференция ташкил этилишига қараб, ҳозирги кунда б ҳил шаклга ажратиласы.

- анъанавий шакл;

- маҳсус мавзуларни илмий жиҳатдан ўрганиш бўйича ташкил этиш;

- қасбга қизиқиш уйғотиш юзасидан конференция ўтказиш.

- матбуот конференция;

- видео конференция – тасвирий кўриш ва эшитиш конференцияси;

- телефон алоқалари орқали конференциялар ўтказиш усуллари йўлга қўйилган. Видеоконференция ва телефон алоқалари орқали конференциялар ўтказиши усуллари – сиртки конференция турига кириб, бунда иштирокчи конференциянинг боришини тасвири орқали кўриши, эшитиш ва ўз фикрлари билан қатнашиши мумкин.

Бу усулнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, ўқувчининг билиш фаолияти кучаяди, фанга бўлган қизиқиши ортади. Коференциянинг муваффақиятли ўтиши: унинг сифатига, тайёргарлик кўришга боғлиқ. Агар конференция синфдан ташқарида иш юзасидан ўтадиган бўлса, бунга қўйидаги босқичлар киради.

- конференцияларнинг мақсад ва вазифалари мухокама қилинади (саволларнинг доирасини аниқлаш);

- тегишли адабиётлар билан танишиш;

- ўқувчилар ўртасида мавзуни тақсимлаш;

- ўқувчиларга қўшимча маслаҳатлар бериш.

Конференцияни шундай ташкил этиши керакки, у қизиқарли, ҳар тарафлама чуқур ўрганилган, аҳамияти тўлиқ очиб берилган ҳолда бўлиши лозим.

Конференция қизиқарли ўтиши учун турли тадбирларни ўтказиш режаси тузиб олинади. [3, 4,]

Конференция долзарб муаммони ҳал қилиш мақсадида ўтказиласы. Конференция ўтказиши жараёнида қуйидагиларга эътибор берилади:

1. Ўтказиладиган конференциянинг мавзуси асосида унинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари белгиланади.

2. Конференция мавзуси матбуотда, ахборот тизими орқали эълон қилинади.

3. Олий ўқув юртларига, илмий тадқиқот институтларига, ишлаб чиқариш корхоналарига ва бошқа таълим муассасаларига мавзу матни юборилади.

4. Мавзу асосида конференцияга кимларни таклиф этиш аниқланади.

5. Агар конференция халқаро миқёсда бўладиган бўлса, кўриладиган мавзу муаммоси чет эл матбуотларида эълон қилинади, конференцияда қатнашишни хоҳловчилар бўлса, уларнинг ёзган маълумотлари ёки билдиришномалари асосида улар таклиф этилади.

6. Келадиган меҳмонларга таклифномалар юборилади.

7. Конференцияда қатнашишни истаганлар мавзуга оид мақолалар юборадилар.

8. Келган мақолалар таҳрир қилинади ва улар асосида дастур тузилади.

9. Конференцияни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича унга масъул кишилар аниқланади ва ҳар бир жавобгар шахсга вазифалар юклатилади:

а) келиб тушган мақолаларни йиғувчилар;

б) уларни таҳрир килувчилар;

в) келган меҳмонларни кутиб олувчи ва уларни жойлаштирувчилар;

г) конференция ўтказишида керак бўладиган ахборот-коммуникация технологияларига жавоб берувчилар;

д) конференция қаерда ва қачон ўтказилишини аниқлаш ва уни ташкил этишга жавобгарлар;

е) қилинадиган маърузаларнинг кетма-кетлигини бошқарувчилар;

ё) конференция тугагандан сўнг меҳмонлар учун турли тадбирларни амалга оширувчилар.

Конференция охирида, мавзудан келиб чиқкан ҳолда, кўриб чиқилаётган муаммолар ва бу муоммонинг ечими ҳақида керакли хуносалар ва таклифлар берилади.

Агар конференция синфдан ташқарида иш юзасидан ўтадиган бўлса, кўриб чиқиладиган муаммо мавзуси 10 кун олдин эълонлар доскасига илинади. Унда қатнашувчилар, конференциянинг ўтказилиш вақти, жойи, ўтказиш тартиби аниқланиб, дастур ишлаб чиқилади. Конференцияда кўтарилган муаммо ечилгандан сўнг

қатнашувчилар мактаб раҳбарияти томонидан тақдирланади. Бунда ўқувчилар турли долзарб муаммоларни ечимини топишга ўз олдига қўйган мақсадга эришишга ва муаммода қўтарилаётган вазифаларни ҳал қилишда ўз хиссасини қўшишга ўргатилади.

Кутиладиган натижа: Бундай усул орқали қўйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- конференция бу - ижодий тафаккурни ривожлантирувчи машқдир. Кимёга ва бошқа фанларга оид муаммоларни ҳар томонлама ўрганишга имконият яратилади;

- Интернет тармоғи, Веб-сайти алоқалари орқали Скайп дастури асосида конференцияларни, турли мавзудаги тадбирларни туман, шаҳар, Республика миқёсида кузатиш имконияти яратилади;

- бундай ўтказиладиган тадбирлар орқали: ўқитувчилар ўзаро тажриба алмашиниши, ўқувчилар эса ўзаро беллашиб, ўз билимларини синовдан ўтказиш мумкин;

- кимё фанига оид муаммоларни ҳар томонлама ўрганишга имконият яратилади;

- ўқувчиларда янгиликка интилевчанлиги, уларни излаб топишга ва амалиётга қўллашга нисбатан кўникмаси ва малакаси шаклланади;

- узлуксиз ўз устида ишлаш кўникмаси шаклланади;

- инновацион ва интерфаол мухитда таълим олади;

- бу ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятини тубдан ўзгартиб, келажакда етук, эркин фикрловчи, кадрлар бўлиб етишишига имкон яратади. Бундай усулда дарс ўтиш орқали қўйидаги натижаларга эришиш мумкин: қисқа вақт ичida қўтарилаётган муаммони ҳар томонлама ўрганишга, ўз фикрни бошқаларга етказишга имкон яратилади.

Шундай килиб, кимё дарсларида ўқувчи доимий равища замонавий педагогик технологияларга таянган ҳолда фаолият юритса ўқувчи дарс жараённада харакатланувчи кучга айланади.

Бу эса таълимда сифат ва самарадорликни таъминлайди. Ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятини тубдан ўзгартиб, келажакда етук, эркин фикрловчи, жаҳон стандартларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар бўлиб етишишига имкон яратади

Кимёдан экскурсияларни ташкил этишда инновацион технологияларнинг ўрни

“Экскурсия” лотинча сўздан олинган бўлиб, “кезиш, сайр қилиш” маъносини билдиради. Экскурсия илмий, ўкув мақсадида дикқатга сазовор жойларга жамоа бўлиб бориш ёки саёҳат қилишdir. Ж.Ж.Руссо: болаларнинг **ижодий кузатувчанлиги, синчковлиги ва фаоллигини** ошириш, шунингдек, дунёни мустакил тадқиқ этишга ўргатиш ва фаолигини кўргазмалик асосида ўрганишdir деган. Бунда биринчи ўринда табиат экскурсиясини кенг кўллашни тавсия этган. Ҳозирги кунда экскурсиялар туризмнинг таркибий кисмига айланди. [1]

Экскурсия ўкув-тарбия жараёнда кенг кўлланилади ва у қуйидаги турларга бўлинади: предметли (ўкув дастури бўйича), ишлаб чиқариш экскурсияси, комплексли экскурсия, маданий-оқартурв экспкурсия, АҚТлардан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган экскурсиялар.

Экскурсия – кимё фанини кўргазмали асосида ўрганиш усулидир. Экскурсия мавзуни ўтишдан олдин ёки мавзуни ўтиб бўлгандан сўнг амалга оширган маъкул. Экскурсия ўкувчиларни ўрганиши лозим бўлган мавзу тўғрисида тўлиқ маълумот олишларига имконият яратади. Экскурсия дарси – ўкувчиларни турли обьектлар: музей, зиёратгоҳ, корхона, устахона, табиат, илмий муассаса, коллеж, лицей ва бошқалар билан таништириш орқали уларнинг билимларини ҳаёт билан боғлаш ва касбга йўналтириш ишларини амалга ошириб бориш таъминлайди.

Кимёдан экскурсиялар ўтказшнинг бир неча турлари мавжуд. Жумладан:

- кимёни ўрганишда илмий-амалий адабиётларни ўкиб, ўрганиб, улардан унумли фойданишда;
- турли кимёвий лабораторияларда, кимёвий комбинатларда, заводларда, фабрикаларда ва ишлаб чиқариш корхоналарида борадиган жараёнларни кузатишда;
- ишлаб чиқариш корхоналарида кимёвий жараёнларни компьютер технологиялари орқали бошқарилишини кузатишда;
- сув остида, ер остида, атмосферада, ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишда кимёвий моддаларнинг

ҳосил бўлиш жараёнини кинофильмларни кўриш орқали кузатишида;

- компьютер ва интернет тармоқлари орқали кимёнинг тарихини ўрганиш жараёнида;

- айрим жараёнларни корхоналарга бориб кўриш анча қийин кечгандилиги сабабли, иш жараёнини анимация орқали ҳам кузатилади. Масалан: нефть маҳсулотларини таркибий қисмларга ажратиш жараёнида, сульфат кислотани ҳосил бўлишида, аммиак ишлаб чиқаришда, тошкўмирни кокслашда, пўлат ишлаб чиқаришда, электролиз усулида натрий ва хлор ишлаб чиқариш жараёнларда, сода ишлаб чиқаришда, минерал ўғитларни ишлаб чиқариш жараёнларида кузатиш мумкин.

Узлуксиз таълимда билим олувчиларни қасбга йўналтириш бўйича тайёрлашнинг энг муҳим воситаларидан бири ишлаб чиқаришларга ўтказиладиган экскурсиялардир. Экскурсиялар назария билан амалиётни бир-бирига чамбарчас боғлайди ва ўқувчиларни келажакда қандай қасб эгаллашига аниқлик киритишга ёрдам беради. Бундан ташқари экскурсиялар ўқувчиларни ишлаб чиқариш билан бир томонлама эмас, балки бир неча фанларни ўзаро боғлаб ва улар билан танишиб чиқишига имкон беради. Экскурсия ўқувчиларни ўрганиладиган мавзулар асосида обьектлар билан бевосита таништиришнинг жуда муҳим усусларидан биридир. Аммо экскурсия ўқув ишини ташкил этишининг алоҳида бир формаси деб каралиши мумкин. Ишлаб чиқариш, табиат обьектлари ва бошқа обьектларда ўтказиладиган ўқув жараёни одатдаги дарс каби аниқ маълум босқичларга эга бўлади, у ҳам муайян режа асосида ўтказилади. Шунинг учун экскурсияни одатдаги дарс деб, аммо одатдаги шароитдан-синф шароитидан ташқарида ўтказиладиган дарс деб ҳам қараш мумкин. Алоҳида дарс бўлган экскурсияга жиддий тайёргарлик кўриш лозим, экскурсиянинг бутун натижаси ана шу тайёргарликка боғлиқ бўлади. Ўқитувчи бир неча дарс давомида ўқувчилар ва талабаларнинг диққатини ўтказиладиган экскурсия билан маълум даражада боғлиқ бўлган материалга жалб этади. Экскурсия олдидан ўқитувчи маҳсус кириш машғулоти бўйича тушунириш ўтказади. **Ўқитувчи кириш машғулотида қўйидаги вазифаларни ҳал қиласди:**

- экскурсиядан кўзда тутилган мақсадни аниқлаб беради;

- экскурсия объектининг кимёга оид моҳиятини умумий тарзда тасвирлаб беради;
- ўқувчилар ва талабаларни экскурсия режаси билан таниширади;
- ўқувчилар ва талабаларни кичикроқ гурухларга бўлади;
- ҳар бир гурухга алоҳида топшириқ беради, нималарни алоҳида кузатиши, нималарнинг расмини солиши, нималарни ёзib олиши кераклиги тўғрисида кўрсатма беради;
- экскурсиянинг бутун ташкилий томонини ўқувчилар ва талабалар билан биргаликда муҳокама қиласди.

Ўқитувчи ўқувчилар ва талабаларга кириш машғулотида экскурсия объектининг моҳияти тўғрисида гапириб бериши учун, бу объект билан олдиндан танишиб чиқиш шунда ҳам умумий тариздагина эмас, балки шу экскурсиянинг таълим-тарбиявий вазифаларига нимаики бевосита алоқадор бўлса, шуларнинг ҳаммаси билан танишиб чиқиши керак. Бунинг учун ўқитувчи олдиндан:

- а) тегишли адабиёт ўқиши;
- б) экскурсияга бориладиган объектини мутахассис билан бирга кўриб чиқади;
- в) ўқувчилар бу экскурсия вақтида қандай конкрет вазифаларни ҳал қилишлари кераклигини мутахассисга айтиши;
- г) мутахассис билан экскурсия режасини тузиши.

Мутахассис экскурсия вақтида техникага оид икирчикирларини тушунтириб ўтираслиги керак, акс ҳолда ортиқча нарсалар кўпайиб кетади ва бу нарса энг муҳим нарсаларни билиб олишда халақит беради. Экскурсия –ўкув ишидир, шунинг учун унинг бутун ташкилий томонига ва ундан чиқадиган натижаларга ўқитувчи тўла жавобгар бўлади.

Ишлаб чиқаришда олиб бориладиган экскурсия таҳминан қўйидаги режа асосида ўтказилади:

1. Бутун ишлаб чиқаришнинг қисқача характеристикаси (унинг пайдо бўлиши, ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги вақтдаги вазифалари, ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари ва уларнинг экспорти).
2. Хомашё ва уни тайёрлаш.
3. Асосий аппаратлар ва уларнинг вазифалари.
4. Ишлаб чиқариш жараёнининг моҳияти, босқичлари бўйича.

5. Ишлаб чиқариш маҳсулоти.
6. Ишнинг уюштирилиши-механизация, автоматизацияси ва интенсификацияси.
7. Ишлаб чиқариш рационализаторлари ва уларнинг давлат режасини бажариш учун курашдаги роли.

Табиатда олиб бориладиган кимёвий эксперсияниң режаси:

1. Табиий казилмаларнинг ўзига хос белгилари.
2. Бу қазилмаларнинг захиралари ва уларнинг келиб чиқиши.
3. Тегишли элементларнинг табиатда айланиши.
4. Қазилмаларнинг амалда ишлатилиши ва уларнинг республикамиз халқ хўжалигидаги роли.

Ўкувчи ва талабалар эксперсиядан сўнг олган таассуротлари тўғрисида сўзлаб берадилар ва ўз ахборотларига тегишли ёзувлар, расмлар моддаларнинг намуналари ва шу қабиларни илова қиласилар. Ўқитувчи ўкувчи ва талабаларнинг ахборотига аниклик киритади, охирги хабарлар билан тўлдиради. Ҳар бир гурух эксперсияда тўплаган материалларни анча мукаммал ва анча аниқ қилиб маҳсус ёзма хисоботлар тарзида баён этадилар, ишланган иллюстратив материални илова қиласилар. Илмий оммабоп ва кимёвий адабиётларни ўқиши йўли билан назарий жиҳатдан янада чуқурроқ тушиниб оладилар. Эксперсия вақтида тўпланган материаллар кўргазмаси конференцияларга тайёрлаб кўйилади.

Эксперсия дарсларини кинофильмларни кўриш орқали ҳам уюштириш мумкин. Ўқувчиларга ишлаб чиқариш жараёнлари тўғрисидаги тасаввурларни кинофильмлар ёрдамида, баъзан эксперсияга олиб боришга қараганда тежамлироқ ва аникроқ қилиб бериш мумкин.

Дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган эксперсиялар ўкувчи ва талабаларни кузатилган обьектлар тўғрисидаги тасаввур билан бойитиб, ўқувчиларнинг назарий билимларини амалий ҳаёт билан боғлайди, натижада, ўқувчиларни касбга йўналтириш жиҳатдан тайёрлашга ёрдам беради. Эксперсиядан ўкув вақтида фойдаланиш, афсуски, анча чекланган. Эксперсиялар синфдан ва аудиториядан ташқари машғулотлар вақтида энг кўп ўтказилади. Эксперсия синфдан ва аудиториядан ташқари машғулотларнинг асосий оммавий турларидан биридир. Эксперсия ўкувчи ва талабаларнинг ўкув дастурида кўрсатилган мавзуларни ўрганишда

ишлиб чиқариш билан боғлиқ объектлар билан бевосита: ишлиб чиқаришнинг, табиат, музей ва шу кабиларни ўзида таниширишнинг жуда муҳим усулларидан бири деб қаралади.

Ишлиб чиқариш объектлари, табиат объектлари ва шу каби объектларнинг ўзида ўтказиладиган ўқув жараёни, одатдаги дарс каби, аниқ маълум босқичларга эга бўлади:

Кутиладиган натижа: Бундай экскурсияларни амалга ошириш натижасида – ўқувчиларнинг **ижодий кузатувчанлиги, синчиковлиги ва фаоллигини** оширади;

- шунингдек табиатни мустақил тадқиқ этишга ўргатиш учун тарбиянинг биринчи ўрнида табиат экскурсиyasини кенг қўллашни тавсия этилади;

- экскурсия ўқувчи ва талабаларнинг ўқув дастурида кўрсастилган мавзуларни ўрганишда ишлиб чиқариш билан боғлиқ объектлар билан бевосита таниширишнинг жуда муҳим усулидир;

- бир неча фанларни ўзаро боғлаб, улар билан танишиб чиқишига имкон беради;

- узлуксиз таълимда билим олувчиларни касбга йўналтириш бўйича тайёрлашнинг энг муҳим воситаларидан бири ишлиб чиқаришларга ўтказиладиган экскурсиялардир;

- экскурсиялар назария билан амалиётни бир-бирига чамбарчас боғлайди ва ўқувчиларни келажакда қандай касб эгаллашига аниқлик киритишга ёрдам беради;

- бундан ташқари экскурсиялар ўқувчиларни ишлиб чиқариш билан танишиб чиқишига имкон беради;

- экскурсия ўқув ишини ташкил этишнинг алоҳида бир формасидир;

- шунингдек табиатни мустақил тадқиқ этишга ўргатиш фаоллигини кўргазмалик асосида ўрганишdir;

Бу эса таълимда сифат ва самарадорликни таъминлайди. Ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятини тубдан ўзгартиради.

Кимёдан фанлараро семинар ва ўткир зеҳинлилар клубини ташкил этиш ва ўтказиш услуби

Таълим тизимида кимё фанидан семинарлар ва ўткир зеҳинлилар клубини түғри ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Агар кимё анжуманалари, семинарлар түғри ташкил этилса, кимё фанини ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ўтказиладиган тадбирлар:

- а) ўқувчиларни ажойиб ва илмий жихатдан жуда муҳим бўлган маълумотлар билан бойитади;
- б) ўқувчиларда кимё фанига ҳавас уйғотади ва бу ҳавасни ўстиради;
- в) ўқувчиларда ҳозирги замон кимёсининг муваффақиятларини ва бошқаларни анча қизиқарли ҳамда анча кенг қилиб кўрсатишга имкон беради;
- г) кимё ҳаваскорларининг ўз ижодий ишларида кўлга киритган ютуқларини кўрсатишнинг ниҳоятда қулай формаси бўлади.

д) қизиқарли саволлар ва жавоб топиш орқали мустақил фикрлашни ўргатиш машқидир.

е) фикрлаш қобилиятини ўстиради.

Мактабларда энг кўп ўтказиладиган анжуманлар:

- а) қизиқарли кимёвий анжуманлар;
- б) юбилей анжуманлари;
- в) ўқувчиларнинг ижодий ишларини кўрсатиш анжуманлари;

г) ҳозирги замон кимёсининг ва кимё саноатининг муваффақиятларини кўрсатиш анжуманлари бор. Қизиқарли кимёвий анжуманлар синфдан ташқари энг муҳим тадбирларнинг биридир. Лекин ана шу анжуманларни ўтказишда катта камчиликларга йўл қўйилади: анжуманлар фокус кўрсатишдан иборат бўлиб қолади, ҳозир бўлганларни ҳайратда қолдирадилар, рангиз моддани қизил рангга, оқ, сариқ ва бошқа тусдаги моддаларга айлантирадилар, сувдан олтин, сут, қон ҳосил қиласидилар, ёғочни олов ёқмасдан кўмирга айлантириш, гугурт чақмай ўт олдирадилар, фотоаппаратсиз суратга оладилар, олов билан расм соладилар ва ҳоказо; ҳозир бўлганлар ҳайратда қоладилар; анжуман ана шу билан тугайди. Бундай анжуманлар фойда келтирмайди, аксинча зарар келтиради; анжуманда ҳозир бўлганлар моддалар ва уларнинг ўзгариши тўғрисидаги фан-кимё ҳақида нотўғри

тасаввурга эга бўладилар. Илфор ўқитувчилар анжуманларни ўтказишида ўз олдиларига бир фикрни, ғояни мақсад қилиб қўядилар ва анжуман давомида бу фикр, ғояни ўз тингловчиларига аста-секин очиб берадилар; илмий-тушунчаларни моддаларнинг ҳамда ходисаларнинг ўзи билан конкретлаштирадилар, ҳар қайси тажрибани изоҳлаб берадилар ва бу орқали тингловчилар қизиқарли ҳамда бир катор илмий қонун-қоидаларни билиб оладилар. Бу ерда энг асосий нарса – табиатда содир бўладиган энг муҳим ходисаларни оммабоп қилиб, илмий жиҳатдан изоҳлаб беришдан ва табиатнинг ривожланишига тўғри қарашнинг тўғрилигини тасдиқловчи ютукларни кўрсатувчи анжуманлар, “Атом ва ички энергия”, “Ҳаво - ҳозирги замон кимё хомашёсидир”, “Лабораториянинг табиат билан мусобақаси”, “Шуълаланувчи моддалар”, “Сунъий тола”, “Пластик массалар - келажак металли”, “Нодир элементлар” деган мавзулардаги анжуманлар жуда қизиқарли ўтади. Анжуманни фақат кимёвий тажрибалар билангина эмас, балки бошқа воситалар билан қизиқарли қилиб ўтказиш мумкин. Ўқувчилар, масалан: а) кимёвий викторина, б) тажрибаал масалаларни ечиш, в) кроссворд ва ребусларни ечиш, г) ҳикоя-топишмоклар ва бошқалардан муваффақиятли суратда фойдаланадилар. Бу анжуманда ўқувчилар асосий эътиборни кимёнинг моҳиятига қаратадилар. Бундай кечаларда 1-4 та ўқувчи эмас, балки кўпгина ўқувчилар қатнашадилар. Бу анжуманларга ўқувчилар яхшилаб тайёргарлик кўрадилар. Викторина саволлари, кроссворд саволлари масалалар ўқувчиларга олдиндан эълон қилинади. Ўқувчилар дарсликларни, кўшимча адабиётларни ўқийдилар, консультация оладилар, муҳокама ва мунозаралар қиласидилар. Энг яхши масала, кроссворд, викторина саволи учун конкурс эълон қилинади. Ўқувчиларнинг синфдан ташқари машғулотларининг муваффақиятли чиқишини таъминловчи асосий тамойилларидан бири бу машғулотларнинг маълум мақсадга қаратилганлигига ва яхши натижа беришида. Синфдан ташқари машғулотлар тўғри ташкил этилганида ўқувчиларнинг ишига жамоа баҳо беради. Ўқувчиларнинг тайёрлаган моддалар коллекцияси, жадваллар, схемалар, асбоблар, ишлайдиган моделлар, ўқувчиларнинг турли адабиётлардан тўплаган маълумотлари, ахборотлар – буларнинг ҳаммасидан

муваффақиятли суратда фойдаланилади. Бундай анжуманларда кимё тўгараги аъзолари ўзларининг ўкув йили давомида қилган ишларини кўрсатадилар.

Дарсдан ташқари ишларнинг турлари ва шакллари хилма-хил бўлиб, улар кимёвий таълим-тарбия жараёнларининг бевосита давоми ҳисобланади. Улар ёрдамида ўкувчиларда кимёвий дунёқараш кенгайтирилади, кимёвий билимлар кўпайтирилади ва мустаҳкамланади. Бундай тадбирлар давомида фанлараро алоқани йўлга кўйиш ва амалга ошириш имкониятлари яратилади. Кимё мўъжизаларининг сир-асрорларидан кўпроқ баҳраманд бўлиш шароитлари пайдо бўлади. Улар ўкувчиларнинг фанга бўлган қизиқишлигини кучайтиришга самарали хизмат қиласди.

Дарсдан ташқари ишларнинг индивидуал (якка тартибдаги), гурухий ва оммавий шакллари фарқ қиласди. Уларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ўзига хос жиҳатлари бўйича икки гурухга ажратилади:

1. Синфдан ташқари ишлар.
2. Мактабдан (таълим муассасасидан) ташқари ишлар.

Уларнинг тўгарак ишлари, кимё ҳафталиклари, кимёвий турнирлар, кимё анжуманлари, конференциялар, кимёвий ва дидактик ўйинлар, олимпиядалар, китобхонлар мусобақалари, викториналар, ўткир зеҳнлилар баҳслари, топқирлар беллашуви, ўкувчилар саройидаги ва ёзги таътил даврида ўтказиладиган тадбирлар, кимёвий декадалар, экскурсиялар, уй вазифалари каби номланиши ҳам бу борадаги ишларнинг турлари нақадар кўплигидан дарак беради.

Кутиладиган натижалар:

- ўтказиладиган тадбирлар дарсдан ташқари ишларнинг турлари ва шакллари хилма-хил бўлиб, улар кимёвий таълим-тарбия жараёнларининг бевосита давоми ҳисобланади;
- улар ёрдамида кимёвий дунёқараш кенгайтирилади, кимёвий билимлар тўғрисидаги маълумотлар кўпаяди ва мустаҳкамланади;
- бундай тадбирлар давомида фанлараро алоқани йўлга кўйиш ва амалга ошириш имкониятлари яратилади;
- кимё мўъжизаларининг сир-асрорларидан кўпроқ баҳраманд бўлиш шароитлари пайдо бўлади;

- улар ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини кучайтиришга самарали хизмат қилади
- ўқувчиларни ажойиб ва илмий жиҳатдан жуда муҳим маълумотлар билан бойитади;
- ўқувчиларда кимё фанига ҳавас уйғотади ва бу ҳавасни ўстиради;
- ҳозирги замон кимёсининг муваффакиятларини ва бошқаларни анча қизиқарли ҳамда кенг қилиб кўрсатишга имкон беради;
- кимё ҳаваскорларининг ўз изходий ишларида қўлга киритган ютуқларини кўрсатишнинг ниҳоятда қулай формаси бўлади.
- қизиқарли саволларга, қизиқарли жавоблар топиш орқали мустақил фикрлашга ўргатади;
- артистлик маҳоратини шакллантиради;

Кимёдан синфдан ташқари ишларни тўғарак тарзида ташкил этиш ва ўтказиш услуби

Кимё фани ўқитувчиси олдида: ўқувчиларнинг ҳозирги замон кимё асосларини онгли суратда ва пухта ўзлаштиришига эришиш, ўқувчиларни бу фанга чуқур қизиқтириш, ўқувчиларни мустақил суратда билим олишига ўргатиш, юртимизда бўлаётган таълим соҳасидаги турли хил ўзгаришлар билан мунтазам равища таништириб бориши вазифаси туради.

Кимё саноатининг барқ уриб ўсиши, бутун халқ хўжалигимизнинг кимёлаштирилиши, буларнинг ҳаммаси ўқувчиларни ниҳоятда қизиқтиради ва уларда шу фанни чуқур билиб олиш, уни эгаллаш, ундан амалий масалаларни ҳал қилишда фойдаланиш истаги уйғонади. Синфдан ташқари машгулотлар бир мақсадни кўзда тутиб ўтказиладиган, ўқувчилар вақтини энг оқилона ўтказиш воситаси эмас, балки бутун таълим-тарбия жараёнининг кимёни бундан бўён янада муваффакиятлироқ ўзлаштиришга, бу фандан ҳаётда янада кенгрок фойдаланишга ёрдам берадиган йўналиши деб қараш лозим.

Дарсдан ташқари ишлар:

- ёшларни яхши ўқишига, кенг фикрли дунё қарашни хосил қилишга ёрдам бериши;
- ўқувчиларда кимё фанига бўлган истагини уйғотиш;

- кимёвий тажрибага бўлган талабларини қондириши, уларда туғилган назарий билимларни ҳал қилишга ёрдам бериши;
- кимёдан турмушда, саноатда ва қишлоқ хўжалигига қандай фойдаланилиш мумкин бўлган йўллар билан танишириши;
- ўқувчиларнинг амалий ҳаётда кимёдан фойдалана билиш малакалари орттиришга- уларнинг бўлажак касбларини танлаб олишларига ёрдам бериши керак.

Синфдан ташқари ишлар синфда ўтказиладиган машғулотлардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиласди. Синфдан ташқари машғулотлар мақсад ва мазмуни жиҳатидан ҳам шакл ва услублари жиҳатдан ҳам синф машғулотларидан фарқ қиласди. Синфдан ташқари машғулотлар ихтиёрий асосида ташкил этилади. Синфдан ташқари ишлар ҳамма учун мажбурий эмас. Синфдан ташқи машғулотлар ўқувчиларнинг эҳтиёжидан ва ижодий ишга бўлган табий интилишидан келиб чиқади. Ўқувчилар кимё билан таниша бошлаганида улар кимёвий ҳодисаларнинг ташқи қизиқарли томонларига: моддаларнинг ўз-ўзидан ўт олиши, портлаши, модда тусининг ўзгариши ва бошқалар қизиқтиради.

Кимё фанидан тўгаракларнинг қуидаги шакллари бор:

- препаратив кимё юзасидан ўтказиладиган машғулотлар;
- кимёвий асбоб ва моделлар ясаш машғулотлари;
- агрокимёдан ўтказиладиган машғулотлар;
- кимёвий анализ юзасидан ўтказиладиган машғулотлар.

Қуида кимёвий тўгарак аъзолари тайёрлаган кимёвий тадбир сценарийси ва уни қандай ўтказиш тартиби мисол тариқасида келтирилди. Тажрибаларнинг барчаси замонавий жиҳозлардан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Тўгарак раҳбари нималарни билиши керак:

1. Мактаб ва синфдан ташқари ишлар “Низоми”ни;
2. “Таълим тўғрисидаги қонун”ни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни;
3. Ҳукумат Фармон ва Қарорларини;
4. Халқ таълими вазирлиги, бошқармаси ва халқ таълими бўлимлари томонидан тавсия этилган “Дастур”га асосан ишчи режа тузилишини;
5. Ишчи режа май ойигача тузилиб, мактаб маъмурияти томонидан тасдиқланишини.

Ишчи режада:

- тўгаракнинг мақсад ва вазифалари;
- назарий машғулотлар мавзуси;
- амалий машғулотлар мавзуси;
- мавзуларни ўтилиш муддати;
- сухбат ва бошқа тадбирлар;
- изоҳ.

Иш режасида машғулотларни ўтказиш муддати ва соатлари аниқ қилиб кўрсатилиши лозим. Режалаштирилган мавзуулар ўқув якунигача ўтилсагина тўгаракнинг йиллик дастури бажарилган деб ҳисобланади. Иш режанинг охирида фойдаланилган адабиётлар ва ўқув кўлланмалар рўйхати ҳақида ёзув келтирилади. Иш режаси ўқув йили охирида мактаб маъмуриятига топширилади.

Ўқувчиларни қайд этиш дафтари

Ўқувчиларни қайд этиш дафтари муҳим молиявий давлат хужжати бўлиб ҳисобланади ва таълим муассасасида сақланади.

Қайд этиш дафтарида:

- мундарижа;
- гурухлар;
- ўқувчилар ҳақида маълумот;
- текширувчи холосаси;
- ҳисобот.

Ҳар бир гурух дафтарнинг алоҳида бетига ёзилади. Машғулотга келмаган ўқувчи (-) белгиси, сабабли келмаган ўқувчи (+) белгиси кўйилади. ”Низом”га асосан ўқувчи исталган вақтда тўгарак аъзолигидан чиқиб кетиши мумкин. Қайд этиш дафтарининг охирида ўқитувчининг йил давомида қилган ишларининг ҳисоботи ёзилади ва маъмуриятга топширилади.

Техника хавфсизлик дафтари

Техника хавфсизлиги бўйича ўқув йилининг бошида ўқувчиларни турли баҳтсиз ҳодисалардан саклаш мақсадида улар билан сухбат ўтказилади ва дафтарга ўқувчилар томонидан имзоланади. Бунда ўқитувчи: тўгарак ва муассасани тартиб қоидалари, техника воситалари билан ишлаганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилишлари, электр асбоблари билан ўйнашмаслик, ёнфинни олдини олиш ва бошқалар тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боради.

Конспект дафтари

Конспект дафтари түгәрак раҳбарининг машғулотга тайёрланиш жараёнининг маҳсули хисобланади. Түгәрак раҳбари машғулотларни юқори даражада ўтиши учун конспект ёзади. ва ҳар түгәрак ўтказишдан олдин у мактаб маъмурияти томонидан тасдиқланади.

Түгәрак раҳбари ўқувчиларни зериктириб қўймаслиги учун турли қизиқарли анжуманлар, семинарлар, конференциялар, учрашувлар, кўрик танловлар, саёҳатлар, экспурсиялар ва бошқа тадбирларни ўюштириб туради. Ҳар бир тадбирдан сўнг хисбот ёзиб йил охирида маъмуриятга топширади.

Кўргазмали қуроллар

Машғулотларни юқори савияда ўтказиш, ўтилаётган ҳар бир мавзуни ўқувчиларга тушунарли килиб етказиш мақсадида кўргазмали қуроллардан фойдаланилади. Синфдан ташқари муассасаларда кўргазмали қуроллар турлича бўлади. М: қоғозга чизилган плакатлар, тайёр плакатлар, тайёр моделлар, макетлар шаклида ҳамда тайёр ҳолатдаги қўл меҳнати ишлари ва асбобускуналар.

Юқорида баён этилган нарсалар түгәрак раҳбарининг ишида мужассам бўлса, демак түгәрак раҳбари ўз ишида самарадорликка эришгани маълум бўлади. Қуйида түгәрак аъзолари иштирокида ўтказилган кимёвий анжумандан намуна келтироқдамиз. Қуйида “Нон кимёси ва биокимёси “мавзусида ўтказилган намуна келтироқдамиз.

Кутиладиган натижалар:

- синфдан ташқари машғулотлар бир мақсадни кўзда тутиб ўтказиладиган нарса эмас, ўқувчилар вақтини энг оқилона ўтказиш воситаси ҳам эмас, балки бутун таълим-тарбия жараёнининг кимёни бундан буён янада муваффақиятлироқ ўзлаштиришга, бу фандан ҳаётда янада кенгроқ фойдаланишга ёрдам берадиган ажралмас қисми эканлигини ўқувчиларга етказишдан иборат.

**Кимё дарсларини самарадорлигини оширишда
ноанъанавий усуллар**
(“Матбуот-конференция” дарси мисолида)

Матбуот конференция - дарсининг бориш тартиби.

Дарснинг мавзуси: “Углеводородларнинг табиий манбалари”.

Дарснинг таълимий мақсади: - нефть маҳсулотлари бизнинг “қора олтинимиз” эканлигини билган ҳолда, уни юртимизнинг табиий бойликларидан бебаҳо бойлик эканлигини хисобга олиш, уни авайлаб асраб, келажак авлодга ҳам олиб қолиш муаммолари, нефть маҳсулотларининг хоссалари ва уларни таркибий қисмларга ажратиш технологиясини ўрганиш;

Дарснинг ривожлантирувчи аҳамияти: нефть маҳсулотларини ишлатилиши тўғрисида маълумотлар олиш, мавзуни инновацион технологияларни қўллаш орқали ёритиш ва бу орқали ўқувчиларда илмий дунёқарашибни кенгайтириш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: табиий бойликлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш ва уларни авайлаб-асрашни билиш, касбга меҳр уйғотиш ва йўналтириш ҳамда кимё фанини бошқа фанлар билан боғлиқлигини кўрсатиш.

Дарснинг жиҳози: Конференция ўтказиладиган зал ёки синф хонасининг жиҳоздланишига алоҳида эътибор берилади: мавзуга оид турли жадваллар, схемалар, кўргазмалар, рефератлар, нефтьдан олинадиган маҳсулотлар коллекцияси, углеводородларнинг физикавий ва кимёвий хоссаларини намоён қилувчи тажрибалар учун керак бўладиган асбоб ва реактивлар, Ўзбекистоннинг табиий картаси, нефть маҳсулотларини қиздириш жараёнида уни таркибий қисмларга ажралишини кўрсатувчи асбоб, жараённи ратификацион коллоналарда тақсимланишини анимация усулда тасвирловчи мультимедия, нефть маҳсулотларини ишлатилиш соҳаларини тасвирловчи чизмалар, инсон организмига нефть маҳсулотларини салбий ва ижобий таъсирини тасвирловчи кинофильмлар ва бошқалар. Буларнинг барчаси анжуман ўтказиладиган масканга алоҳида файл киритади.

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм. Конференция синфда ўтиши муносабати билан қўйидагилар амалга оширилади: Саломлашиш, давоматга, уйга берилган вазифани аниқлашга, ўқувчиларни дарсга

тайёргарлигига, синфдаги тартиб интизомга, синфнинг тозалигига эътибор қаратилади.

Бошловчи ўқувчиларга дарс янги мавзуни ўрганиш билан бошланишишини, мавзунинг долзарблиги, унинг мақсади, дарснинг бориши тартиби, конференцияни жозибали ва сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида унинг фаол иштирокчиларини - турли касб әгалари таклиф қилинганини айтади ва уларни томошабинларга танишиди. Ўқувчиларни мавзу бўйича қандай саволлар қизиктиришини аниқлаб, келган меҳмонларни ўқувчилар орқали савол-жавобга жалб қиласди. Ўқувчиларни нефтьни қазиб чиқариш тарихи, юртимизда қаерларда нефть конларини учраши, у қандай хоссаларга эга эканлиги, юртимизнинг табиий бойлиги бўлган нефть қандай таркибий қисмлардан иборат эканлиги ва уни қандай қилиб таркибий қисмларга ажратиш мумкинлиги, уни тирик организмларга шу билан бир қаторда инсон организмига таъсири қандайлиги, ҳамда нефть маҳсулотлари қандай мақсадларда ишлатилиши муаммолари каби саволлар қизиктирди. Бу саволларга ўқувчилар қуидагича жавобларни олишади.

Тарихчи: нефтьнинг пайдо бўлиши тўғрисида маълумот беради;

- **геолог:** ернинг тузилишини ва у асосида ер қаърида нефть маҳсулотлари қандай ҳосил бўлиш жараёнини уни қандай қазиб олиш йўлларини чизма ва кўргазмалар асосида тушунтиради;

- **географ:** нефть маҳсулотларини Ўзбекистоннинг табиий картасида уни қандай белгиланиши, унинг конлари юртимизнинг Андижон, Наманган, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро, Газли, Муборакда учрашини айтиб, картадан кўрсатади. Юртимиз нефть қазиб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туришини, йиллар давомида қанча миқдорда нефть қазиб олингани ва мустақилликка эришганимиздан сўнг 1 йилда қанча нефть қазиб олиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради;

- **физик** эса - нефтьнинг ўзига хос физик хоссаларини пробиркадаги нефть суюқлиги орқали кўрсатиб, унинг таркибий қисмлари бўлган маҳсулотларни “Нефть маҳсулотлари” коллекциясидан кўрсатади ва ҳар бир маҳсулотнинг ўзига хос физик хоссалари билан танишитиради;

- **кимёгар** нефть маҳсулотларини ёнувчан эканлигини, қофозга, газламага яхши шимилишини, сувдан енгиллигини, у

билингвальдеги киришмаслигини тажрибалар орқали кўрсатади, нефтьни қайта ишлаш йўли орқали ундан 28 хил маҳсулот олиш мумкинлигини айтади ва кинофильм орқали кўрсатиб беради;

- **технолор**: нефтьни ратификацион колоннада таркибий қисмларга ажралишини анимация усулида проектр орқали кўрсатади, нефтьни қиздириш жараёнида маълум бир ҳароратда қандай маҳсулот ҳосил бўлаётганини ва улар қандай мақсадларда ишлатилишини, ажратиб олинган маҳсулотлар турли сифат кўрсаткичларга эга эканлигини сон қийматларда схемадан тушунтиради;

- **шифокор** – нефть ва унинг маҳсулотлари чет элларда айрим сабабларга кўра сувга оқизиб юборилаётгани, уни сувдаги тирик жонзотларга салбий таъсири, уни ёндириш орқали содир бўлаётган салбий оқибатларни инсон саломатлигига таъсири ҳакида гапиради ва шу мавзуга оид кинофильм кўрсатди. Ўтиладиган дарс мавзуси 45 дақиқага мўлжалланганлиги сабабли, жавоблар қиска ва лўнда бўлади.

Бошловчи конференция қатнашувчиларини конференциядан олган таассуротлари ҳакида фойдали ва қимматли маълумотлар берилганлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтади, конференцияда иштирок этгандарга миннатдорчилик билдиради. Мавзуга оид бошқа саволлар бўлмаганлиги сабабли конференция ўз ишини якунлайди, келган меҳмонларга қизикарли маълумотлари учун миннатдорчилик билдирилади.

“Матбуот – конференция” дарси шу тариқа ўз ишини тутатади. Албатта бундай дарсга ўкувчилар пухта тайёрланиши ва кимёдан мавзу бўйича билимга эга бўлишлари керак. Конференция мавзуси бўйича ўзига тегишли мавзуларни тўлиқ ва кўргазмали қилиб таърифлаб берган ўкувчилар мактаб маъмурияти томонидан раббатлантирилади. Ўкувчилар томонидан тайёрланган “Матбуот-конференция” усулида дарс ўтиш орқали қуйидаги натижаларга эришиш ва холосага келиш мумкин:

- ўкувчининг билиш фаолияти кучаяди, фанга бўлган қизиқиши ортади;

- ўтказилган конференция орқали ўкувчилар қисқа вақт ичida мавзу асосида кўп, қизикарли, фойдали ва қимматли маълумотлар олиш имконияти яратилади;

- мавзуни фанлараро боғлиқликда ўтказишга имконият яратилади;
 - мавзуни қисқа вақт ичидә ҳар томонлама ўрганишга имконият яратилади;
 - ўқувчиларнинг янгиликка интилувчанлиги, уларни излаб топишга ва амалиётга қўллашга нисбатан кўникмаси ва малакаси шаклланади;
 - ўз устида тинимсиз ишлаш кўникмаси шаклланади;
 - инновация, интерфаол мухитида таълим олади;
 - етук мутахассис кадрлар бўлиб етишишига имкон яратилади.
- Шу муносабат билан қуйидаги тавсиялар бериш мумкин:
- кимё дарсларида ноанъанавий усуллардан доимо фойдаланиш лозим, чунки бу усулларда ўтказилган дарслар орқали ўқувчилар мавзу асосида кўпроқ, фойдали ва қимматли маълумотлар олиш имконияти яратилади;
 - атроф-мухитни тозалигини саклаш учун турли тадбирларни доимо амалга ошириш имконияти яратилади;
 - ўқувчиларни қизиктирувчи касбларга тўғри йўналтирилади;
 - олимлар, турли касб эгалари билан давра сухбатларини уюштириш фойдадан ҳоли бўлмайди, бунда ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти ортади ва билим тафаккури кенгаяди;
 - дарс жараёнида турли ноанъанавий дарслар ўтиш орқали ўқувчиларни кимё фанига бўлган қизиқишини ошириш ва бу орқали кимё таълимимда самарадорликка эришиш мумкинлиги исботланади.
 - ўқувчи дарс жараёнида ҳаракатланувчи кучга айланади. Бу эса таълимда сифат ва самарадорликни таъминлайди. Ўқувчиларнинг ўкиш фаолиятини тубдан ўзгартиб, келажакда етук, эркин фикрловчи, жаҳон стандартларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар бўлиб етишишига имкон яратилади.

“НОН ВА НОН КИМЁСИ” мавзусидаги конференция

Нонга ҳурмат – ота ва онага бўлган ҳурмат билан баравардир, дейишади қариялар. Дарҳақиқат, барча таомлар орасида энг азиз, энг мўътабар ва энг қадрли саналадиган нон инсоннинг тириклигини таъминловчи қудратли омиллардан биридир. Ноннинг тарихи, кимёвий таркиби, организм учун фойдалари озука эканлигини биокимёвий нуқтаи назардан изохлаш, ”дон-нон-инсон” учлигининг диалектик муносабати каби масалаларга бағишиланган. Ушбу анжуманни ўқувчилар ижросидаги турли ”мутахассислар”нинг чиқишлиари тарзида ўтказилса анча самарали бўлади. Чунки нонга тааллуқли маълумотларнинг хилма-хиллиги ва ушбу мавзунинг қўп қиррали эканлиги масалага ҳар томонлама ёндашишни тақозо этади. Ўтказиладиган конференциядан кўзланган мақсад – нонни эъзозлаш, донни унга, унни эса нонга айлантириш технологияси, ноннинг хаётдаги роли, нон кимёси ва биокимёси ҳақида таълим ва тарбия беришdir. Нон – инсониятнинг бебаҳо бойлиги, муқаддас неъматdir. Ноннинг тарихини билиш – инсониятнинг тарихини билиш, миллат ва Ватаннинг ўтмишини тушуниб етишdir. Ноннинг асосий озиқовқат маҳсулотигина бўлиб қолмасдан хуррамлик ва маъмурчилик, кучлилик ва гўзаллик рамзи ҳам эканлигини англатиш, нонга бўлган эътибор – баҳтли келажак учун ғамхўрликнинг бошланиши эканлигини тушунтириш нуқтаи назаридан бундай тадбирларни ўтказиб туриш фойдадан холи бўлмайди.

Конференцияни ўтказиш олдидан “Нон ҳақида нималарни биласиз?”, “Нима учун нон муқаддас ҳисобланади?”, “Нон қандай яратилади?” каби саволларга эга бўлган маҳсус анкетага ёзма жавоблар йиғилади. Ҳар бир синф ўқувчиларининг билимлари ва жавоблар йиғилади. Ҳар бир синф ўқувчиларининг билимлари ва ёши бўйича хусусиятларини ҳисобга олган холда “Нон – бош мезон”, “Нонни эъзозлаш – ҳамманинг ва ҳар бир кишининг инсоний бурчидир”, “Нондан тежамкорлик ва самарадорлик билан фойдаланиш - умумхалқ иши”, “Нон ва инсон”, “Дон ва нон”, “Нон кимёси ва биокимёси ҳақида”, “Нони ҳалолнинг- виждони ҳалол”, “Нон – ҳар инсонга жон”, “Нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон” каби мавзуларда сухбатлар ташкил этилади. “Нон – халқ соғлиги

ва Ватан бойлигидир” деган мавзуда маҳсус бюллетьенъ чиқарилади. Нон заводи, ун комбинати, элеватор ёки тегирмонларга экспурсиялар уюштириш йўли билан дон маҳсулотларини сақлаш, тозалаш, саралаш, қайта ишлаш ва нон тайёрлаш технологиясига оид маълумотлар билан ўқувчиларни таниширилади. Ўқувчилар ишлаб чиқариш илгорлари, мутахассислар ва тажрибали ишчилар билан учрашадилар, ишчи касблари ва меҳнат шароитлари билан танишадилар.

Конференцияни ўтказиладиган зални жиҳозлашга ҳам алоҳида эътибор берилади. “Нонни эъзозланг!” (стенгазета), “Дон ва унинг кимёвий таркиби”, “Дон, ун ва ноннинг озуқавий қиммати”, “Одам учун бир кунлик нон нормаси”, “Нон оқсиллари ва аминокислоталари” (жадваллар), “Ўзбекистонда ғалла етиштириш”, “Дон маҳсулотлари” (диаграммалар), “Нон – бебаҳо бойликдир”, “Нон-меҳнатнинг буюклик рамзидир”, “Тинчлилик ва нон учун кураш ҳеч қачон тинмайди”, “Ер юзига – тинчлик, дастурхон юзига эса нон ярашади”, “Нонга бепарво бўлма, кейин уволига қолма”, “Дастурхонда бўлса нон, тиллар ҳам бўлар бийрон”, “Доналаб эккан – ботмонлаб йифар”, “Дона-дона бўлар дон, йифилганда эса хирмон”, “Нон исидан буюкроқ анбар йўқ”, “Ғалла учун кураш – ҳаёт учун курашдир” (плакатлар ва чакириклар) каби осма ва кўргазма материаллар, турли нон намуналарининг кўргазмаси, донли экинларнинг ҳосил намуналари анжуман ўтказиладиган маскан алоҳида файз ва тароват киритади. Саҳнанинг тўрига атоқли олим К. А. Тимиризевнинг “Яхши ёпилган бир бурда нон-инсон тафаккурининг энг улуғ ихтиrolаридан биридир” деган сўзлари ёзиб қўйилади. Залга биолог олимлар, биохимиклар, селекционерлар, микробиологлар, кимёгарлар ва табиатшунослярнинг Н. И. Вавилов, П. П. Лукьяненко, Ф. Г. Кириченко, В. Н. Ремесло, А. Н. Бах, Д. Н. Прянишников, А. И. Опарин, Н. Н. Иванов, Д. И. Менделлеев, К. А. Тимиризев, В. Л. Кретович, Н. Е. Лясковский каби таникли вакилларининг портретлари осиб қўйилади, уларнинг илмий-амалий фаолиятлари кўрсатилади. Конференциянинг жозибали ва сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида унинг фаол иштирокчиларига турли касб эгалари сифатида чиқишлиари тавсия этилади. Анжуманнинг бошловчиси агроном, биохимик, шифокор, новвой, кимёгар, иқтисодчи, пазанда, уруш ва меҳнат ветерани

тимсолидаги ўқувчиларни томошабинларга таништиради ва уларга нон ҳақида гапириш учун галма-гал сўз берилади.

Бошловчи: Инсон учун нондан азиз нарса йўқ. Дастурхонимизни нонсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам нон муқаддаслик рамзидир. Уни ҳар бир киши, ҳар куни севиб истеъмол қиласди. Бироқ, унинг қандай машаққат эвазига хосил бўлишини ҳамма ҳам билавермайди. Ноннинг қадрини очарчилик йилларини бошдан кечирган авлод яхши билади. Бугунги кунда ҳам Ер юзи аҳолисининг деярли тўртдан бир кисми нонга муҳтоҷликда кун кечирмокда. Доннинг тўйимли ва мазали нонга айланиши жуда кўп одамларнинг тинимсиз меҳнати туфайли содир бўлади. Донни экиш, парваришлар, ҳосилни йиғиб олиш, донни саралаш, тозалаш, янчиш, ҳамир кориш, нон ёпиш ишлари бажарилганидагина донни нон тарзида истеъмолчиларга этиб келишига имконият яратилади. Шунинг учун ҳам нонни эъзозлаш, тежаб – тергаб фойдаланиш ҳар бир соғ виждонли кишининг муқаддас ва юксак инсоний бурчидир. Нима учун нон бошқа неъматлардан фарқли ўлароқ ҳеч қачон қўнгилга урмайди? Нима сабабдан у тўйимли ва фойдали таом ҳисобаланади? Нон истеъмол қилиш зарурияти нима билан белгиланади? Одам организмида нон ва нон маҳсулотлари қандай биокимёвий ўзгаришларга учрайди. Дон ва ноннинг кимёвий таркиби қанақа? Бу каби кўпгина саволларга тўғри жавоб беришлари учун бугунги даврамизга мутахассислар ва олимлар, дехқонлар ва шифокорлар, ҳайётнинг аччиқ-чучугуни таътиб кўрган авлод вакилларини таклиф этганимиз. Ҳозирги навбатни уларга берсак.

Бошловчи: биринчи сўзни ғаллакордан эшитамиз.

Ғаллакор: Нон азалдан оддий озука маҳсулотигина бўлиб қолмасдан, куч-қудрат ва бойлик тимсоли ҳам ҳисобланган. Инсон ўзи туғилиб ўsgan ерга таъзим бажо айлаш билан бирга ундан саховат ундириш йўлларини ҳам ўзлаштира борган. Она-Ер марҳамати билан Инсон қўлининг сехри омухталашганда ажойиб мева-нон яралади. Дехқонлар кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирилар ва лалмикор дехқончиликни ривожлантирилар, ғалла ҳосилдорлигини тинмай орттира бордилар. Кафтларимиздаги қадоклар эвазига хирмонларимиз донга, дастурхонларимиз эса нонга тўлади. Ғалла ҳосилини кўпайтириш кимё ва кимёгарларнинг ёрдамисиз амалга ошмайди. Экиладиган уруғлик донни турли зааркунан-

далар ва касалликлардан ҳимоялаш, ғаллазорни бегона ўтлардан тозалаш, ўсимликни илдизи орқали турли зарурий моддалар (минерал ўғитлар, микроэлементлар) билан озиқлантириш, ғалла экинларининг турли зааркунандаларга қарши самарали курашбуларнинг барчасида кимёнинг алоҳида ўрни сезилади. Қаттиқ ва сифатли дон олиш имконини берадиган серунум навлар яратилиши долзарб муаммодир. Республикамиз ахолисининг эҳтиёжлари учун четдан буғдой олиб келиш амалиётига чек қўйиб Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигини таъминлади. Ўзбек халқида “Қўлдан берганга қуш тўймас”, деган яхши мақол бор. Қаттиқ ва сифатли дон берадиган навларни қайта кўриб чиқиш, баракали хирмон кўтариш имконини берадиган технологияни жорий этиш, умуман олганда, тупроғида олтин унадиган серкүёш ўлкамизнинг дәҳқончилик имкониятларидан самарали фойдаланишимиз керак.

Бошловчи: Эндиғи навбат агрономга, марҳамат!

Агроном: Биологлар дон берувчи ўсимликларни уч гурухга бўлишади. Биринчи гурухга – буғдой, жавдар, арпа, сули; иккинчи гурухга – нўҳат, тарик, маккажўхори, шоли, оқ жўхори, маржумак (гречиха); учинчи гурухга – нўҳат, хашибаки нўҳат, ловия, соя, бўри дуккак (люпин), ясмиқ, нут киради. Дунё бўйича ҳар йили 1, 7 миллиард тонна дон етиширилади ва унинг 50 млн. тоннадан кўпрогини буғдой ҳосили ташкил этади. Ботаниклар буғдойнинг 22 та турини эътироф этадилар. Бу рақам буғдойнинг ёввойи ва маданий турларини ўз ичига олади. Машхур олим, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг биринчи президенти, Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг асосчиси ва биринчи директори, машхур селекционер, академик Н. И. Вавилов жаҳоннинг 52 мамлакатини кезиб чиқсан ва 28000 дан зиёд буғдой навларидан намуналар йиғиб келган эди. Афсуски, унинг шундай ҳизматлари ўз вақтида етарли даражада қадрланмади. Н. И. Вавилов бошлаган савобли иш унинг шогирдлари томонидан давом эттирилди ва бугунги кунда тўплланган уруғ ва меваларнинг намуналари сони 250000 дан ошиб кетди, уларан 40000 таси ғалла ва дуккакли-дон экинларига тегишлидир.

Бошловчи: эндиғи навбатни тарихчига берамиз.

Тарихчи: Буғдой – ер юзасидаги энг қадимги ва жуда кенг тарқалган ўсимлиқдир. Археологик маълумотларга караганда

Эрон, Миср, Ирокда буғдой бундан 6500 йил илгари ҳам экилганлиги, Туркманистан ва Ўзбекистонда эрамиздан олдинги VIII, Грузия ва Арманистанда – XI, Украинада эса IV-VIII минг йилларда онгли равишда озуқа сифатида буғдойдан фойдаланилганлиги маълум бўлди. Олимларнинг фикрига кўра биринчи нон бундай 15 минг йил олдин ёпилган. Демак, инсон буғдойни маданийлаштирумасдан илгари, ундан дон сифатида амалда фойдаланган. Қадим замонларда ёввойи буғдой ер шарининг ўрта минтақаларига тарқалган бўлиб, Осиё, Африка ва Европадан секин-аста Америка ва Австралияга ўтиб борган. Бугунги кунда буғдойнинг қутлуғ қадами инсон тафаккури туфайли шимолий худудларга ҳам етиб борди. Ҳозирги пайтда Ер юзининг 250 млн. гектари майдонига буғдой экиласди. Табиатнинг кучлари қаршисида ожиз бўлган инсон кургоқчилик, заарли ҳашаротлар, замбуруғли касалликлар ва бошқа оғатлар туфайли кўплаб даҳшатли очарчиликларни ўз бошидан кечирган, сон-саноқсиз курбонлар берган. “Нон” сўзи “жон” сўзи билан тенглашган йиллар жуда кўп бўлган. Фалла учун кураш – ҳаёт учун кураш, ўзига хос фронт саналган. Бир парча нонга интиқ ҳолда ҳаётдан кўз юмган авлодлар, очликдан шишиб жон берганлар, нон учун жон фидо килганлар хотираси хурмати – нонни эъзозланг. Шоир айтганидек:

Жаҳонга – бевафога ҳар нечук жонлар келиб кетган,
Ёмону-яхши-ю, ҳар турли инсонлар келиб кетган.
Ўлимга чора топмай неча Лукмонлар келиб кетган,
Поёнига етолмай ақли ҳайронлар келиб кетган
Кел, эй дўстим, бугун сен бу ширин даврнинг завқини сургин,
Дилингни овлаган оромижоннинг завқини сургин.
Қийин кунларни эслаб парча нонни завқини сургин,
Етолмай бу кунларга неча инсонлар келиб кетган.

Бошловчи: ноннинг кимёвий таркиби ва унинг хоссаларини кимёгар олимдан эшитамиз.

Кимёгар: Доннинг таркибида оксиллар, нуклеин кислоталар, углеводлар, ёѓлар, ёғсимон моддалар, рангли бирикмалар (пигментлар), витаминалар, ферментлар ва турли хил минерал моддалар бўлади. Барча донли экинларнинг уруфини кимёвий таркибига кўра уч гурухга ажратилади: 1) крахмалга; 2)оксилга; 3) ёѓларга. Буғдой донининг таркибида 70% дан кўпроқ турли

углеводлар (қандсимон моддалар, крахмал, гемицеллюзоза, клетчатка, турли шилимшиқлар), 12-20% оқсиллар, 2%га яқин ёғлар бўлади. Жавдар ҳам серкрахмал дон, аммо унда оқсиллар камрок, углеводородлардан ҳосил бўлувчи шилимшиқ моддалар кўпроқ (1, 5-2, 0%) бўлади. Шу гурухга кирувчи маккажўхори каби ўсимликларнинг дони ёғлироқ бўлади. Иккинчи гурухга донининг таркибида 22% ва ундан кўп микдорда оқсиллар бўладиган нўхат, ловия, вика, соя, ерёнғоқ каби ўсимликлар киради. Дон ва мевалари таркибида кўп микдорда ёғлар бўладиган кунгабоқар (60% гача), канакунжут (55-60%) каби ўсимликлар учинчи гурухга мансубдирлар.

Буғдой дони таркибида ўртacha 16% оқсил, 63 % крахмал, 4, 32% қандлар, 2, 76 клетчатка, 8% пентозалар, 2, 24 % ёғлар, 2% минерал моддалар бўлади. Буғдой оқсилининг таркиби 51-53% углерод; 16, 8-18, 4% азот; 6, 9-7, 5% водород, 21, 7-23, 0% кислород; 0, 7-1, 3% олтингугурт ва бошқа элементлардан ташкил топади. Буғдой таркибидаги оқсилларнинг оддий ва мураккаб турлари мавжуд. Оддий оқсилларнинг альбуминлар, глобулинлар, проламиналар, глотелинлар каби гурухлари эрувчанлигига кўра бир-биридан фарқланадилар. Эрувчанлик эса ўз навбатида улар молекуласининг таркиби ва тузилишига боғлиқdir. Альбуминлар – сувда, глобулинлар – суюлтирилган туз эритмаларида, проламиналар – сув ва спиртли эритмаларда, глотелинлар эса ишқорларнинг суюлтирилган эритмаларида гина эрийдилар. Мураккаб оқсилларнинг липопротеинлар (оқсиллар билан ёғлар ва ёғсимон моддаларнинг табиий бирикмаси), гликопротеинлар (оқсилларнинг углеводлар билан бирикишидан ҳосил бўлади) ва нуклеопротеинлар (оқсиллар билан нуклеин кислоталарнинг бирикишидан ҳосил бўлган махсулотлардир) каби элементлари буғдой таркибида кўпроқ учрайди. Буғдой дони таркибидаги оқсилларнинг аксариятини проламиналар ва глотелинлар ташкил этади. Бу оқсиллар дон ва ун таркибидаги махсус модда – клейковинани ҳосил қиласидилар. Дон кимёси ва биокимёсини ўрганиш айнан Беккари ишларидан бошланган. 1745 йилда итальян олими Джикамо Беккари буғдой унини ювиш орқали ажратиб олган бу елимсимон модда унинг хамир ва нон тайёрлаш сифатини белгиловчи моддалардан биридир деб таъкидлайди. 1865 йилда Москва Дорилфунунининг профессори Н. Е. Лясковский


“Буғдой донининг кимёвий таркиби” номли илмий ишини чоп этди ва унда доннинг таркиби миңтақавий ва иқлимий шароитларга боғлиқ ҳолда ўзгаришини илмий жиҳатдан исботлаб берди. Дон таркибидаги углеводларнинг оддий вакиллари – таркибида 5 та углерод атомини сақловчى пентозалар ва 6 та углерод атомига эга бўлган гексозалардир. Пентозалардан кўпроқ учрайидган арабиноза ва ксилоза (уларнинг эмпирик формуласи бир хил – $C_6H_{10}O_5$) муҳим бўлиб, бошқа пентозалар каби пенозанлар деб аталувчи мураккаб углеводородларнинг таркибига киради. Гексозалардан глюкоза ва фруктоза кенг тарқалган бўлиб, уларнинг биринчиси альдегид, иккинчисида кетон гурухи мавжуддир. Глюкоза энг муҳим ўсимлик углеводородлари бўлган крахмал, цеплюлоза ва бошқа бир қатор полисахаридлар таркибига киради. Дисахаридлардан – сахароза (шакарқамиш ёки қанд лавлаги шакари) ва мальтоза (сумалак шакари) кўпроқ учрайди. Бу қандларнинг эмпирик формуласи $C_{12}H_{22}O_{11}$ бўлиб иккита моносахарид звеносининг бирикишидан келиб чиқади. Сахароза – глюкоза билан фруктозадан мальтоза эса глюкозанинг икки молекуласидан ҳосил бўлади. Таркибида учта моносахарид звеноаси бўладиган трисахаридлардан энг муҳими рафиноза бўлиб, унинг молекуласи глюкоза, фруктоза ва галактоза қолдикларидан тузилган ва у $C_{18}H_{32}O_{16}$ тарзидаги эмпирик формулага эгадир. Бундай углеводлар уруғ муртагида кўп бўлади ва унга униб чиқиши пайтида зарур энергияни бериш учун ҳизмат қиласи. Дон таркибидаги шилимшиқлар тарзидаги полисахаридлар, уруғ (дон) пўстлоифида тўпланадиган гемиллюзоза ва клетчатка каби кепакка айланувчи, ҳамда инсон организми ўзлаштира олмайдиган юқори молекуляр углеводлар ҳам кўп учрайди. Дон таркибига кирувчи ёғлар асосан тўйинмаган ёғ кислоталаридан ҳосил бўлган липидлардир. Улар осон ҳазм бўладилар. Дон ва унинг маҳсулотлари таркибидаги E, B₁, B₂, PP, B₆ C каби витаминлар ва A, D витаминларга айланувчи бирикмалар (каротин, эргостерол) ҳам бўлиши мумкин, у физиологик жиҳатдан қимматлидир. Дон ёки уннинг таркибидаги турли минерал моддалар ҳам бўлади. Масалан доннинг кулида 60% гача P₂O₅, 30%гача K₂O бўлиши, муҳим ҳаётий элементлар – фосфор ва калийнинг жон озиғи-ноннинг таркибий қисми эканлитини кўрсатади. Олтингугурт, магний ва хлор ҳам кул таркибидаги анчагина миқдорда бўлади. Кулда темир,

рух, марганец, мис, кобальт ва бошқа күпгина микроэлементлар деб аталувчи кимёвий компонентлар ҳам борлиги доннинг ҳақиқатдан ҳам ажойиб ҳазина эканлигини кўрсатади.


Биохимик. Ҳаётий жараёнларда оқси́лларнинг биокимиёвий ўзгаришилари – парчаланиши янгидан яратилиши содир бўлиб туради. Одатда озиқ-овқат шаклидаги оқси́лларнинг биологик тўлақонлиги уларнинг таркибида зарурий компонент бўлмиш 20-22 та турли аминокислоталардан баъзилари одам оранизмida умуман синтез бўлмайди (масалан, лизин, валин, лейцин, изолецин, метионин, фенилаланин, треонин, триптофан, аминокислоталари), айрим аминокислоталар эса қийинчилик билан ҳосил бўлади (аринин, тирозин, гистидин).

Буғдой унининг оқси́лида ҳам лизин, метионин, треонин, триптофан каби алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар кам бўлади. Шунинг учун факат нон истеъмол қилиш билан одам организми ўзи учун керакли аминокислоталарни етарли даражада ола олмайди. Юқори навли оқ буғдой нонида фойдали моддалар миқдори кам бўлади, чунки ун тайёрлаш жараённида улар кепак ва бошқа чиқиндилар тарзида йўқоладилар (ичаклар харакатини яхшиловчи балласт моддалар – клетчатка ва геминцеллюзоза, муртак таркибидаги айрим оқси́ллар ва витаминалар шу жумладандир). Балласт моддалар, витаминалар, кўпчилик минерал бирикмалар каби фойдали компонентлардан нон пўстига яқин жойларда тўпланадилар ва ун тайёрлашда кепак билан чиқиб кетиши мумкин. Шу боисдан дағал ун, йирикроқ тортилган дон маҳсулотлари майнин ва ўрта тозаланган маҳсулотларга нисбатан фойдали ва тўйимли бўлади. Буғдой уни таркибидаги кўп сонли ва турли оқси́ллардан глиадин (буғдой проламины шундай деб юритилади) ва глютелин хамирнинг корилиши жараённида клековина ҳосил қиласидилар, сувда бўккан клейковина хамирнинг бўрсилдоқ, енгил ва яхши ёпиладиган (нон тарзида) бўлишини таъминлайди. Уннинг нон маҳсулотларига бекаму-кўст айланниши ундаги клейковинанинг миқдори ва сифатига боғлиқ. Хамиртуруш таъсирида, ун таркибидаги углеводлар спиртли бижғиш (анаэроб жараён) га учрайдилар ва этил спирти билан карбонат ангидридини ҳосил қиласидилар. Газ ажралиши эвазига хамир кўпчийди. Клейковина газ пуфакчаларини ўраб юпқа пардали шарчаларга айлантиради. Хамирнинг газ ҳосил қилиш ва газни

тутиб қолиш каби қарама-қарши хусусиятлари сиз суйиб истеъмол қиласидан ажойиб нонларнинг ёпилишини таъминлайди. Бундай нонлар нафакат хушхўр, балки ҳазм бўлиши ҳам енгил кўчадиган озуқадир. Қора нон жавдар унидан ёпилади, унда инсон учун жуда зарур аминокислота-лизиннинг миқдори буғдой унига нисбатан икки хисса кўпдир. Ноннинг ҳиди ва таъми кўпгина омилларга боғлиқ бўлади. Ноннинг ўзига хос ҳиди 200 дан зиёд турли моддалар туфайли пайдо бўлади. Булар ҳар хил углеводородлардар, карбонилли бирикмалар (альдегидлар ва кетонлар ҳамда уларнинг ҳосилалари), феноллар, спиртлар, кислоталар, эфирлар, олтингугуртли моддалар, гетероциклик бирикмалардир. Уларнинг кўпчилиги хамир оширилаётганда ва нон ёпилаётганда ҳосил бўлади. Масалан, олма ҳидини берувчи фурфурол пентозаларнинг термик дигидратланишидан ҳосил бўлади:



Табиий асал ҳидини берувчи оксиметилфурфурол эса гексозаларнинг дегидратланиши натижасида пайдо бўлади:



Жавдар нонининг ҳиди изовалериан альдегиди туфайли ҳосил бўлади. Изовалериан альдегиди ва бошқа ҳидли ҳамда рангли бирикмалар тандирдаги юқори ҳарорат таъсирида гексоза ва пентозалар билан оксиллар ва аминокислоталар ўртасида содир бўладиган Майар реакцияси туфайли келиб чиқади:

Гексозалар ва Пентозалар + Аминокислоталар ва оксиллар – $\xrightarrow{\text{t}^\circ}$ фурфурол ва оксиметилфурфуол қандлардан ҳосил бўлади) + Боща альдегидлар, масалан, изовалариан альдегиди (амино-кислоталарда ҳосил бўлади) + Меланомидлиндар (корамтири, қизғиши, кўнғир рангли бирикмалар; қандлар билан аминокислоталарнинг ўзаро таъсиридан ҳосил бўлади)

Ноннинг ҳиди ва мазаси кўпгина органик кислоталарга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, чирк, сут, олма, вино, лимон кислоталари. Жавдар нони чумоли кислотасидан ҳосил бўлади.

Шифокор: Нон – хеч қачон кўнғилга урмайдиган ажойиб озуқа маҳсулотидир. Нон ёрдамида организм ўзига керакли

кўпгина моддаларни қабул қиласди. Оқсиллар, углеводлар, ёғлар, витаминлар, ферментлар минерал моддалар – шулар жумласидандир. 1 г ёғ оксидланганда 9, 45 ккал, 1 г оқсил оксидланганда 5, 56 ккал, 1 г углевод окисдланганда 4, 20 ккал энергия ажралишини ҳисобга олган ҳолда қуруқ массасининг 80% и углеводлар, 17%га яқини оқсиллардан иборат бўлган ноннинг нақадар зўр энергия манбаи эканлигини англаб олиш қийин эмас. Турли нонларнинг энергия қуввати турличадир (100 г нон учун ккал ҳисобида): жавдар нони – 190, буғдой нони – 233, чўрак (озарбайжон нони) – 236, оби-нон – 266. Буғдой ноннинг ҳазм бўлиш даражаси 85-91%ни, жавдар нониники эса 67-72 % ни ташкил этади. Одам организмининг нонга бўлган суткалик эҳтиёжи ёшга кўра ўрганилганида: 3 ёшгача 100 г дан кўп эмас, 6 ёшгача 150 г, 10 ёшгача 220 г, 13 ёшгача 300г, 17 ёшгача 400 г. Нон таркибидаги витаминлар суткасига 500 г нон истеъмол қилувчи одамнинг В₁ витаминига бўлган суткалик талабини 68% га, В₂ витаминига бўлган талабини 28%га, РР витаминига бўлган талабини эса 82% га қондиради. Нон таркибида бўладиган клетчатка, гарчи у одам организмида ҳазм бўлмаса ҳам, ошқозон-ичак тизимининг фаолиятини яхшилайди. У ошқозон ширасининг кўпроқ ажралиши учун, ичаклардаги ҳаракатнинг рисоладагидай давом этиши учун ёрдам беради. Шунинг учун ҳам клетчаткага бой нонлар (жавдар нони, дагалроқ ундан ёпилган нон) соғлом организм учун оқ ва майин унларнинг нонидан кўра кўпроқ фойдали. Нон мағзидаги клейковинага ўралган газ пуфаклари ошқозон деворларини қитиқлаб меъда ширасининг ажралишини тезлаштиради. Нонга ҳид берувчи кўпчилик моддалар эса иштаҳани очувчи кучли таъсир кўрсатади. Нон мағзидаги ғоваклик ҳам унга ошқозон ширасининг самарали шимилишини ферментлар таъсир этадиган юзанинг катта бўлишини таъминловчи ижобий омиллардандир. Нонни жуда иссиқ ҳолда ейиш тавсия этилмайди. Чунки янги пиширилган қайноқ ноннинг чайналиши қийин, унга меъда ширасининг шимилиши секин кечади, иссиқ нон мағзи (яъни узилган нон мағзининг ҳарорати 97-100°C га етади) ошқозондаги ферментларнинг ҳазми таомлик функциясини сусайтиради ва х. к.

Ошқозони ва жигари хасталанган кишиларга қотирилган ва бироз суви қочган нонларни истеъмол қилиш фойдалидир. Ноннинг суви қочганда уни қайта юмшатиш учун юзига сув сепиб

3-5 дақика давомида 150-200⁰С ҳароратли духовкага қуиб олиш керак.

Нон ва озиқ маҳсулотларини маҳсулотларини газетага ўраш ярамайди, чунки типография бўёғи заҳарлидир. Босмахона шрифти қўрғошин ва сурмадан иборат-гарт қотишмасидан тайёрлангани учун бўёқ таркибида ҳам заҳарли металларнинг бўлиши табиийдир. Нонни маҳсус идишларда сақлаш лозим. Қотиб қолган нонни ташлаб юбориш инсофдан эмас. Ундан лаззатли таомлар тайёрлаш мумкин. Нонни увол килмаслик – ҳар биримизнинг бурчимииздир!

Новвой: Ер шари аҳолиси истеъмол қиласдан барча озиқ-овқатлар маҳсулот турлари бўйича қуидагича нисбатда тақсимланганини статистик маълумотлар тасдиқлади: гўшт – 11%, сабзавот ва мевалар – 10%, картошка – 10%, ҳайвон ва ўсимлик ёғлари – 9%, қанд ва ширинликлар – 7%, балиқ ва денгиз маҳсулотлари – 1%, нон ва дон маҳсулотлар – 52%. Нон – катта қадр-кимматга эга бўлган энг азиз ва кўп истеъмол қилинадиган неъматдир. Буюк аллома Абу Али ибн Сино нон ҳақида шундай дейди: “Нон тоза, тузли, хамири яхши бўлиши ва бир кеча тўхтатиб ейилиши керак. Иссик нонни кишининг табиати яхши қабул эта олса, уни иссиқ ҳолида ейиш яхши эмас”. Дарҳақиқат, шифокорларнинг аниқлашиба, янги пиширилган нон зарарли таъсир кўрсатади. У меъданинг шира ажратиш функциясини кескин ошириб юборади, ошқозон ости безининг фоалиятини кучайтиради, ўт суюклиги (сафро)нинг ажралишини тезлаштиради. Ошқозонда оғирлик сезилиб, безовта қиласди. Шунинг учун овқат ҳазм қилиш тизимининг касалликларига чалинган кишиларга янги ёпилган нонни кўп ейиш тавсия этилмайди. Котган нон ҳамма учун фойдали. У намликин оз сақлагани учун ошқозонда енгил ҳазм бўлади. Нонни сут билан истеъмол қилинганда ёки сутга қорилиган хамирнинг нонини ейилганда нон таркибида кам учрайдиган аминокислоталар (масалан, лизин)нинг ўрни тўлади. Эланмаган ундан қилинган нон ични юмшатади. Тоза оқ ундей тайёрланган нон эса ични қотиради. Котган нон ҳам ични қотиради. Нон организмнинг касалликка қаршилигини оширади. Ўзбекистонда 50 дан зиёд хилдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Самарқанд нонининг довруғи оламга кетган. Кўхна ва ҳамиша навқирон

шаҳарга келиб кетувчи минглаб сайёхлар учун энг азиз совғамазали; жилоли, ширин, хушхўр ва тўйимли Самарқанд нонлариидир. Қадимда нонни олтиндан ҳам юқори баҳолашган, нонга бўлган ҳурмат ва эътибор ахлоқ нормалари билан боғлиқ бўлган. Энг қутлуғ ва шарафли ишлар ҳам оддий даражали қасамёд ҳам ноннинг номи билан муҳрланган. Нонни азиз билган ҳалқимиз ҳеч қачон нонга хиёнат қилмаган. Ноннинг энг кичкина ушоғини ҳам азиз қилиб кўзга суришган. Хуллас, ҳам озиқли, ҳам фойдали неъмат – нонни биз, яъни ҳозирги авлод вакиллар ҳам исроф қиласлигимиз, тежаб-тергаб фойдаланишимиз ва қадрлашимиз керак.

Адабиётчи: Ўзбек ҳалқи ўзининг узок йиллик ўтмиши давомида нонга бўлган ажойиб ҳурмат ва эъзоз анъаналарини шакллантирган. Янги туғилган чақалоқдан тортиб нуроний кексаларгача – барча авлод учун ноннинг муқаддаслиги ҳар қадамда эслатилган. Боланинг ёстиғи остига нон қўйиш, узок сафарга (урушга, ҳарбий хизматга, олис ва маشاққатли йўлга) отланган йигитларга нон тишлатиб қолиш, икки ёшнинг янги оиласига оқ йўл тилаш нон ушатиш билан амалга ошириш, меҳмонни нон билан кутиб олиш, нонни эъзозлаш, ноннинг номини ҳамма нарсадан юқори қўйиш – буларнинг ҳаммаси олий даражадаги озиқ-маҳсулотининг ҳаётий аҳамиятини тан олишдан келиб чиқсан. Ҳалқ оғзаки ижодиётида ҳам нон нихоятда улугланган. Афсона ва ривоятлар, эртак ва масаллар, хикоя ва топишмоқларда нонга бўлган алоҳида меҳр ва муҳаббат ўз аксини топган. Олимлар, шоирлар, давлат арбоблари, турли касб эгалари нонни мадҳ этишган. Масалан, Алишер Навоий ўзининг кўпгина асарларида нонни кўтаринки рух билан куйлаган:

*Ҳар куни у нону сувни олур эрди,
Нонни бир гўша ичра солур эрди.
Кесмии эрди аёғлардан буни,
Нон иси бирла бор ади хурсан.*

Кишилар жуда қадимда буғдойнинг ёввойи турларидан фойдаланишган, ундаги яхши сифатларни орттириш йўлида уринганлар. Пояси бакувват, дони қаттиқ, серхосил буғдойларнинг маданий навлари сунъий танлаш йўли билан ҳосил қилинган. Ёввойи буғдойнинг донларидан Миср, Ироқ ва уларга қўшни

мамалакатларда бундан 8-10 минг йиллар бурун фойдаланилган-лигини археологик қазилмалар тасдиқлайды. Миср фирмавн-ларининг қабрларидан эса ёши 4-5 минг йилларга борадиган маданий буғдой доналари топилган.

Очлик ва юпунчиликни неча бор ўз бошидан ўтказган халқ “Нонга ҳурмат – элга ҳурмат”, “Нон – ҳар инсонга жон”, “Ун – поклиқдан нишон”, “Сув – ҳаётнинг боши, нон – ҳаёт қуёши”, “Нони ҳалолнинг виждони ҳалол”, “Нон берганга-жон бер”, “Нон-табиат неъмати, ўлчовда йўқ қиммати”, “Нон – барча неъматлар ичра султон” каби кўпгина ҳикматли сўз, мақол ва ибратли ибораларни яратган.

Дунёда мутлако тенгсиз ва бебаҳо учта неъмат борки, буларнинг бири оби ҳаёт – зилол сув, яна бири эса инсонга илк қувват – она сути ва ниҳоят, учинчиси жон малҳами – нондир. Нонда қуёшнинг жамоли, инсон боласининг камоли, тирикликтининг сокин ва улуғвор тимсоли бор! Нон фарогат рамзи ҳамдир. Уни муқаддас билмоқ ва кўз қораси каби асраромоқ керак. Нонтепкилик қилиш – инсоният олдидағи, кўхна тарих олдидағи, ҳар қандай умуминсий қадриятлар олдидағи энг мудҳиш жиноятдир. Ким уни азиз деб билса, нон доимо ҳамроҳи бўлсин, баҳт-саодат мангусаодат мангу-саодат мангу ёр бўлсин!

Иқтисодчи: Ўзбек халқининг “Ҳисобини билмаган – ҳамёнидан айрилар” деган ажойиб мақоли бор. Бу мақолнинг мағзини чақа олмаган кишиларга етиштирилган ҳосилни йигибтериб олиш, ташиш ва қайта ишлаш жараёнида уни нест - нобуд қиласидилар. Ўрокчи (комбайн ҳайдовчи) чала ўрса, ташувчи (юк машинасини бошқарувчи)нинг қопи тешик ёки йиртиқ (кузови нобоп) бўлса, омборчининг юхонаси (склади)да кемирувчи ва емирувчилар тайёрга айёр бўлиб турса, ҳосилнинг аксарият қисми тандирдан дастурхонга нон бўлиб узатилмасдан йўл-йўлакай йўқолади, албатта. Статистиканинг гувоҳлик беришича, етиштирилган ҳосилнинг 20-30% истиёмолчиларга етиб бормасдан исроф бўлар экан. Шунча миқдордаги маҳсулотни асрар қолиш йўлида қилинган энг катта харакатлар ҳам ўшанча миқдордаги дон-дунни етиштириш сарфидан 2-3 хисса кам бўлади. Битта бошоқ – 1, 35 г дон демакдир. Агар ғаллазорнинг ҳар бир квадрат метрида биттадан бошоқ қолиб кетса, бир гектар майдонда 13, 5 кг дон йўқотилади. Агар Ўзбекистонга ҳар бир киши бир кунда 1

грамм нонни увол қиласа, республика бўйича кунига 21 тоннадан, бир йилда эса 7660 тоннадан кўпроқ нон истроф бўлади. Вазни 35-40 мг келадиган буғдой донининг ҳар бири қўёш нурини, ер шарбатини, ёмғирнинг “алла”сини, дехқоннинг меҳрини, меҳнати ва виждонини ўзига жо қилиб етилади. Ҳар бир бўлак нонда миллионлаб меҳнаткашларнинг хиссаси бор. Булар – механизатор, комбайнчи, агроном, металлург, тегирмончи, машинасоз, селекционер, новвой, генетик, кимёгар, тупроқшунос каби турли мутахассис ва хунармандлардир. Бир дона дондан 20 мг ун олинади, битта оддий батон нонини тайёрлаш учун эса 10000 та дон сарф бўлади. Шу донлар қанчадан – қанча одамларнинг ҳалол тер тўкишлари эвазига пайдо бўлишини тасаввур қилганлар – ноннинг беҳуда сарфланишга йўл қўймайдилар, албатта.

Уруш ва меҳнат ветерани: Дунёнинг турли бурчакларида нон музейлари ташкил этилган. Нон билан боғлик кўп нарсалар унинг узоқ тарихига гувоҳлик бериб туриш билан бирга, нон ва инсоннинг абадий бирлигини тасдиқлади ҳам. 1988 йилнинг май ойида Ленинград (хозирги Санкт – Петербург) шаҳрида очилган нон музейининг энг азиз экспонати – қамал йилларининг 125 граммлик қора нон парчаси бўлди. Урушнинг даҳшатли йилларида оғир қамал ва очликни бошидан кечирган шаҳар 641803 та кишидан жудо бўлди.

Уларнинг аксарияти бир тишлам нонга зор бўлиб ҳаёт билан видолашган бандалар эди. Озарбойажоннинг Агдам шаҳридаги нон музейи эса қадимий тандирлар, минг йиллик донлар, космонавтлар фазода истеъмол этадиган нон намуналари каби 1800 дан кўпроқ экспонатларга эга. У ерда дунё ҳалқлари ёпадиган нонлардан кўргазма ҳам ташкил этилган. Нонни ҳар қанча ардоқласа арзиди. Нонга хурматсизлик – энг оғир жиноят саналмоғи лозим. Тўкликка шукrona айтиш, нонга ета олмай ҳаётдан кўз юмғанлар руҳини шод этиш, ноннинг мукаддаслигига шак келтирмаслик барча тирикларнинг инсоний бурчидир. Очарчилик йилларининг даҳшатлари такрорланмаслиги учун ҳам донни, нонни ва ҳазрати инсонни эъзозлаш зарур. Тарих сахифаларида оқ доғларни йўқотиш учун, хирмонлар донга, дастурхонлар эҳсон - нонга тўлиши учун ҳалол меҳнат қилайлик. Саховатли тупроғимизда унадиган олтин бошоқлар доимо тўқ ва мўл-кўл бўлиши учун курашайлик.

Ўқувчилар ушбу кечага тайёрлаб келган шеърларини ўқишида, нонни ва инсонни улуғлайдилар, ҳикматли сўзлар ва топишмоқлар айтадилар. Миллий нон намуналари конференция иштирокчиларига намойиш қилинади. Конференция сўнггида “Тошкент – нон шахри” фильмидан парча кўрсатилади.

Бундай анжуманларни ўтказиш – кимё, умумий биология, меҳнат, тарих, ботаника, одам анатомияси ва физиологияси каби ўқув предметлариаро алоқани амалга ошириш, ўқувчиларда инсон меҳнатига ажойиб муносабатни шакллантириш, касбга меҳр уйғотиш ва умуман, инсоний қадриятларга тўғри баҳо бериш учун имкон яратади. Энг муҳими, ҳар кунлик йўлдошимиз – нон ҳақидаги, унинг кимёси ва биологик кимёси тўғрисидаги билимларни оширишга ёрдам беради.

Ушбу анжумани тайёрлашда илмий, илмий-оммабоп нашрлар ва вақтли матбуот материаллардан фойдаланилади.

“ПАХТА ВА КИМЁ” **мавзусида кеча ўтказиш усули**

Бундай тематик кимёвий кечалар ўқитувчиларда касбга, меҳнатта ва яратувчанлик фаолиятига қизиқиш уйғотиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг муносабатини ҳамда турли ўқув предметлариаро алоқаларни амалда намойиш этиш мақсадларида ўтказилади. Пахта – республикамизнинг миллий бойлиги, ўзбек халқининг фахри ва ифтихори эканлигини ҳамма билади. Бугунги кунда пахта – Ўзбекистоннинг куч-кудрати ва иқтисодий мустақиллигининг пойдеворига айланган экан, албатта, пахтакор ўзбек халқининг ёш авлоди пахтачилик тарихини, пахта етиштиришда кимёнинг ролини, пахтани кимёвий қайта ишлаш эвазига олинадиган пахтачилик маҳсулотлари, республиканинг пахтачилигига хизмат қилувчи ва пахтачилик билан боғлиқ равишда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари ҳақида тўлароқ маълумот олиши фойдадан холи бўлмайди.

Кечани ўтказиш учун маълум тайёргарлик ишларини бажариш лозим. Пахтачиликнинг ривожланиш динамикасини кўрсатувчи жадвал ва диаграммалар, пахтачиликнинг юксалишига алоқадор маъмурий хужжатлардан нусхалар, илғор пахтакорларнинг фотопортретлари ва улар ҳақида маълумотлар,

пахтадан олинадиган маҳсулотлардан намуналар, пахтачиликда қўлланиладиган ўғитлар ва гербицидлардан намуналар қўйилади. Зални безаш учун улуғ алломалар, адаб ва мутахассисларнинг пахта ҳақида айтилган фикрлари ва халқнинг ҳикматли ибораларидан фойдаланиш лозим. “Пахта – халқ бойлигидир”, “Она юрting – олтин бешигинг”, “Дарё сувини баҳор тоширав, одам қадрини меҳнат оширав”, “Ер – она, сув – ота, меҳнат – бойлик”. “Сув ғўзанинг жони, ўғит унинг дармони”, “Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик” каби халқ сўзлари, “Пахта оқ, уни оқ кўнгил кишилар етиширади”, “Хосилдорлик – минерал ўғитларга боғлиқ катталикидир” (акад. Д. Н. Прянишников), “Кишлоқ хўжалиги масалаларини ҳал қилиш учун кимё ёрдамида тўғри йўл топиш мумкин” (Д. И. Менделеев), каби таникли кишиларнинг фикрларидан намуналар пахта экиладиган худудлар ажратиб кўрсатилган Ўзбекистон харитаси қўйилади. “Пахта – ўзига хос кимёвий комбинатдир”, “1 т пахтадан нималар олиш мумкин?”, “Пахтадан олинадиган тайёр ва яrim тайёр маҳсулотлар, “Пахтачиликда қўлланиладиган ўғитлар ва заҳарли химикатлар” каби стендлар, “Ўзбекистонда катта кимё” номли электрлаштирилган стенд – харита, турли деворий газеталар, викторина саволлар ёзилган таҳтача, пахтачилик ва кимёга оид илмий-оммабоп адабиётлар токчаси – анжуман ўtkазиладиган жойга алоҳида тароват ва файл зиёд турлари маълум бўлса ҳам, уларнинг 5 та тури қўпроқ тарқалган. Булар Мексика, Ҳиндси-Хитой, Африка-Осиё ва уч тишли ғўза турларидир. Мексика ғўзаси экиладиган ғўза, навларининг 90% дан қўпроғини ташкил этади. Археологик маълумотларга қараганда, пахтани ўстириш ва ҳосилидан фойдаланиш 3000 йил олдин Ҳиндистонда йўлга қўйилган. Марказий Осиёда эса пахта

Энди кечга қатнашчиларининг чиқишиларидан намуналар келтирамиз:

1-ўқувчи: Пахта – қимматбаҳо техника экинидир. У жуда қадимдан экиб келинади. Бу иссиқлик ва ёргуликсевар ўсимликни “куёш фарзанди” ҳам дейишади. Пахта Госсипиум (лотинча – “тола берувчи дараҳти”) авлодига мансуб ўсимлик бўлиб, гулхайридошлар оиласига киради. Ғўзанинг 35 дан зиёд турлари маълум бўлса ҳам, уларнинг 5 та тури қўпроқ тарқалган. Булар Мексика, Ҳиндси-Хитой, Африка-Осиё ва уч тишли ғўза турларидир. Мексика ғўзаси экиладиган ғўза, навларининг 90% дан қўпроғини ташкил этади. Археологик маълумотларга қараганда, пахтани ўстириш ва ҳосилидан фойдаланиш 3000 йил олдин Ҳиндистонда йўлга қўйилган. Марказий Осиёда эса пахта

экиш эрамиздан олдинги асрларда йўлга қўйилган. Пахта муҳим хомашё бўлган тола олиш мақсадида етиширилади. Лекин, пахтадан бошқа қимматли маҳсулотлар ҳам кўплаб микдорда олинади. Бугунги кунда саноат миқёсида пахта ўсимлигидан олинадиган моддалар сони 12000 дан ортиб кетди. Пахта толасидан ички ва устки кийимлар тикилади, электротехника, авиация, автомобиль саноатларида ишлатиладиган газламалар тўқилади. Пахта толасидан портловчи моддалар, қофоз, пахта, ип олинади. Пахтанинг чигитидан эса озиқ-овқатга ишлатиладиган маҳсулотлар, техника мойи, совун, кунжара (ёғи олинган чигитнинг прессланган қолдиги) каби маҳсулотларни олиш йўлга қўйилган.

2-ўқувчи: Бир тонна пахта хомашёсидан 340-350 кг тола, 620 кг чигит олинади. 340 кг толадан 3500 квадрат – метр газлама ёки 1400000 фалтак ип ишлаб чиқариш мумкин. 620 кг чигитдан эса 110 кг ёғ, 10 кг совун, 270 кг кунжара, 170 кг шулха ва 8 кг линт олинади. Пахта толасини саралаш жараёнида ва чигитни туксизлантириш давомида 30-40 кг пахта момифи ҳам чиқади. Санаб ўтилган маҳсулотлар эса саноат учун қимматбаҳо хомашё бўлиб хизмат қиласи. Бугунги кунда пахта ва унинг маҳсулотлари ишлатилмайдиган бирор соҳани топиш қийин, чунки халқ хўжалигининг барча тармоқлари пахта билан бевосита ва билвосита боғланиб қолган.

Пахта (ғўза) ўсимлигининг вегетатив органларида ҳам фойдали моддалар кўп бўлади.

3-ўқувчи: Пахта (ғўза) ўсимлигининг массаси 33% пахта ҳосили (тола ва чигит), 22% барглар, 24 % ғўзапоя, 12 % чаноқлар, (ғўзапўчок) ва 9 % илдизлар улушкидан иборат бўлади. Унинг энг қимматли қисми пахта ҳосили бўлиб, тола таркибида 97-98, 5% цеплюзоза, 0, 8-1, 0% пектин, 0, 3-1, 0% ёғ ва мумлар, 0, 2-0, 3% оқсиллар ва бошқа моддалар бўлади. Пахта толаси ўзининг оригинал хусусиятлари билан ажралиб туради. У жун ва табиий ипақдан мустаҳкам, кимёвий ишловга осон берилиувчандир. Чигит устидаги тукларни линт дейилади ва ундан қайта кимёвий ишлов бериш йўли билан вискоза, ацетат толалари олинади. Бу тола ҳам сунъий толалар гурухига киради. Вискоза толаси 20% ли ишкор эритмаси (ўювчи натрий) ва углерод сульфид таъсир эттириб олинади. Бунда цеплюзоза билан кимёвий бирикманинг мураккаб

эфири яъни целлюлозанинг ксантогенати ҳосил бўлади. Ксантогенатлар суюлтирилаган ишкор эритмаси таъсирида қовуршоқ эритма ҳолига ўтади. Уни вискоза дейилади. Маълум вақтдан (вискоза “пишгандан”) кейин сульфат кислота ёки унинг нордон тузлари таъсирида ксантогенат парчаланади ва целлюлоза ялтироқ иплар тарзида ажралиб чиқади (вискоза ипаги ҳосил бўлади). Углерод сульфид молекуласи ксантогенатни парчалаганида қайтадан ажралади ва бу жараённи яна такрор қўллаш мумкин. Мис-аммиакли тола эса целлюлозани мис (II) – гидроксидининг аммиакдаги эритмаси билан ишлов бериш орқали олинади. Ацетат ипаги целлюлозага сульфат кислота иштироқида сирка ангидриди таъсир эттириш йўли билан ҳосил килинади. Бундай сунъий ипаклар турли мақсадларга мўлжалланган тўқималар ва иплар тайёрлаш учун сарфандади.

4-ўқувчи: Пахта толаси нитрат кислота таъсирида целлюлозанинг нитроэфирларини ҳосил қиласи. Бунда таркибида 11-13% азот бўлган нитроланиш маҳсулотлари ҳосил бўлади. Тринитроцеллюлозанинг таркибида 14, 1% азот бўлади ва у пироксилин номи билан портловчи модда сифатида ишлатилади. Унинг портлаш жараёнини мўътадиллаш учун пластификаторлар қўшилади ва ундан лента ёки қаламчалар тарзидаги тутунсиз порох тайёрланади. Таркибида 11% азот бўладиган ва целлюлоза таркибидаги ҳар бир глюкоза қолдиги иккитадан нитрогурухга эга бўлган динитроцеллюлозани коллоксилин дейилади. Ундан целлюлоид (унга пластификатор сифатида камфора қўшилган бўлади), нитролаклар, порох, динамит тайёрланади. Коллоксилинни эфир ва спирт аралашмасида эритилса тибиётда, кундалик турмушда кўп ишлатиладиган коллодий ҳосил бўлади (эривчилар буғланиб кетган коллодий пардаси қолди). Агар коллоксилин органик эривчилрда эритилиб турли қўшимчалар (минерал ва органик пигментлар) қўшилса, нитробёёқлар ва эмаллар ҳосил бўлади. Целлюлозанинг сирка ангидриди таъсирида ҳосил қилинган триацетатдан ёки ацетилланиш ҳосилаларидан пластмассалар, ёнмайдиган киноленталар, электроизоляция материаллари, лаклар ва бошқа кўпгина маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкин.

1-ўқувчи. Пахта (ѓўза) – турли кимёвий бирикмаларни яратадиган ўзига хос биологик фабрикадир. Унинг кимёвий


таркибида Д. И. Менделеевнинг элементлар даврий системасининг 40 дан зиёд элемент вакиллари топилган. Целлюлоза – пахта ўсимлигининг бош маҳсулидир, чунки тола берувчи ёки целлюлозали хомашё етиштирувчи кўпчилик ўсимликлар (каноп, зифир, наша, умуман ёғоч берувчи ўсимликлар ва луб экинлари) пахта сингари тоза ва пишиқ целлюлоза бера олмайди. Бундан ташкари, ғўза таркибидаги турли макро ва микроэлементлар, углеводлар ва ошловчи моддалар, органик кислоталар биокимёвий йўл билан миқдор ва сифат ўзгаришларига учраб турадилар.

Тўқимачилик саноатида ишлатиладиган толаларнинг 60%дан кўпроғи пахтага тўғри келади. Бунинг боиси, пахта толасининг нисбатан арzon, механик мустаҳкам, яхшигина намланувчи, йигириш сифати юқори эканлигидандир. Пахта толасининг 8% гача гигроскопик сувни шимиб олиши, 125°C гача қиздиришга чидамлилигига ва бошқа яхши кўрсаткичлари унинг гигиеник, иқтисодий, ҳарбий, майший ва бошқа жиҳатлардан бебаҳо табиий полимер сифатида кўлланилиши учун асос бўлади. Тўқимачилик саноати талабларига мос келиши нуқтаи назаридан пахта толаси қўйидаги кўринишга бўлинади. Технологик сифатлари ва хусусиятлари юқори бўлган биринчи кўриниш толадан парашют газламалари, батист, зефир, (нозик ип газлама) ҳарир (шаффофф вуаль), алоҳида иплар, трикотаж моллари тайёрланади. Иккинчи кўринишга мансуб толадан перкалъ (техникада ишлатиладиган батиссимон газлама), чийдухоба ва сатин, учинчи кўринишдаги толадан эса рапс (пишиқ чивиқ газлама), креп (юпқа ғижим газлама), ҳар хил рангли газмоллар, маҳсус триктоаж каби товарлар олинади. Тўртинчи кўринишдаги толадан шифон (юмшоқ ва майин газлама), поплин, маркизет, пойафзал учун тўқималар, конвейер ленатлари, эшилган ва йигирилган иплар, бешинчи хилга мансуб толадан эса митеқль (хом суруп), рапс, сатин, чит, турли қўйлаклик ва астарлик материаллар, дока каби моллар тайёрланади. Олтинчи хил толадан меланж (олачипор иплар ва газламалар), бумазея (пахмоқ газлама), устки трикотаж, еттинчи тип толадан эса бўз, сочиқлар, байка (дағал пахмоқ газлама) каби материаллар ишланади.

2-ўқувчи. Пахта толаси тайёр тўқимага айлангунча узоқ ва кўп босқичли йўлни босиб ўтади. Бунда 150 дан ортиқ технологик операциялар бажарилади. 1 кг толадан 20 м батист ёки 12 м чит, 5 м

чойшаблик газмол ёки 40-140 фалтак ип олиниши мумкин. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган тўқима ва газламаларнинг 72% дан кўпроғи пахта толаси ҳисобига яратилмокда. Ип-газламаларнинг навлари ҳам хилма-хил бўлиб, 2500 дан ортиқ номларга эгадир. Бундай тўқималарнинг 80% и маиший, 20 % и эса техникавий мақсадлар учун ишлатилади. Маиший мақсадларга ишлатиладиган тўқималарнинг ўзи ҳам учта йўналиш бўйича классификацияланади. Булар кийим-кечак газламалар, нам шимадиган тўқималар ва декоратив материаллардир. Ип-газлармаларга талабнинг катта бўлиши уларнинг мустаҳкам (пишиқ)лиги, барқарорлиги, ишқаланишга чидамлилиги, ёруғлик (нур) таъсирида кам ўзгариши ва гигиеник жиҳатдан мақбуллиги билан изоҳланади. Пахтадан тўқилган газламаларнинг асосий камчилиги – уларнинг етарли даражада эластик эмаслиги, чўзилиб ва ғижимланиб кетишидир. Бир пайтлар (эллигинчи йилларнинг охири ва олмишинчи йилларнинг бошида) синтетик газламаларга ружу қилинди ва кўплаб микдорда лавсан, капрон ва нейлон газламалар ишлаб чиқарила бошланди. Лекин, бундай синтетик толалардан тўқилган газламалар ва улардан тайёрланган кийим-кечак намлик ва ҳавони ўтказмаслиги, қишида иситмаслиги, ёзда эса салқин бўлмаслиги билан кўпчиликка ёқмади. Бу урф ўтиб кетгач яна ип-газламага қайтилди. Танага роҳат баҳш этувчи ички кийимлар, охори кўзга зиё бергудек устки кийимлар, уйкуда роҳат бағишловчи чойшаб-кўрпалар, терига майин тегувчи сочиқ ва пайпоклар, хуллас, яна қадрдон пахтамизнинг маҳсулотлари ўз эътибор-эъзозига эга бўлиб қолди. Бугунги кунда саноат эҳтиёжлари учун ишлатиладиган толаларнинг атиги 8%и синтетик ва сунъий толаларга тўғри келади. Пахта толасининг нафақат тўқимачилик ва енгил саноат, балки бошқа кўпгина тармоқларда ҳам кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш борасидаги салмоғи тобора ортиб бормоқда. Текстолит, клеёнка, сунъий чарм, шишасимон пластика, фильтр ашёлари, ўраш ва гилофлаш материаллар, техникавий презент, шаффоф қоғоз, резина-техника буюмлари, қоп-қанорлар, жилвир қоғозлар, толь, рубероид, картон, нашриёт – полиграфия қоғозлари каби жуда кўп ва хилма-хил номдаги товарлар ва ёрдамчи воситаларини яратиш учун ҳам пахта толасидан ва уни қайта ишлаш чиқитларидан фойдалнилмокда.


3-ўқувчи: Пахта толасидаги мавжуд камчиликлар (ғижмла-ниш, ёнувчанлик, микроорганизмлар таъсирида ўзгариш ва х. к.)нинг аксариятини йўқотиш учун кимёгарлар ва муҳандислар, тадқиқотчилар ва ихтирочилар астойидил меҳнат қилмоқдалар. Айнан шуларнинг меҳнатлари ва изланишларининг натижасида ажойиб сифатли пахта толалари олинмоқда. Пахта целлюлозаси-нинг тузилиши унга баъзи кимёвий ўзгаришлар ва “тузатишлар” киритиш имконини беради. Целлюлоза чизиқсимон тузилишга эга бўлган ва молекуляр массаси 1, 0 – 1, 5 млн га етадиган табиий полимерлар. Унинг молекуласи $C_6H_{10}O_5$ тартибли глюкоза мономерларининг тизимчасидан иборат бўлиб, ҳар бир мономер звенода катъий тартибда жойлашган учтадан гидроксид гурух бор. Ана шу функционал гурухлар эвазига целлюлозанинг мақсадга йўналтирилган ўзгаришларини амалга оширилмоқда. Пахта толасининг сифатини яхшилаш, унга янги ва фойдали ўзгаришлар киритиш целлюлозани кимёвий модификациялаш орқали бажарилади. Ғижимланмайдиган, бактерицид хусусиятига ва юксак механик мустаҳкамликка эга бўлган толалар целлюлозадаги эркин гидроксид гурухларни этерификациялаш (эфир боғли бирикмага айлантириш) эвазига ҳосил қилинади. Бундай эфирлар орасида целлюлозанинг нитро ҳосилалари катта амалий аҳамията эга бўлиб, тутунсиз порох, кино ва фотоплёнакалар, лак-бўёқлар, пластмассалар олиш учун кенг кўламда фойдаланилмоқда. Целлюлозага кимёвий ишлов бериш орқали вискоза, ацетат ва мис-амиакли толалари олинади. Бу сунъий толалар целюлозага нисбатан мутаҳкамлиги, эластиклиги ва майнлиги билан ажralиб туради. Вискоза олиш учун целлюлозага ўювчи натрийнинг 18% ли эритмаси билан ишлов берилади ва ишқорий целлюлоза (алколицеллюлоза) ҳосил қилинади:



Ишқорий целлюлоза 36-40°C ҳароратли махсус камераларида 10 соат мобайнида сақланганда унинг оксидланиш деструкция-ланиши яъни полимерланиш даражасининг камайиши хисобига этилиши содир бўлади. Сўнгра уни углерод сульфид билан эритилади. Бунда целлюлозанинг нордон эфири ҳосил бўлади. Уни целлюлоза қсантогенати дейилади:




Ксантогенат ишқорда яхши эрийди, бу эритма бироз вақт давомида сакланганда гидролизланиш эвазига олтингүргүртли гурухини йүқтөдө, целлюлозанинг эфирланиш даражаси камаяди, яни тола олинадиган эритма пишиб етилади. Махсус тешик (фильер)лардан ўтказилган суюқлик сульфат кислотали чўқтириш ваннасига туширилади ва унинг кислотада гидролизланиши натижасида целлюлоза қайтарилади:



Қайтарилган гидратцеллюлоза вискоза или тарзида чўқтириш ваннасидан чўзид тортилади.

Ацетат тола олиш учун целлюлозага сирка кислота (эритувчи сифатида) ва сульфат кислота (калатизатор сифатида) иштирокида сирка ангидрид таъсир эттирилади:



Хосил бўлган триацетилцеллюлоза қисман гидролизланиб таркибида 50%гача боғланган сирка кислота сақловчи “иккиламчи ацетат”га айлангач органик эритувчиларда эрийдиган холга келади. Уни таркибида 85% ацетон, ва 15 % спирт бўлган эритувчидаги эритилинг ва тола ҳолига келтирилади. Эритувчи буғланиб кетгач “куруқ тола” қолади.

Мис-аммиакли тола целлюлозани мис оксидининг аммиакдаги эритмасида эритиш ва сўнгра қайтариш орқали ҳосил қилинади. Бу тола иқтисодий жаҳатдан қимматга тушади. Шу боисдан мис – аммиакли ипак вискоза ва ацетат ипакларига қараганда камроқ ишлаб чиқариладиган сунъий толадир.

4-ўқувчи. Пахта толасининг асосий қисми чигитдан ажратиб олингач чигит устида узунлиги 20 мм дан кам бўлган туклар қолади, улар умумий тола миқдорининг 10 га яқин қисмини такшил этади. Бундай туклар пахта толасининг майин ва чала етилган қисми бўлиб, уни линт дейилади. Линтдан тозаланган чигит юзасида узунлиги 5 мм кам бўлган делингт қолади. Линт ва делингтдан ишқор, сирти актив моддалар ва оқартиргичлар таъсирида лигнин, пентозалар ва бошқа ноцеллюлоза компонентлардан тозаланган целлюлоза олинади. Бундай йўл билан олинган целлюлозадан юқори сифатли толалар ва пластмассалар ҳосил қилинади. Ацетат толага айлантирилган

целлюлоза тикувчилик ва трикотаж саноатида кенг құлланиладиган жун ва ипак материаллар таркибига күшилади. Бундай түқималар ўта бежирим ва мустаҳкам бўлади. Триацетатцеллюлоза, цетобутиратцеллюлоза ва ацетилцеллюлоза каби пластмассалар ҳам халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланилади. Триацетатцеллюлозадан ёнмайдиган киноплёнкалар ишланади. У яхши изоляция материали ҳамdir. Ундан енгил, мустаҳкам ва чиройли деталлар ясалади, улар авиаация ва автомобиль саноатида жуда асқотади. Ацетилцеллюлозадан лаклар ва линолеумлар ишлаб чиқарилади, улар машинасозлик, уй-жой ва саноат қурилишида ишлатилади. Линт ва делинт целлюлозасидан медицинада ишлатиладиган. махсус фильтр-картонлар, электротехника картонлари, ўта пишиқ корд, аъло сифатли қофоз, целлофан қобиклар, сунъий чарм, шиша, эбонит, фотография материаллари ва портловчи моддалар ҳосил қилинади. Линтдан озиқ-овқат саноати эҳтиёжи учун ишлатиладиган глюкоза ҳам олинади. Делинтни қайта ишлаш эвазига эса унинг ҳар бир тоннасидан 650-700 кг глюкоза ва 150 кг озуқа ачитқиси олиш мумкин. Пахта тозалаш заводларининг чиқитлари тарзида тўпланадиган момиқлардан эса матрац, адёл, юмшоқ мебеллар, қофоз ва изоляция материаллари тайёрлаш учун ишлатилади. Бунда заводларнинг энг паст навли чиқиндилари ҳам зое кетмайди. Қурилишда рурбериид, томга ёпиладиган материаллар, ўраш ва ғилофлаш ашёлар ана шундай чиқиндилардан олинади.

1-ўқувчи: Пахта ҳосили дехқончилик маданияти ва тармоқнинг кимёлаштириш даражасига боғлик бўлиб, тупрок, сув, ҳаво, минерал моддалар, ҳарорат каби омиллар ҳамкорлиги туфайли яратилади. Азотли ўғитлардан – аммоний сульфат, аммиакли селитра (аммоний нитрат) аммиакли сув, карбамид (мочевина), калийли ўғитлардан – калий хлорид, сильвинит (калий ва натрий хлоридларнинг табиий минерали), калий карбонат (поташ), калий сульфат, фосфорли ўғитлардан – оддий суперфосфат (кальций сульфат аралашган кальций дигидрофс офат), кўш суперфосфат (кальций дегидрофс офат), преципитет (кальций гидрофс офат), комбинацияланган ўғитардан – аммофос (аммоний дгидро ва гидрофосфатлар), калий нитрат, нитроаммофос кабилар пахтачиликка кенг қўлланилади. Тупроқка солинган 1 кг калий (калий оксида хисобида) пахта ҳосилини 8 кг

оширса, 1 кг фосфор (фосфор – оксида ҳисобида) қўшимча 6 кг ҳосил олишни таъминлайди. 1 кг азот (элементлар азот ҳисобида) эса қўшимча 14 кг пахта ҳосилини оширади.

Республикамизда пахтачилик учун қўлланиладиган минерал ўғитларни етарли миқдорда ишлаб чиқарувчи йирик кимё корхоналари қурилган. Масалан, Чирчиқдаги “Электрохимпром” ишлаб чиқариш бирлашмаси (аммиакли селитра, аммиакли сув, карбамид), Самарқанд кимё заводи (аммофос, диаммофос, суперфосфат), Фарғонадаги “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмаси (аммиакли селитра, аммиакли сув, дефолиантлар), Навоий шаҳридаги “Навоиазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси (аммиакли селитра, аммиакли сув, кальций цианамид), Олмалиқ шаҳридаги кимё заводи (аммофос, диаммофос, нитроаммофос, аммоний сульфат), Навоий шаҳридаги электрокимё заводи (гербицидлар ва турли заҳарли химикатлар) ва бошқалар.

Чорвачилик чиқиндилари ва бактериал препаратлари (азотбактерин, нитрагин ва бошқалар) ҳам ўғит сифтида пахта ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради.

2-ўқувчи. Ёзға ўсимлигининг турли касалликлари ва пахта ҳосилининг кўп сонли кушандаларига қарши курашнинг самарали шаклларидан бири – кимёвий бирикмалар хизматидан фойланишdir. Масалан, чигитга экиш олдидан ишлов бериш учун мис трихлорофенолят, гексахлоран каби уруғдорилагич (проатровиттель) ва фунгицидлардан, ёзға зааркунандаларига қарши курашиш учун фталофос, анабазин, фосфамид, метилэтилтиофос, метильнитрофос каби инсектрицидлардан фойдаланишади. Пахта экиладиган майдонлардаги бегона ўтларни йўқотиш учун – пентахлорфенол, натрий трихлорацетет, пропан (дихлорпропион кислотанинг натрийли тузи), дихлоральмочевина каби гербицидлардан, ёзға баргини тўқтириш учун эса магний хлорат, кальций цианамид, пентахлорфенол каби дефолиантлардан фойдаланилади. Кейинги пайтларда пахта зааркунандаларига қарши курашнинг биологик усули ҳам кенг қўлланилмоқда. Умуман олганда, этиштирилган ҳосилнинг анчагина қисми турли зааркунандалар туфайли нобуд бўлади. Ҳисоб-китобларга қараганда песцитидлар (ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари) хизматидан фойдаланилади.

3-ўқувчи: Пахта чигити ҳам қимматли маҳсулотлар манбаидир. Унинг таркибида 20-25 % ёғ, 18-20% оқсил, анчагина микдорда крахмал, бундан ташқари турли стеринлар, фосфатидлар, госсипол (ғўзанинг уруғ ва илдизларида тўпланадиган сариқ рангли, заҳарли пигмент, полифенол бирикма) ва кўпгина витаминалар ҳам бўлади. Масалан 1кг чигит таркибида 3, 2 – 3, 1 мг В₁ (тиамин), 1-28 мг В₂ (риобофлавин), 10-11 мг В₃ (пантотен кислота), 16-32 мг В₅ (никотинамид, никотин кислотаси, Р витамини) 0, 3 мг Н (биолтин), 1 мг В₆ (пиридоксин), 3, 8 мг фолат кислота, 3400 мг инозит (олти атомли циклик спирт), 3, 8 мг каротиноидлар каби витаминалар ва витаминсимон моддалар мавжуддир. Пахта чигитининг 1 тоннасидан 170-180 кг ёғ олинади. Ўзбекистон ёғ-мой саноатининг асосий маҳсулоти – пахта ёғидир. Бу ёғ юкори калорияли ва енгил ҳазм бўладиган озиқ-овқат маҳсулидир. Умуман, ёғларнинг оқсиллар ва углеводларга нисбатан икки хисса кўп энергия бера олиш қобилиятини унутмаслик керак (1 г ёғ оксидланганда 39 кдж энергия ажралади). Пахта ёғи таркибида тўйинган ёғ кислоталари кўпроқ бўлади. Масалан, линол кислота – 40%, олеин кислота – 31% микдорида учраса, стеарин (тўйинган) кислотанинг микдори атиги 2% дир. Ёғ заводларида чигитнинг ёғи сиқиб ажратилгач чорва моллари учун тўйимли озуқа бўладиган қолдиқ – кунжара ҳосил бўлади. Оддий кунжарада 40%, шротда 38% гача оқсил сақланади. Бундан ташқари, таркибига чорва моллари учун тез ва енгил ўзлаштириладиган бирикмалар (ёғлар, витаминалар, аминокислоталар, минерал моддалар) ҳам бўладиган кунжара ва шрот ўта фойдали ем ҳисбланади. Пахтанинг чиқитлари (шулха, ғўзапоя, кўсак чаноқлари ва бошқалар) ҳам қимматли саноат ҳом ашёси ҳисбланади. Уларни кимёвий ва биокимёвий ўзгаришлар (гидролиз, гидрогенлаш, бижғитиш ва х. к.) таъсирида метил ва этил спиртлари глицерин, фурил спирти, фурфурол, тетрагидрофурил спирти, ксилит, сорбит, смолалар, озуқа ачитқиси, бўёқлар ва бошқа маҳсулотларни олиш мумкин. Масалан, 1 тонна шулхани 85 л спирт, 20 кг карбонат ангидрид, 20 кг сирка кислота, 300 кг лигнолит (курилиш материал), 75кг фуруфол, 100 кг ксилоза, 55 кг ачитқи, 3-4 кг пектин елими каби маҳсулотларни олиш мумкин.

4-ўқувчи: Кейинги йилларда пахта чиқиндиларидан аммонийлаштирилган лимон ва олма кислоталарини олиш йўлга

қўйилди. Пахтани қайта ишлаш ва унинг маҳсулотларини кимёвий қайта ишлаш орқали доривор препаратлар, физиологик актив моддалар, омухта ем ва озуқа оқсилилари ҳам олинмоқда. Республика изда пахтачилик ва бошқа тармоқларнинг чиқиндиларидан қимматли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Йирик гидролиз ва микробиологик синтез корхоналари – Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи, Андижон гидролиз ва Янгийўл биокимё заводлари фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчиларнинг чиқишилари давомида “Пахтадан олинадиган маҳсулотлар”, “Ғўза ўсимлигидан ажратиб олинадиган моддалар”, “Пахта ёғи таркибида учрайдиган триглицеридлар”; “Ғўза барги таркибида бўладиган органик кислоталари”, “Пахта толасидан тайёрланадиган газламаларнинг ассортименти”, “Пахта толасининг кимёвий таркиби”. “Ўсимликлар ва ҳайвонларни ҳимоялашнинг кимёвий воситалари”, “Пахтачиликда қўлланиладиган минерал ўғитлар”, “Ўзбекистон ва пахтачиликнинг юксалиши” каби жадваллар, диаграммалар ва бошқа кўргазмали қуроллардан фойдаланилади.

Кечакатнашчиларининг маърузаларидан сўнг, қизиқарли тажрибалар ўтказилади. Ушбу кечанинг биринчи бўлимида баён қилинган “Ёниб узилмайдиган ип”, “Пуллик халта оловдан кўркмас”, “Қоғоз копда сув қайнатиш”, “Ёнса ҳам куймайдиган рўмолча”, “Тутайди, лекин ёнмайди”, “Олов ёқувчи таёқча”, “Оқ қоғоздан рангли оловлар”, “Бири семиради, бири озади”, “Ҳавосиз тўппонча”, “Кафтдаги портлаш”, “Фиръавн илони”, “Олов сочувчи аждар” каби тажрибалар қатнашчиларда катта қизиқиши уйғотади ва яхши таассурот қолдиради. Бундай тажрибалар олдиндан тайёрланган, синааб кўрилган ва вақт ҳисобга олиниши лозим.

Анжууманинг янада мароқли ўтиши учун кимёвий ўйинлар ва бошқотирмалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Ўқувчилар ўзбек шоирларининг пахтани, пахтакорнинг меҳнатини, пахта халқнинг бойлиги эканилигини, ўзбек пахтаси жаҳоннинг турли бурчакларида бу меҳнаткаш ва хокисор халқнинг дўстлик элчиси бўлиб хизмат қилаётганлигини мадҳ этувчи шеърларидан намуналар ўқийдилар, пахта ва пахтакор, она диёр ва гўзал ҳаёт ҳақидаги кўшиқларни куйлайдилар.

Масалан:

Миллион йиллик сўз эрур

Пахта бизнинг лугатда,

Жўякларда бошланган
Оналар тўлғоқ дарди.

Мободо ўсимликка
Забон битса албатта,
Пахта нави энг аввал
Ўзбекча гапиради.

(Абдулла Орипов).

Чаноқда лоладек кулган толага.
Деҳқоним юрагин кўрини берган.
Ўзбекнинг терини шимган пахтага,
Жаҳон ўз бозори тўрини берган
(И. Пирматов).

Кеча сўнгиди кимёвий викторина ўтказилади. Бунинг учун танлаб олинган саволлар ўртага ташланади, тўғри жавоб берган ўқувчилар эса рағбатлантирилади. Кечани тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида фаол қатнашган ўқувчиларига мактаб маъмуриятининг раҳматномаси топширилади.

Кимё фанидан экскурсияларни ташкил этишда инновацион технологияларни татбиқ этишга оид ишлардан намуналар

**Ишлаб чиқаришда олиб бориладиган экскурсия тахминан
куйидаги режа асосида ўтказилади:**

1. Бутун ишлаб чиқаришнинг қисқача характеристикаси (унинг пайдо бўлиши, ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги вактдаги вазифалари, ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари ва уларнинг экспорти).
2. Хомашё ва уни тайёрлаш.
3. Асосий аппаратлар ва уларнинг вазифалари.

Саноатда аммиак ишлаб чиқариш жараёнини анимация усулида тушунтириш

Саноатда аммиак ишлаб чиқариш маҳсус қурилмаларда олиб борилади ва улар ўқувчилар томонидан қийин ўзлаштирилади. Бунинг асосий сабабини жараённинг мураккаблиги ва ўқитиш услубининг яхши ривожланмаганлиги билан тушунтириш мумкин. Шунинг учун мавзуни ўқитишда ахборот технологиясини жорий қилиш долзарб муаммо ҳисобланади. Ушбу дарсда ахборот технологияларидан фойдаланиш учун шу мавзу бўйича билим ва кўнималарини оширишга ёрдам беради.

Бу усульда ўқитиш жараёни қисқа вақт давом этади ва берилган маълумотлар тез ўзлаштирилади.

Хозирги кунда дунёning жуда кўп заводларида синтетик аммиак ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бунда зарурый азот ҳаводан, водород сувдан ёки табиий газдан олинади.

Аммиак саноатда қуидаги олинади: $N_2 + 3H_2 = 2NH_3$

Ушбу реакцияга эътибор берилса, унинг қайтар жараён эканлигини, яъни маҳсулот ҳосил бўлишида иссиқлик ажralиб чиқишини тушуниш қийин эмас. Шунингдек, бу тенгламадаги реакцияда 1 ҳажм азот билан 3 ҳажм водород қатнашади ва натижада 2 ҳажм аммиак ҳосил бўлиши, яъни системада босимнинг пасайиши содир бўлади. Маълумки, саноат миқёсида амиак маҳсулот ишлаб чиқаришда экологик тоза, иқтисодий самарали усулдан фойдаланиш керак. Бунинг учун дастлаб энг қулай, ишчи-ходимлар учун хавфсиз шароитни яратиш зарур. Юқоридаги тенглама аммиак синтези учун қандай шароит қулай бўлишини ҳисоблаб чиқиш имконини беради.

У қуидаги қисмлардан иборат: азот ва водород газларнинг аралашмаси 1:3 ҳажмий нисбатда компрессорга берилиб 80000кПа босимда сиқилади. Сўнгра уни ифлослиқдан тозалаш учун қиздирилган кўмир билан тўлдирилган мой ажраттич фильтрга юборилади. Тозаланган газлар аралашмаси ўзаро реакцияга киришиши учун контакт аппаратга киритилади. Бу ерда катализатор озгина Al_2O_3 K_2O кўшилган ғовак темирдан фойдаланилади. Контакт аппаратдаги ҳарорат $500^{\circ}C$ атрофида бўлади. Юқорида кўрсатилганидек, аммиак синтези экзотермик ва шу билан бирга қайтар жараён бўлгани учун ҳам контакт

аппаратдаги ҳарорат 500°C дан юқори бўлмаслиги керак. Акс ҳолда ҳосил бўлган аммиак водород ва азотга парчаланиб кетади. Реакция вактида ажралиб чиқсан иссиқлик ҳисобига ҳарорат 500°C дан юқори бўлиб кетиши мумкин, лекин бу иссиқлик алмаштириш ҳисобига (қизиган газ ўтадиган труба икки қават бўлиб унинг ташки қисмидан доим совук газлар аралашмаси қарама-карши оқимда бир меъёрда харакат қилиб туради) Контакт аппаратидан чиқсан газлар аралашмаси совитгичга юборилиб ва ажратилади. Аммиак юқори босимда суюқликка айланади. Реакцияга киришмай қолган азот ва водородни қайтадан аммиак синтезида қатнаштириш мақсадида мой ажратгич фильтрга юборилади. Реакциядан сўнг газлар аралашмасида фақат 20-30% аммиак бўлади, холос. Юқори босим ҳосил қилиш қимматбаҳо аппаратларни талаб қиласди ва шундай юқори босимда ишлаш ишчи-ходимлар учун катта хавф туғдиради. Лекин паст босимда реакцияга киришмай қолган азот ва водород аралашмасини қайтадан синтез аппаратига киритиш ва бу жараённи узлуксиз давом эттириш, ишлаб чиқариши юқори босимда олиб боргандагина унумли бўлади. Ўзбекистонда Чирчиқ электрокимё саноати, Фарғона, Навоий-“Азот”ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам аммиак ишлаб чиқариш ана шу таризда амалга оширилади. Бу ерда азот ҳаводан водород табиий газлардан олинади. Аммиакнинг саноат миқёсида ишлаб чиқариладиган микдорининг асосий қисми нитрат кислота, азотли ўғитлар ва аммоний тузлари олишга сарфланади. Аммиакнинг сувдаги концентранган (25%) эритмаси (аммиакли сув) азотли ўғит сифатида, суюлтирилган (3-6%) эритмаси новшадил спирти шаклида ишлатилади. Суюқ аммиакдан совуткичларда паст ҳарорат ҳосил қилишда фойдаланилади. Аммиакни саноатда ишлаб чиқариш жараёнини ва ишлатиладиган курилмаларни ўқувчилар схема ва жадваллар ёрдамида, оддий педагогик технология асосида тушунишар эди. Уларни тасаввур қилиш ва тушуниш бироз қийин бўлди. Шу сабабли компьютердан фойдаланган ҳолда аммиакни саноат усулида ишлаб чиқаришдаги жараённи анимация қилиб, ундаги жараёнларни овоз билан тушунтириш ижобий самара беради. Компьютер асосида дарс ўтишдан мақсад дарс ўтишда кам вакт сарфлаб, кўпроқ билиб бериш, ўқувчиларни аммиак ишлаб чиқаришдаги мураккаб

жараёнлар тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш ва уларнинг билим олишига бўлган қизиқишларини янада оширишдан иборат.

Кутиладиган натижа: Бундай экскурсияларни амалга ошириш натижасида ўқувчиларнинг ижодий кузатувчанлиги, синчиковлиги ва фаоллиги ошади;

- экскурсия - кўргазмали асосида ўрганиш усулидир. Экскурсия ўқувчиларни ўрганиши лозим бўлган мавзу тўғрисида тўлиқ маълумот олишларига имконият яратади;

- экскурсия дарси –ўқувчиларни турли обьектлар: музей, зиёратгоҳ, корхона, табиат, илмий мауссаса ва бошқалар билан танишириш орқали уларнинг билимларини ҳаёт билан боғлаш ва касбга йўналтириш ишларини амалга оширишни таъминлайди

- экскурсия ўқувчи ва талабаларнинг ўқув дастурида кўрсатилган мураккаб мавзуларни ўрганишда ишлаб чиқариш билан боғлиқ обьектлар билан бевосита таниширишнинг жуда мухим усули ҳисобланади;

- бир неча фанларни ўзаро боғлаб, улар билан танишиб чиқишига имкон беради;

-экскурсия олинган назария билан амалиётни бир-бирига чамбарчас боғлайди ва ўқувчиларни келажакда қандай касб эгаллашига ёрдам беради;

- саноатда айрим моддаларни ишлаб чиқариш махсус курилмаларда олиб борилади. Бунинг асосий сабаби жараённинг мураккаблиги билан тушунтириш мумкин. Шунинг учун мавзуни ўқитишида ахборот технологиясини жорий қилиш орқали анимация усулидан фойдаланиб, муаммони ҳал қиласа бўлади.

Бу эса таълимда сифат ва самарадорликни таъминлайди. Ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятини тубдан ўзгартиб, келажакда етук ва эркин фикрловчи шахс бўлиб этишишига имкон яратади.

Кимёдан фанлараро семинар ва ўткир зеҳиллилар клубининг ишларидан намуналар

Мақсад: Ўқувчи ва талабаларни кимё фанига қизиқтиришини янада ошириш, олаётган билимларини чуқурлаштириш орқали мустаҳкамлаш, фанлараро боғликни амалга ошириш, уларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш, фаоллигини ошириш, жамоа бўлиб ишлашни ривожлантириш, артистик маҳоратини тарбиялаш,

ўртоқларининг фикрини хурмат қилган ҳолда эшитиб, керакли хуносани ажратиб, чиқара билишни ўргатиш. Кимё фани ойлиги орқали ўқувчиларнинг кимё фанидан олган билим, малака, кўнимкамларини қай даражада эканлигини аниқлашдир.

Ўтказиш тартиби:

1. Бир ҳафта олдин ўйинда қатнашмоқчи бўлган гурух аъзоларига уй вазифалар ёзилган конверт берилади.

2. Уй вазифаси тариқасида ҳар бир гурух аъзосига: а) гурухнинг номи; б) гурух шиори; в) гурух эмблемасини топиш ва уни ҳимоя қилиш учун вазифа топширилади.

3. Мавзуга оид турли деворий газеталар тайёрлаш, маълумотлар йиғиши, мавзуга оид кулгили сценарийларни, турли кўргазмаларни, мавзуга оид турли қизиқарли тажрибаларни тайёрлаш, турли конкурс саволларига жавоб топишга тайёр туриш, ашула ва рақслар ўтказишга тайёргарлик кўриш топширилади.

Тадбирнинг бориши:

Тадбир ўтказиладиган зал турли плакатлар ва чақириклар каби осма ва кўргазма материаллар, мавзуга оид деворий газеталардан намуналар, Ўзбекистоннинг табиати ҳаритаси, ва табиий бойликларимиз бўлган: пахта, ёқилғиларнинг маънбайи бўлган тошкўмир, нефть маҳсулотларидан намуналар, турли ўсимликлардан ясалган гербариylардан намуналар кўргазмаси, дехқончиликда қўлланиладиган минерал ўғитлардан намуналар, одам анатомияси фанидан “Ўпканинг ишлаш механизми” кўргазмаси, турли корхоналарга борилганда у ерда олинган таассуротлардан тайёрланган фото альбом, ва лойдан ясалган тоғлар ва паст текисл пласитлиндан иклар макети, донли экинларнинг ҳосил намуналари анжуман ўтказиладиган маскан алоҳида файз ва тароват киритади. Саҳнанинг тўрига “Ўйла, изла, топ” деган сўзлари ёзиб қўйилган. Залга биолог олимлар, биохимиклар, селекционерлар, микробиологлар, кимёгарлар ва табиатшунослар Н. И. Вавилов, П. П. Лукьяненко, Ф. Г. Криченко, В. Н. Ремесло, А. Н. Бах, Д. Н. Прянишников, А. И. Опарин, Н. Н. Иванов, Д. И. Менделлеев, К. А. Тимирязев, В. Л. Кретович, Н. Е. Лясковский каби таникли олимларининг портретлари осиб қўйилади, уларнинг илмий-амалий фаолияtlари кўрсатилади.

Тадбир 7-9-синф ўқувчиларидан ташкил топиб, ҳар бир синфдан иккитадан ўқувчи танлаб олинади. Ўқувчилар 4 та

гурухга бўлинади. Гурух аъзолари гурух сардорини ва унинг ёрдамчисини сайлайдилар. Гурух танланган мавзуни химоя қилиш учун шиор, эмблема, мавзуга оид турли ўйинлар, сценарийлар, шеърлар, тадбирлар тайёрлайдилар. Қолган ўқувчилар эса гурух аъзоларини химоя қилиш учун тайёрланадилар. Улар: кимё фанини фанлараро боғликни хисобга олган холда, жумладан экология, география, кимё, биология, фанларига мос slab, ашула, ўйин, инценировка, турли қизиқарли эълонлар тайёрлайдилар. Деворий газеталарни ёритиш ва яна ҳар бир мавзуни ёритиш учун гурух аъзоларига 5 дақиқадан вақт берилади.

Залда ҳайъат аъзолари учун алоҳида жой тайёрланади. Уларнинг ҳар бирининг олдига, уларнинг кимлигини ифодаловчи табличкалар ёзига кўйилган бўлади. Ҳайъат аъзоларига гурухларни баҳолаш учун варакалар, баҳоларни кўрсатиш учун табличкалар берилади.

Бошловчи: Биз бугун бу ерга беллашув мақсадида келган 4 гурух аъзоларини таклиф этамиз. Бугунги ўйинимиз 4 сони остида ўтмоқда, яъни бугун 4 та гурух аъзолари ўзларининг кимё, география, экология, биология, фанидан олган билимларини кўрсатадилар. Бугунги тадбир фанларнинг ўзаро боғликлиги ва уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида маълумот берилади ва “Қувноқлар ва зукколар” шиори остида ўтади. Гурухларнинг чиқишини баҳолаш мақсадида залга ҳайъат аъзоларини таклиф этганимиз. Энг юқори баҳо 4 балли тизимда бўлиб, ҳайъат аъзолари ҳам 4 кишидан иборат Улар: кимё, биология, экология ва география фани ўқитувчилариридир.

Бошловчи гурух аъзоларини беллашувга таклиф этади ва уларнинг шиори ва номи, танлаган эмблемаси билан таништиради. Гурухлар ўз номларини химоя қилишига 1 балл, эмблемани химоясига 1 балл, мавзуни ёрита билишга ва артистлик маҳоратига 1 балл, тайёрланган газета ва кўргазмаларга 1 баллдан жаъми 4 балл кўйилади. Гурух аъзолари берилган саволларга жавоб бериш учун саҳнага таклиф этилади. Тадбирнинг 1-топшириғига жавоб учун 1-гурухга қўйидаги саволлар берилади, ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл кўйилади деб эълон килинади.

1-шарт: Фанларни яхши билган ҳолда қуидаги саволларга түғри жавоб беринг

1-гурӯҳ аъзоларига бериладиган саволлар:

1-савол. Қайси ҳайвон ўз душманларидан кўрққанида думини узиб қочади? (тез калтакесак)

2-савол. Ернинг тирик организмлар яшайдиган қобиги нима деб аталади? (биосфера)

3-савол. Айик қишида нима ейди? (кишда у ухлайди)

4-савол. Гренландия ороли қайси давлатга қарашли? (Дания)

5-савол. “Шоҳ ичимлиги”нинг таркиби қандай моддалардан ташкил топган? (3 ҳажм конц. хлорид ва 1 ҳажм конц. нитрат кислотанинг аралашмаси).

6-савол. Ноорганик моддалардан органик моддаларнинг ҳосил бўлиш жараёни нима деб аталади? (фотосинтез ва хемосинтез).

7-савол. Викинглар қаерда яшаганлар? (Скандинавия)

8-савол. Қайси элемент аввал қуёшда сўнг Ерда топилган? (Гелий)

2-гурӯҳ аъзоларига бериладиган саволлар.

1-савол. Дунёдаги энг узун илоннинг номи нима? (анаконда)

2-савол. Организмларнинг ўзаро муносабати нима дейилади? (симбиоз)

3-савол. Ҳудуд бўйича қайси давлат дунёда энг катта ҳисобланади? (Россия)

4-савол. Қайси кислотани мой деб аташган? (сульфат кислотани)

5-савол. Қайси күш ёзувчи фамилияси билан номланади (Гоголь)

6-савол. Қайси олимнинг номи буюк кимёгар деб номланган (Бутлеров)

7-савол. Англия давлатининг пойтахтини номи нима? (Лондон)

8-савол. Даврий системада энг фаол элемент қайси? (фтор)

3-гурӯҳ аъзоларига бериладиган саволлар.

1-савол. Энг йирик қушнинг номи нима? (Африка тұяқushi)

2-савол. Органик бирикмаларни синтез қилувчи организмлар нима? (автотрофлар).

3-савол. АҚШнинг энг шимолидаги штатининг номи нима? (Аляска)

4-савол. Қайси металмас одатдаги хона ҳароратида суюқ ҳолда? (брон)

5-савол. Чумчуқнинг қишида ва ёздаги тана ҳарорати қандай? (бир хил)

6-савол. Редуцент организм деб қандай организмларга айтилади? (ўлик организмлар билан озикланувчиларни)

7-савол. Қайси давлат тўлиқ материкини эгаллади? (Австралия)

8-савол. Қайси металл энг оғир ҳисобланади? (осмий).

4-гурух аъзоларига бериладиган саволлар.

1-савол. Қайси қуш думи ҳисобига учади? (калибри)

2-савол. Қайси қатлам инсониятни қуёш нуридан ҳимоя қиласди? (озон)

3-савол. Дели қайси давлатнинг пойтахти ҳисобланади? (Хиндистон)

4-савол. Йоднинг буғи қандай рангда? (бинафша)

5-савол. Ер юзида энг тез югурувчи ҳайвон? (гепард)

6-савол. Қайси организм паразит ҳисобланади? (биров ҳисобига яшайдиган организмлар)

7-савол. Америкада ҳаммаёқни пароканда қиласдиган шамол нима деб аталади? (Торнадо)

8-савол Амальгама нима? (симобнинг бирор метал билан ҳосил қилган қотишмаси).

Ҳайъат аъзолари берилган саволларга жавоблар учун балл кўйгунга қадар ва гурухларни 2-шартга тайёргарлик кўришлари учун “Андижон полькаси” рақсини томоша қилинади.

2-шарт: Тажрибаларни бажаришда хатоликка йўл қўй-маслик конкурси.

Ҳар бир гурух аъзоси қизиқарли тажриба кўрсатади. Тажрибанинг бориши учун керак бўладиган жиҳозлар, реактивлар миқдори, тажрибаларнинг бориш тартиби, тажрибани бажаришда техника хавфсизлиги қоидалари ҳақида эҳтиёт шартлари, тажрибадан чиқариладиган хулосалар ҳақида гапирилиши ва тажрибанинг реакция тенгламасини ёзиши керак.

1-гурух тажрибаси. “Стол устида вулқон” тажрибаси.



Керакли асбоб ва реактивлар: тигель, керамик плита, аммоний дихромат, магний, спирт, бир дона гугурт чўпи кутиси билан.

Тажрибанинг бориши: Тигелга 2 мг аммоний дихромат қўйилади. Уни магний билан аралаштирилади. Аралашманинг ўртасига спирт эритмасидан бир неча томчи томизилади ва ёниб турган гугуртни яқинлаштирилади. Аралашма атрофга учқунлар сачратиб ёнади. Тажриба асосида келиб чиқадиган хулоса айтилади ва тажрибанинг реакция тенгламаси қўйидагича деб ифодалайди. $(\text{NH}_4)_2\text{Cr}_2\text{O}_7 = \text{Cr}_2\text{O}_3 + 4\text{H}_2\text{O} + \text{N}_2$; $2\text{Mg} + \text{O}_2 = 2\text{MgO}$

2-гурух тажрибаси. “Мушакбозлик”

Керакли асбоб ва реактивлар: темирдан ясалган тигель, штатив, спиртовка, шиша таёқча, калий перманганат, темир кириндилари, писта кўмир бўлаклари.


Тажрибанинг бориши: тоза оқ қоғозга Зта кичик қошиқда калий перманганат, писта кўмир кукунлари, темир кириндилари солиб аралаштирилади. Аралашма пўлатдан ясалган тигелга солиб спиртовка алангасида киздирилади. Натижада атрофга жуда чиройли учқунлар сочилиб, тажрибалар боради. Тажриба асосида келиб чиқадиган хулоса айтилади ва тажрибанинг реакция тенгламаси қўйидагича ифодаланади.



3-гурухнинг тажрибаси. “Гугуртсиз олов ҳосил қилиш”.

Керакли асбоб ва реактивлар: чинни тигель, шиша таёқча, пахта, калий перманганат, концентранланган сульфат кислота, писта кўмир кукунлари.

Тажрибанинг бориши. Калий перманганат ва концентранланган сульфат кислотадан аралашма тайёрланади. Унинг атрофига писта кўмир кукунлари сепилади. Пахтани спиртга ҳўллаб, у аралашма устига текклизилади. Аралашма гугуртсиз ёнади. Тажриба асосида келиб чиқадиган хулоса айтилади ва тажрибанинг реакция тенгламаси қўйидагича ифодаланади.



4-гурухнинг тажрибаси. Қайнатилган сув ва спирт – ўлдирувчи омил.

Керакли асбоб ва реактивлар: пробиркалар, спиртовка, натрий гидроксид эритмаси, мис сульфат эритмаси, спирт, оксил эритмаси.

Тажрибанинг бориши: Биринчи пробиркага товук гўштидан булон тайёрлайдилар ва уни оксил тариқасида тажрибада фойдаланадилар, уни совутиб, фильтрлаб, натрий гидроксид эритмасидан бир неча томчи томизилади, оксилнинг ранги ўзгармайди, сабаби у динатурланган яъни ўз хусусиятини йўқотган. Иккинчи тажрибада оксил эритмасига спирт томизилади. Натижада эритмада оқ рангли паға-паға моддалар ҳосил бўлади унга натрий гидроксид таъсир эттирилганида эритмада ўзгариш рўй бермайди, сабаби оксил денатурацияга учраган. Денатурация натижасида оксил ўз ҳолига кайтмайди. Тажриба асосида келиб чиқадиган хулоса айтилади.

Ҳайъат аъзолари тажрибанинг боришини, уни олиб бориш шартларини, унда амал қилинган техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши, олиб борилган тажриба асосида чиқарилган хулоса ва реакция тенгламасига эътибор берган холда гуруҳ аъзоларига керакли балларни қўядилар ва “Тоғамдан сизга салом” инценировкасини томоша қиласидилар.

3-шарт: “Имкон ШОУ” ўйини – тезкор саволлар (гурух сардорларининг беллашуви).

1-сардорга саволлар:

1. Оловда ёнмайди, сувда чўқмайди. (муз)
2. Оқ қор эмас, сувга ўнгиганида изсиз йўқолади. (муз)
3. Дала бўйлаб юради, оқ из қолдиради. (бўр).
4. Куч билан тушади, оғирлиги катта (дўл).
5. Ўсимлик учун дўст, оловнинг душмани (сув).
6. Нурни ўтказади, лекин иссиқликни ушлайди (ойна).
7. Осмонда учади тез, ерда ҳаётни сақлайди (булут).
8. Қум билан аралашган, бинокорнинг дўсти у (бетон).
9. Ерда қора ранг, печкада олов ранг (кўмир).
10. Кимё асбоби-у керак бўлади дарсда (пробирка).

2-сардорга саволлар:

1. Кислород гурухига киради, ранги сарик ўзи, кукун, бу -? (S).
2. H_2S да S неча валентли? (2).
3. Кислород гурухи элементлари атомларининг ташки қаватида нечта электрон бўлади? (6).

4. Сульфат кислотада олтингугурт неча валентли бўлади? (6).
5. Кислороднинг молекуляр оғирлиги нечага тенг? (32).
6. Нитрат кислотада азотнинг оксидланиш даражаси неччига тенг? (5).
7. Олтингугуртнинг темирли бирикмаси нима дейилади? (темир колчедани).
8. Водород сульфиднинг сувдаги эритмаси нима дейилади? (эритма).
9. Олтингугурт (IV) оксиди қандай боғ ҳосил қиласи? (кутбли).
10. Олтингугуртнинг водородли бирикмаси нима дейилади? (водород сульфид).

3-сардорга саволлар:

1. Азот гуруҳига нечта элемент киради? (5)
2. Нитрат кислотада кислород моддаси неча валентли? (2)
3. Карбонат кислотада углероднинг валентлиги неччига тенг? (4)
4. Азот гуруҳининг ташки қаватида нечта электрон бор? (5)
5. Азот (V) оксидида азот неча валентлик? (5)
6. Аммиакнинг сувдаги эритмаси нима дейилади (нашатир спирти).
7. Азотнинг водородли бирикмаси нима дейилади? (аммиак).
8. Азот (IV) оксиди қандай кимёвий боғни ҳосил қиласи? (ковалент).
9. Азот атмосферанинг неча % ни ташкил этади? (78%).
10. Азотнинг бирикмалари қишлоқ хўжалиги учун қандай аҳамиятга эга? (минерал ўғит).

4-сардорга саволлар:

1. Овқатга таъм берувчи модда? (туз).
2. Қуёш элементи нима? (гелий).
3. Энг енгил металл? (литий).
4. Синган сукни тез тузатадиган модда? (кальций).
5. “Ялқов” деб ном олган газ? (аргон).
6. Таркибида алюминий бўлган қимматбаҳо тош? (ёқут).
7. Эритмаси медицинада қўлланиладиган модда? (натрий хлорид).
8. Сурги дори сифатида ишлатиладиган модда? (магнезия).
9. Организм учун энг зарур модда? (кислород).
10. Нордон цитрус мева? (лимон).

Ҳайъат аъзолари сардорлар жавобига баллар йифиндисини тўплагунга қадар, гурух аъзоларидан бир ашула тингланади.

4-шарт. Энг ақлли ва чаққон – ким тез берилган масала ва мисолни ечиб тенглантира олади – гурух аъзоларининг беллашуви.

1-гурухга масала ва мисол: а) 4, 9грамм аммоний бромид олиш учун қанча миқдорда (н.ш.да) амиак сарф бўлади? (1, 32 л.)

б) Реакцияни тенгланг ва ионли, қисқартирилган ҳолда ёзинг.
 $K_2SO_4 + 2HCl = 2KCl + H_2SO_4$

2-гурухга масала ва мисол: 5, 6 л водород хлоридни нейтраллаш учун қанча миқдорда кальций гидроксид керак? (9, 25 гр.)

б) Реакцияни тенгланг ва ионли, қисқартирилган ҳолда ёзинг.
 $2NaOH + CO_2 = Na_2CO_3 + H_2O$

3-гурухга масала ва мисол: 1кг сульфат кислота олиш учун керак бўладиган олтингугурт (VI) оксидининг миқдорини аниқланг (816г).

б) Реакцияни тенгланг ва ионли, қисқартирилган ҳолда ёзинг
 $Al_2O_3 + 3H_2SO_4 = Al_2(SO_4)_3 + 3H_2O$

4-гурухга масала ва мисол: 3, 1г фосфорни ёндирилганида қанча миқдорда фосфор (V)-оксиди ҳосил бўлади? (7,1 гр.)

б) Реакцияни тенгланг ва ионли, қисқартирилган ҳолда ёзинг.
 $AgNO_3 + HCl = AgCl + HNO_3$

Гурух аъзолари саволларга жавоб топгунга қадар, ҳайъат аъзолар гурухларнинг тайёрлаб келган деворий газеталарини, кўргазмалардан намуналарни кўриб баҳолайдилар. Ҳайъат аъзолари жаъми балларни тўплагунга қадар мусика остида гурух аъзоларидан бири шўх раксга тушади ва давранинг руҳиятини кўтаришга ҳаракат қиласди. Ҳайъат аъзолари балларни эълон қиласди, тадбирда голиб бўлганларни табриклайди ва бир гурух аъзоларига эгаллаган ўринларига қараб совринлар, совғалар, мақтов ёрлиқларини беришади.

“ҚИЗИҚАРЛИ КИМЁ” НОМЛИ ТҮГАРАК ИШЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Мавзу: Уй рүзғорда – кимё.

Мақсад:

-ўқувчиларга атрофимиздаги барча асбоб-ускуна, жиҳозлар ва маҳсулотлар кимёвий моддалардан иборат эканлигини илмий асосда тушунтириш;

-ўқувчилар онгода атрофимиздаги барча асбоб-ускуна, жиҳозлар ва маҳсулотлар кимёвий моддалардан иборат эканлигига ишонч ҳосил қилишни шакллантириш;

-ўқувчиларда атрофимиздаги барча маҳсулотлардан унумли фойдаланиш ҳиссини ривожлантириш.

Режа:

-уй-рүзғорда мавжуд маҳсулотлардан кимёвий тажрибалар ўтказиш;

-кундалак турмушда ишлатиладиган маҳсулотларнинг таркибида кислота борлигини аниқлаш;

- кундалак турмушда ишлатиладиган маҳсулотларнинг таркибида крахмал борлигини аниқлаш.

Ташкилий қисм:

Ўқитувчи ўқувчиларга бугунги түгарак мавзусини баён этади ва режа билан таништиради. Режа асосида З та тажриба бажарилиши кераклигини, моддаларнинг таркиби қандай кимёвий моддалардан ташкил топғанлигини аниқлаш учун, уларни тартиб билан ажратиб олишни тушунтиради.

Ажратиб олинган маҳсулотлар:

1-тажриба учун: ун, макарон, геркулес, гуруч, мош;

2-тажриба учун: пиёз, мандарин, олма, қатик, қуруқ сут;

3-тажриба учун: оҳактош, мармар, тиш ювиш пастаси, кирювиш кукуни порошок, тупрок.

Ишнинг бориш тартиби: ўқитувчи ўтказиладиган тажрибаларнинг мазмуни билан таништиргандан сўнг ўқувчиларни З гурухга бўлиб, уларга ўтказиладиган тажрибаларни бўлиб беради ва ўзи тажрибаларнинг боришини биргаликда кузатиб боради.

1-гуруҳнинг тажрибаси:

1-тажрибанинг бориши: 1-сонли маҳсулотлардан олиб унинг таркибида крахмал мавжудлигини аниқлаш учун, уларга уйимиздаги мавжуд бўлган йоднинг спиртдаги эритмасидан ҳар бирига 1-2 томчи томизилади, натижада маҳсулотнинг ҳар бири

кўкаради, бу эса маҳсулотларнинг таркибида крахмал борлигидан далолат беради.

2-гурухнинг тажрибаси:

2-тажрибанинг бориши. 2-сонли маҳсулотларимиз таркибида кислота мавжудлигини аниқлаш учун маҳсулотларга метил зарғалдоғи эритмасидан 1-2 томчи томизилади, натижада маҳсулотларнинг ҳар бири қизаради ва бу орқали маҳсулотлар кислотали хусусиятга эга эканлиги аниқланади.

3-гурухнинг тажрибаси:

3-тажрибанинг бориши. 3-сонли маҳсулотларнинг таркибида карбонат ангидрид борлигини, маҳсулотларга хлорид кислота томизилганида улардан карбонат ангидриди газ ҳолда чиқишидан билиш мумкин.

Ўқувчилар тажрибаларни ўтказиб бўлганидан, сўнг ўқитувчи ҳар бир тажрибанинг моҳиятини сўрайди, ўтказилган тажрибаларни изоҳлаб берилади ва хулоса қилинади.

Демак уй-рўғорда ишлатиладиган маҳсулотларимизнинг таркиб органик моддалардан, жумладан углеводлардан, ёғлардан, оқсиллардан иборат эканлиги ва биз бугун шу органик моддалардан фақатгина углеводлар билан танишганлигимиз, ейиладиган озиқ-овқат маҳсулотларимиз таркибида кислота борлигини индикаторлар билан қандай аниқлаш мумкинлиги, уй рўзгорда ишлатиладиган маҳсулотлармиз таркибида карбонат ангидриди борлиги тажрибалар орқали кўриб чиқдик.

Кутиладиган натижалар:

-ўтказиладиган тадбирлар дарсдан ташқари ишларнинг турлари ва шакллари хилма-хил бўлиб, улар кимёвий таълимтарбия жараёнларининг бевосита давоми ҳисобланади;

-фанлараро боғлиқликни таъминлайди;

-фирлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради;

-қизиқарли саволларга, қизиқарли жавоблар топиш орқали мустақил фирмлашга ўргатади;

-артистлик маҳоратини шакллантиради;

-кимёвий дунёқарашини кенгайтиради ҳамда мустақил фирмлашга ўргатади;

Бундай тадбирлар ҳозирги замон кимёсининг муваффақиятларини қизиқарли аниқ ва тушунарли қилиб кўрсатишга имкон беради.

**“ҚИЗИҚАРЛИ КИМЁ” НОМЛИ ТҮГАРАК
ИШЛАРИДАН НАМУНАЛАР
“Мұйжизасиз мұйжизалар кечаси”**

Үйлаб қаралса кимё
Қизиқарли бир дунё.
Хам улуғ, ҳам хунарли
Ҳамма жойда күринар.

Менделеев жадвали
Кимё фанининг сайқали.
Хар модда формуласи
Асоси, холосаси.

Кимёларга калит бу
Фикрларга нур - ёғду
Хар моддада ўзгариш,
Зарур дерлар ўрганиш.
У аччиғу, бу шириң
Бунда кимё яшириң.

Қаттиқ нарсани агар
Истаса-чи кимёгар .
Айлантирап суюққа
Суюқни-чи куюққа.

Қилни қириққа ёришdir
Фан конига боришdir.
Кимё жуда ажойиб
Йўқ нарса бўлар пайдо.

1-бошловчи. Ассалому алайкум, ҳурматли устозлар, ўқитувчи ва ўкувчилар! Кимё -бу мұйжизакор фан. Қаерга қараманг, қаерга назар ташламанг ҳамма ерда уйда, күчада, мактабда ва унинг атрофида кимёнинг мұйжизаларига кўзингиз тушади.

2-бошловчи. Нефть, газ, лак-бўёк, дори-дармон, ювиш воситалари, атирупа, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва

уларни тозаловчи воситалар, синтетик толалар – буларнинг ҳаммаси кимё мўъжизалари билан яратилган.

1-бошловчи. Азиз устозлар ва ўқувчилар ҳозир сизларга кимё тўгарагида бажарилган тажрибаларимиздан айримларини сизга кўрсатмоқчимиз.

1-ўқувчи: Салом болалар!

2-ўқувчи: Ассалому алайкум.

1-ўқувчи: Бу ерда нима қиляпсиз?

2-ўқувчи: Кимё фанидан уйга берилган вазифани бажаряпмиз.

1-ўқувчи: Сиз қаерга кетяпсиз?

2-ўқувчи: Бугун кимё тўгарагининг машғулоти бўлади.

1-ўқувчи: Биз шу тўгаракда тажрибалар кўрсатишимиш керак.

Ана шунга шошиляпмиз.

2-ўқувчи: Биз ҳам борсак бўладими? Тажрибалар жуда қизик бўлса керак, биз ҳам кўргимиз келяпти.

1-ўқувчи: Қани кетдик бўлмаса. (Улар бир неча ўқувчиларни жанжаллашиб турганини устига кириб қолищди).

1-ўқувчи: Ҳа болалар, нима бўлди? Нимага урушяпсизлар?

2-ўқувчи: Биласизми, даврий системадаги элементларни ичида энг зўри O_2 -кислород десам йўқ, Au-олтин деялти, Р-фосфор, S-олтингугурт, Pt-платина, H_2 -водород деялти.

1-ўқувчи: Қани болалар сабабини билайликчи нима экан?

H_2 -водород:

Мен билан мавжуддир олам

Тирик дунё-ю одам

Қўёши билан ёруғдир

Жадвалда номи улуғдир.

Қадимда мени сезган

Ёнувчи газ деб билган

Аникилади Кавэндиш

Қилиб тажрибаларни

Кўп нарсага мен керак

Мен билан бор келажак

Сувнинг таркибидаман

Мени ёдингда сен бил

P-фосфор
Эркин холда учрамас
Чунки фаолдир жуда
Бранд уни кашф этган
Ном берганмас бехуда

Мускул, суюк, мия ҳам
Тўлиқ бўлолмас у сиз
Бирикма холда факат
Учраб турар шубҳасиз

Fe – темир
Бронза давридан кейин
Унинг даври бошланган
Эрамиздан минг йил олдин
Темир буюмлар ишланган.

Хаётий бу элемент
Хатто қонда ҳам бўлар.
Оксидланиш даражаси
Плюс 2 ва 3 бўлар

Au – олтин
Ер юзида фикримча,
Жуда ноёб танқисдир.
Кимёгарлар айтишича,
У металлар шохидир.
Соф холда жуда юмшок,
Тенги йўқ ер юзида.
Ботар хатто тирноқ,
Тоза олтин юзида.

S – олтингугурт
Табиий бирикмаси
Колчедандир, ғадир.
Алдама рух, пиритда
Унинг микдори қўпдир.
Асли ранги уни сарик,

Тоғ жинсида күп бўлар.
Юз 12 даражада,
У суюқ ҳолга келар.

1-ўкувчи: Хўш қалай, қайси биримиз кучли эканмиз ? Ҳа, ҳақиқатдан ҳам, ҳар бирингиз ўзингизга хос хусусиятга эгасиз, ўз ҳолингизга устунсиз. Мана ҳозир сиз шу кимёвий элементлар иштирокида бир неча хил тажрибаларнинг гувоҳи бўласиз.

1-тажриба: “**Оғзидан олов сочувчи аждар**”. Бу тажрибани ўтказиш учун керакли моддалар: тенг миқдорда Бертоле тузига оқ қанд аралаштирилади. Аралашмани ангишвона ичига жойланади. Ангишвонани пластилиндан ясалган аждар ҳайкалчасининг оғиз қисмига жойлаштирилади. Сўнгра ангишвонадаги аралашмага бирнеча томчи H_2SO_4 томизилади, атрофга олов сочилади, сабаби аралашма сульфат кислота билан реакцияга киришди.

2-тажриба: “**Стол устида вулқон**”. Керакли моддалар: аммоний дихромат кукуни. Уни вулқон кўринишида лойдан ясад, қуритилган идишга солинади. Темирдан ясалган кимёвий узун қошикчани спиртовка алансасида қиздирилади ва аралашмага тикилади. Натижада идишдан атрофга худди вулқонга ўхшаб, кора рангли тутун аралаш ёнган моддалар отилиб чиқа бошлайди.

3-тажриба: “**Қизил гул**”. Керакли моддалар: KOH эритмаси, фенолофталиен эритмаси. Қоғоздан гул ясалади. Уни KOH эритмаси билан хўлланади. Кейин уни фенолофталиен эритмасига ботирилади. Натижада оқ қофоз қизил рангга бўялади. Сабаби ишқор эритмаси фенолфталиенда қизаради. Бу тажриба ишқорлар учун сифат кўрсаткичли реакция ҳисобланади.

4-тажриба: “**Сув остида мушакбозлик**”. Керакли моддалар: куруқ Mg, сувли стакан. Mg ёндирилади ва сувга тикилади. Mg сув остида ҳам ёнади.

5-тажриба: “**Сувда сузувчи металл**”. Керакли моддалар: натрий метали, сувли кристализатор. Қоғоздан ясалган кема устига Na металидан кичик бир бўлакни олиб уни қоғоздан ясалган кемачанинг ичига қўйилади ва кемача сувнинг сатҳига қўйилади. Қоғоз кема харакатга келади, сабаби натрий метали сувли қоғозда хўлланиб, унда эрийди, яъни сув билан реакцияга киришади, натижада қоғоздан ясалган кема харакатга келади.

1-ўкувчи: Болажонлар қалай тўгарагимиздаги тажрибалар сизга ёқдими?

2-ўкувчи: Ҳа жуда қизиқарли экан. Биз ҳам кимё тўгарагига аъзо бўламиз, бизни қабул қиласизми? Биз ҳам сизлар каби қизиқарли тажрибаларни ўтказмоқчимиз

1-ўкувчи: Азиз ўкувчилар сизларга ҳам ёқдими? Эндиғи навбат тўгарагимиз аъзолари тайёрлаб келган фойдали маслаҳатларга.

1. Чойнак деворида ҳосил бўлган куйқани йўқотиш учун сувга озгина HCl қўшиб қиздириш лозим. Шунда идиш деворида куйқалар кўчиб туша бошлайди.

2. Асални тозалигини билиш учун унга бир томчи сирка кислота томизиш лозим. Сирка кислота таъсирида асал пишиллайди.

3. Кумушдан ясалган қошиқларни натрий гипосульфат эритмасига хўлланган сочиқ билан артилади.

4. Уй мебелларининг сиртидаги турли доғларни кетказиш учун 1 чой қошиқ ўсимлик ёғига бир чой қошиқ спирт ва шунча микдорда сирка солиб аралашма ҳосил қилинади ва ҳосил бўлган аралашма билан артилади.

5. Пичноқни ўткирлаш учун уни ош тузи эритмасига 1-2 соат солиб қўйилади. Ёки қуруқ туз ичига тикиб қўйилади. Ишлатишдан олдин пичноқ қуруқ латта билан артилади.

6. Гиламни тозалаш учун аввал чангдан яхшилаб тозаланади ва тозаланган гиламнинг юза томони спирт эритмаси билан артилади.

7. Ошхона ва санузел деталларидағи доғларни кетказиш учун уларни оксалат кислота эритмасига хўлланган латта билан артилади.

Кечак сўнгига кимёвий викторина ўтказилади. Бунинг учун аввалдан тайёрлаб қўйилган саволлар ва танлаб олинган саволлар ўртага ташланади, тўғри жавоб берган ўкувчилар эса рағбатарнитирлади. Кечани тайёрлаш ва ўтказиш жараённида фаол қатнашган ўкувчиларга мактаб маъмуриятининг раҳматномаси топшириллади

“ТОЗА ҲАВО – ТАНГА ДАВО, ТИНИҚ СУВ ДАРДГА ДАВО” МАВЗУСИДА ТАДБИР ЎТКАЗИШ

Биз наслимизнинг келажаги – соғлом авлод учун қураш бошладик. Соғлом деганда биз фақатгина жисмонан бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутамиз. Чунки ҳар тарафлама соғлом авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

И. А. Каримов

Соғломлик нафақат маънавий соғломликда балки моддий-жисмоний, ҳамда табиий соғломликни тушунилади. Соғлом фикрли ҳар бир инсон табиий мухитни қанчалик тоза-ҳаво, ер ости, ер усти сувлари, тупроқ ўсимлиқ, хайвонот оламининг даражаси табиий меъёрида бўлсада, инсон соғлиғи ҳам шунча мустаҳкам ва барқарор бўлишини англайди. Лекин, ҳозирги даврда уларнинг ҳар томонлама ифлосланиши инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, натижада инсон турли хил касалликларга дучор бўлмоқдалар. Бундай ходисаларга йўл қўймаслик учун ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол соғлом, атроф оламни, табиатни эъзозлайдиган, авайлайдиган, қўриклай оладиган қилиб тарбиялашимиз лозим. Буни биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ер юзидағи ҳавонинг 78% N₂, 21% O₂, 0. 93% Ar, 0. 01% Ge, K₂, Xe, H₂ ва озон, 0. 03% CO₂ дир. Атмосферада O₂ нинг микдори $1 \cdot 5 \cdot 10^{15}$ тонна бўлиб, дунё бўйича ҳар йили $1 \cdot 10^{10}$ тонна сарф бўлади. Ер куррасидаги яшил ўсимликлар 550 млрд тонна CO₂ ютиб, O₂ чиқармаганда, 200 йил ичida кислород тугаб қолган бўлар эди. Атмосфера ҳавосининг таркибида N₂O, CH₄, CO₂ нинг микдорини кўпайиши, иқлимини ўзгартириб юборади. Иқлимининг ўзгариши қишлоқ хўжалигига ҳам салбий таъсир этади. Океан сув сатҳи пасаяпти, бу эса қурғоқчиликларга олиб келиш сабабларидан биридир.

Озон қатламининг сийраклашуви, куёш фаоллигининг ошиши ҳам инсон саломатлигига салбий таъсир қўрсатади, тиббиёт олимларининг хулосаларига кўра, тез-тез руҳий ҳолатларга учраб

турадиган одамлар магнит бўронларига жуда сезгир бўлишади. Қуёш фаоллиги ва магнит бўронлар асаб, юрак, қон-томир тизимига салбий таъсир кўрсатади, юқумли касалликларни кенг тарқалишига сабаб бўлади. Йўл транспорти воситаларидан чиқаётган заҳарли газ, чиқиндилар ҳам атмосферани ифлослантирувчи манбалардан биридир. Ҳозирги даврда атмосферани ифлослантираётган 500 дан ортиқ заарли моддалар мавжуд бўлиб, улар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Шахар ҳавосининг асосий таркиби CO, CO₂, SO₂, NO₂, чангдан иборат. Булар ҳавони жуда ифлослантиради. Натижада, инсон тоза ҳаво билан эмас, балки ифлосланган ҳаво билан нафас олишига тўғри келяпти.

Ҳаммамизга маълумки, табиатда биз учун сувдан қимматли, мазали, мукаддас бўлган нарса йўқдир. Мавжуд сувларни тоза сақлаб қолиш муаммоси бутун инсониятни жиддий ташвишга солиб турган муаммолардан биридир. Ҳозирги қунимиз, келажагимиз фаровонлиги, соғлом хаёт тарзимиз, атроф мухитнинг гўзаллиги, тозалиги сувга боғлиқдир.

Сув – ҳаётнинг инъомидир, барча тирик организмлар хаёти учун зарур модда ҳисобланади. Бизнинг организмдаги барча жараёнлар сувли мухитда боради, аммо мавжуд тоза сув ҳавзалари турли сабабларга кўра ифлосланиб бормоқда, масалан, ҳозирги кунда сув ҳавзаларига 32 минг м² заҳарли газ, 50 млн тонна метан гази, 13 млн тонна нефть маҳсулотлари оқизилмоқда. Бу эса ичимлик суви миқдорини кескин камайиб кетишига ва турли хил касалликлар келтириб чиқаришига сабаб бўлмоқда. Юқоридагиларни ҳаммасини билган ҳолда инсон саломатлиги учун энг зарур бўлган ҳавони, сувни, табиатни, атроф оламни, мухитни, жонли табиатни авайлаб асрайдиган комил инсонни тарбиялашимиз лозим.

Қўйида биз “Тоза ҳаво – танга даво, тиник сув – дардга даво” сценарийсини тавсия этамиз.

1. Тадбир мақсади: Ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол ва соғлом қилиб тарбиялаш. Атроф оламни, жонли табиатни, авайлаб-асрайдиган, маънавий бой, соғлом, тафаккури кенг, идрокли авлодни тарбиялаш.

2. Вазифаси: Ўқувчилар онгига атроф-мухитни, ҳавони, сувни, табиатни, тупроқни, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб авайлаш.

3. Тадбир жиҳози: шу мавзуга оид рефератлар, турли хил расмлар, кўлда ишланган табиатни тасвириловчи нарсалар, қамиш ва қуриган ўтлардан ясалган буюмлар, баклашка, гугурт қутиси – ташланадиган буюмлардан ясалган турли шакллар. 2 та қоғоздан ясалган дараҳт мевалари билан қоғоздан елимлаб ясалган гуллар, қуриган барг ва шоҳлар.

4. Иштирокчилар: Экология тўгараги аъзолари.

5. Шиори: “Тоза ҳаво – танга даво, тиник сув – дардга даво”.

VII Синфнинг экологиядан ўтказиладиган тадбир сценарийси:

Т ҳарфи – Танамизнинг соғлиги

О ҳарфи – Омадимиз борлиги

З ҳарфи – Завқланишдан қулишдан

А ҳарфи – Аввало олдин билингиз

ҲАММА: Тоза ҳаво танга даво!

Ҳ ҳарфи – Ҳаётимиз мазмунли

А ҳарфи – Аввал олдин соғломлик

В ҳарфи – Виждонимиз поклиги

О ҳарфи – Омадимиз гарови

ҲАММА: Тоза ҳаво танга даво!

1 – ўқувчи: Саломдан бошлинар аввал сўз боши

2 – ўқувчи: Саломдан бошлинар энг ширин калом

1 – ўқувчи: Салом бу дўстларнинг ёруғ юзидир

ҲАММА: Салом дўстлар, салом ассалом!

Биз ҳаётнинг ширин мазмуни

Келажакнинг ёрқин юлдузи

Авлодларнинг давомчилари

Табиатнинг ошнолари

Бугун келдик беллашувга

Экологик танловга

Бир беллашиб олайлик

Доноликни синайлик!

Обод элнинг озод ёшлари

Хуш кўрдик азиз меҳмонлар

Бугун ютиш ютқизишмас ниятимиз

Рақиб тутманг қўшни гуруҳлар

Бундай танлов ажиб танлов

Мактабимизда ўтар

Бизнинг мактаб доимо
Экологиядан ютар!
Дўстим айт-чи экология нима у?
(Ҳарфлар чиқиши)
Э ҳарфи – Элни озод тутмоқ!
К ҳарфи – Кирлиқдан узоқ юрмоқ!
О ҳарфи – Озода тутмоқ куну тунни!
Л ҳарфи – Лоқайд бўлмаслик бироқ!
О ҳарфи – Осмонни асраромоқлик!
Г ҳарфи – Гиёхларни асраромоқ!
И ҳарфи – Ифлослантириларни сувни!
Я ҳарфи – Ям-яшил асрараш ерни!
1-ўқувчи: Балли дўстим омон бўл!
Бизнинг гурӯҳ: Ҳамма – Тоза ҳаво!
Бизнинг шиор: Ҳамма – Тоза ҳаво танга даво!
Бизнинг мақсад: Ҳамма – Оқлаш олган билимни!
Сақлаш виждан илмни!

1-ўқувчи: Биз она табиатнинг одил издошларимиз! Осмонимиз мусаффо бўлса, еру-замин ям-яшил ўт-ўланлар билан қопланса, табиат гулларга бурканса, кўриб кўзинг қувонади.

2-ўқувчи: Табиатни асрараш Олий Мажлиснинг экология қўмитаси томонидан чиқарилаётган конун-коидаларга ҳам мусаффо осмонимизни асрараш тўғрисида, ҳавони ифлослантириларни ҳақида бир қатор меъёрий хужжатларда белгилаб берилган.

1-ўқувчи: Биз ўқиш давомида бу хужжатлар билан албатта танишиб борамиз. Бугун эса олган билимларимизни синаш учун саҳнада турибмиз.

2-ўқувчи: Оддимизда ҳаяжон
Ҳисобга олинг ҳайъатжон!
Ҳаммамиз ҳам омаднинг
Қучогига шошяпмиз
Бугун бир эмас икки марта қувончларга ошномиз!
1-бошловчи: Яқинда мен бир воқеани гувоҳи бўлдим.
У ҳикояни бошлади:
- бир бола мактабга бормай, кўчада ўтган-кетган болаларга тегажоғлик қилиб, уларни хафа қиляпти.
Уни касал деб кўргани ўртоқлари келишади.

- Қодир тузукмисан, нега мактабга бормадинг, мактабда экологияга оид жуда қизиқарли тадбир ўтди.

Қодир: - экология нимаси? Мен уйда мазза қилиб дам оляпман, ўқишга, тадбирга боргандан, бошни қотиргандан кўра, мазза килиб ўйнаб юришга нима етсин.

2-бошловчи:

- биз сени касал деб ўйлаб, кўргани келган эдик. Сен бўлсанг, эй. Болалар кета бошлашди.

У шприцга сув тортиб олиб, ўртоқларига сув сепади, безорилик қилади, ўртоқлари ундан ҳафа бўлиб кетишади.

Бу воқеани кўриб ўтирган чоллардан бири гапира бошлаб, ҳозирги ёшлар жуда кизик, қилаётган ишини қаранглар, ҳамма ундан безор. Сувнинг қадрини билмайди-да. Сувга бўлган эътибор кўп асрлик тарихга эга. Атроф-мухитга бўлган муносабат кўп асрлик тарихга эга. Унга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Уларнинг фикрини ўкувчилар давом эттирадилар.

1-бошловчи. Авестонинг кўпгина асарларида табиатдаги боғларни, фойдали ва фойдасиз табобат ва ҳайвонот оламини асраш, сувларни саклаш, уларни кўпайтириш, тупрок, олов ва бошқаларнинг соғлигини асраш ҳақида қизиқарли фикрлар айтилган. Қабила аъзолари табиатнинг неъматларини эъзозлашган, дараҳтларни куригандан сўнг ёқиши мумкинлигини тушунишган.

2-бошловчи: Муқаддас диний китобларда Куръони Карим, Ҳадиси шарифларда ҳам атроф-мухитни асраш, ҳайвонларни боқиши, ўсимликларни парвариш қилиш тўғрисида кўп ибратли фикрлар айтилган.

Баъзи ҳайвонларни овлаш таъқиқланган, дараҳтларни кесиш, ўрмонларни нобуд қилиш ман этилган. Куръоннинг “Бақара”, “Анъом”, “Фил”, “Наср” каби бир неча суралари жонзорлар номи билан аталган.

3-бошловчи. Ҳайвонот олами инсоният каби дунёда яшашга ҳақли эканлиги, уларни қийнамаслик, оч қўймаслик ҳақида фикр юритилган. Ер юзидағи ҳайвонлар, қушлар, ва ҳашоратлар инсонлар каби Аллоҳнинг маҳлуклариdir. “Тил забони йўқ ҳайвонга озор берма – гуноҳ бўлади”, – дейилган муқаддас китобларда. Шундай экан сигир оиланинг бозори, товуқ етти хазинанинг бири, кўй бор уйда барака бор, тuya азиз, отнинг ёллари қиёмат кунигача яхшилик боғлаб қўйилган деб тушунилган.

4-бошловчи: Бухоро тупроғида дунёга келган буюк алломалар И smoил Бухорий, Бобо Туркий Жандий, Ибн Сино, Абу Муслим Нужбодий, Ҳошим Девон, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандий кабилар табиат ва унинг захиралари ҳақида қимматли фикрларни илгари суришган.

5-бошловчи: Хоразмда яшаб ўтган Абу Райҳон Беруний ўзининг “Сайдана” асарида табиатнинг ўзгаришлари, табиат тараққиётида инсоннинг онгли фаолияти ҳақида фикр билдирган ва инсониятнинг табиат конунларини ўрганишга чакиради. “Сайдана” китобида 1116 дори-дармон тавсифланган. Ундан 750 таси ўсимликдан, 10 таси хайвонлардан ва 107 таси минераллардан олинган.

6-бошловчи: Абу Али Ибн Сино ўз асарида инсон саломатлигига атроф-муҳитнинг таъсири, инсоннинг табиатга таъсир шаклларини чуқур ёритиб берган, инсон соғлом бўлишилиги учун: яшаётган муҳитга, унинг тозалигига, ҳавонинг таркибиغا, ейдиган овқат сифатига, сувга, иш фаолиятини тўғри йўлга қўя олишига ва бошқаларга боғлиқ. Ибн Сино ўзининг асарларида бугунги кундаги экологик танглиқдан қутилиш йўлларни кўрсатган.

7-бошловчи: Алишер Навоий шоир, олим, давлат арбобигина эмас, балки шу билан бирга ободончилик – анҳор қазиш, табиат тўғрисида қайғурган киши сифатида ҳам машҳур бўлган. У ўзининг асарларида табиатнинг гўзаллигини инсон ўз қўли билан яратиши мумкинлиги исботланган. Масалан: “Садди Искандарий” достонида Алишер Навоий она Ватанимиз дарёлари ҳақида ғазаллар битган, дарё атрофидаги яйлов, чакалакзорлар ва ўтлоқларни таранум этган. Алишер Навоий табиатни куйлаш билан биргалиқда ариклар қазища, қудук, ховузлар барпо этишда иштирок этган. Ҳозиргача шу ховузлардан халқ фойдаланади. Қадимдан сувни исроф қилиш, ифлослантириш, нонни исроф қилгандек гуноҳ саналади. Оқар сувни, ҳовуз, сардоб сувларни саклаш савоб ва ҳамма учун фарз бўлган. Алишер Навоий ўз шеърларида ҳозирги экологик ҳолатни олдиндан айтиб ўтган:

Чун қуриди сув, қуриди боғ ҳам,
Қолмади гул, неким япроғи ҳам,
Боғу сахро барча бўлиб туз,
Зулму тама бўлди вали бирга юз.

Шеърнинг давомида Нимрўз, Хирманд, Дарижаз, Чахчарон деб аталган 4 та сойнинг суви ўз хуштаъмлиги билан нотавон, нимжон кишилар агар шу сувдан ичсалар, паҳлавонга айланишини айтилган. Демак, сувга бўлган хурмат қадимги даврларда ҳам бўлган экан.

8-бошловчи: Шу гапларни эшитиб бир эртак эсимга тушди. Сизларга шуни гапириб берайми? Қадим замонда бир дехқон бўлган экан. У бойнинг зулмидан қочиб, бола чақаси билан тоғнинг тагига кўчиб келибди. Тоғнинг усти дараҳтзор экан, ёнидан сой оқиб ўтар экан.

Буларнинг барчаси саҳна кўринишида давом этади. Дехқон дарров тўрт танобча ерни ҳайдабди, сойдан сув олиб дараҳтларни сугорибди. Уй атрофидаги дараҳтларни кесиб девор килибди, анча дараҳтни кесиб пуллабди, ҳосилни йигиб олиб уни ҳам пуллабди. Шу орада бир йил ўтибди. Келаси баҳорда дехқон ерни ҳайдаб, сугормоқчи бўлса сойда сув йўқ эмиш.

- Эй сой менга сув бер, экинимни сугорай, дебди дехқон сувга.

- Мен сувни сенга қаердан олиб бераман? Яхшиси ёмғир ва қордан сўра, – деб жавоб берибди сой.

- Дехқон ёмғирдан сув сўраган экан, у шундай деб жавоб берибди:

- Эй одам, менинг сувим нима бўлади. Бир шариллаб тушади, тезда оқади кетади. Сойда хайкириб оқадиган сувни қор беради, сен ўшанинг олдига бор.

Дехқон қорнинг олдига борибди ва: – Эй қор, сен сойга сув бер. Мен экинимни сугорай дебди.

- Эй инсон нега сен дараҳтларни кесиб ташладинг. Ахир унинг илдизлари мени ушлаб турарди. Натижада, ердаги намлиқ узоқ сақланар эди, энди эса бу дараҳтлар йўқ. Ҳали ҳам кеч эмас. Сен уйингта бор, дараҳт эк. Уларни парваришла, кут, бир неча йилдан сўнг яна эски яхши даврингга қайтиб келасан дебди.

Дехқон уйига келиб болаларини ёнига олиб дараҳтлар экибди, уларни биргаликда парвариш қилибди, болаларга табиатдаги барча нарсани авайлаб асрashни тушунтирибди.

1-бошловчи: Азизларим табиатни кўз қорачигидек асранг, чунки у Сизни бокади, кўнглингизни кўтаради, она каби севади. Табиатни авайлаб асранг, уни ифлос қилманг, табиат инъомларини тежаб сарфланг, ундан оқилона фойдаланинг деб хайрлашади.

2-бошловчи: Ҳаётимизни сувсиз, ҳавосиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сиз сувни, ҳавони инсон ҳаёти учун қанчалик зарур эканлигини ҳам билдингиз.

1-бошловчи: Сиз сув ва ҳавони 7-синф тўғарак ва соғлом авлод дарсларида кимё фанидан қандай моддалар эканлигини ва улар қандай физик ва кимёвий хоссаларга эга эканлигини тажрибалар, лаборатория ишлари орқали кўргансиз ва эшитгансиз. Уларни қандай усулда олиниши ва қандай мақсадларда ишлатилиши ва сарфланишини ўргандингиз. Сув ва ҳавони ифлослантирувчи манбаларни билиб олдингиз. Уларга қарши қандай чоралар кўришни ҳам билиб олдингиз.

2-бошловчи: Уйингиздаги, атрофингиздаги ариқдан оқаётган сувни, дарё, денгиз сувларни авайлаб асрарни ўргандингиз, ҳавони мусаффо қилиш учун кўплаб дараҳт экиш лозимлигини англадингиз, чунки сув ва ҳавонинг тозалиги – бу сизнинг соғломлигингиздан дарак беради. Олам ҳақида Сиз синфлараро экологик тадбирлардан яна ҳам кўпроқ маълумот оласиз.

3-бошловчи: Шунинг учун Сиз азиз ўқувчиларни инсон ҳаёти учун зарур бўлган хаёт манбаи бўлган сувни, ҳавони, жонли табиатни, атроф-оламни эъзозлашга, авайлаб асраршга, ифлослантирмасликка, истеъмол қилинадиган сувни тежаб сарфлашга ва ундан оқилона фойдаланишга чақирамиз!

“СУВ ҲАЁТ МАНБАИ” МАВЗУСИДА ТАДБИР ЎТКАЗИШ

Мақсади: Ўқувчиларни табиатни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш, кузатувчанлик ижодий фаоллик, мустакил фикрлаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, унинг физик-кимёвий хоссаларини, қандай усулда олиниши, қандай мақсадларда ишлатилиши, ҳамда уни ифлосланиш сабаблари ҳамда тозалаш усувларини ўқувчилар онгига етказиш.

Вазифаси: Тажриба ва лаборатория ишлари орқали сувнинг хоссаларини, биологик аҳамияти, сувни эҳтиёткорлик билан тежамли ишлатиш, сувни таркибидаги тузларни эриши, эритмалар тўғрисида ўқувчиларга билим бериш.

Жиҳози: Лаборатория жиҳозлари, сувни хоссалари намоён қилувчи тажрибалар, сувни ифлосланаётганини тасвирловчи рангли расмлар, плакатлар, фоторасмлар, стен газеталар, ифлосланган сув орқали ҳосил бўлган касалликларни тасвирангандан расмлар ва бошқалар.

Қатнашувчилар: Мактаб ўқувчилари, меҳмонлар.

Гурух номи: Зилол сув.

Гурух шиори: Сув-табиат инъомидир, ҳосилнинг отаси қуёш бўлса, онаси сувдир.

Тадбир.

1-бошловчи: Ассалому алайкум, бу ерга йигилган устозлар, акалар, оналар, укалару-сингиллар !

2-бошловчи: Ўзбек экан миллатим, салом бериш одатим, шунинг учун дейманки ассалому алайкум !

1-бошловчи: Бугун биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эълон қилинган Халқаро тоза сув дастурига киритилган сувдан оқилона фойдаланишга бағишланган тадбирга йигилдик.

2-бошловчи: Ўртоқжон сиз шоир Зафар Диёрнинг “Сув билан сухбат” шеърини эшитганмисиз?

Хой сен жайрон тойчамдек
Ўйнаб-ўйнаб оққан сув
Далаларга байрамдек
Гулдан безак таққан сув

Кулоқ солгин сўзимга
Нега мунча шошасан
Қаердан бу келишинг
Қирғоқлардан тошасан

Кўрасанми ху ўша
Оппоқ оқиб тоғлардан
Шошиб оқиб келаман
Далалардан боғлардан

Йўл-йўлакай шилдираб
Сен ёқимли куйлайсан
Жилоланиб жилдираб
Не хусусида сўйлайсан

Яхши бола тойчамдек
Ўйнаб, кишинаб, келишиб,
Кир-адирлар оралаб,
Шамол каби етишим.

Заррин қуёш нуридан
Қувват олиб ўйнайман
У меҳрибон онамнинг
Мактоворини сўзлайман.

2-бошловчи: Одам организмининг 65%и сувдир. Агар 8% сув миқдори йўқолса инсонда харорат кўтарилади, юрак уриши ва нафас олиши тезлашади, мускуларида чарчоқ пайдо бўлади.

1-бошловчи: Ер шари юзасининг $\frac{3}{4}$ қисми сувдир. Сув ўсимликлар, хайвонлар ва инсонлар ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Шундан истеъмол қилинадиган сув 6% ни ташкил этади.

2-бошловчи: Сув қандай модда? Сув рангсиз, ҳидсиз, 0⁰ да музлайди 100⁰ да қайнайдиган мазасиз суюқликдир, у кучли эритувчидир.

1-бошловчи: Ҳаётни сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди, саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги экинлари, халқ хўжалигидаги барча тармоқлари учун сув зарур. Сув ҳатто инсон соғлом яшши учун хам зарурдир.

2-бошловчи: Одам учун сарф қилинадиган кундалик сув микдори яшаш жойининг иқлим шароитига, аҳолининг маданий, майший турмушига, тураг жойининг ободонлигига канализация ва водопровод тармоқлари билан таъминланганига ва бошқа оқимларга боғлиқ.

1-бошловчи: Сувнинг табиатда учраши, унинг физик-кимёвий хоссалари, олиниши ва нима максадда ишлатилишини мактабда дарс жараёнида ўрганипмиз. Кимё дарсларида лаборатория тажрибалари ва амалий машғулотларда уларнинг хоссалари ўрганилса, биологик аҳамияти ботаника ва биология дарсларида ўрганилади.

2-бошловчи: Ҳар йили 1 кишига 8000 л микдорда сув сарфланади 1 кунда 125-160 л кундалик эҳтиёж учун сув иситгичлари билан таъминланган бинолар учун 160-200 л. марказлашган сув тармоғида уланган биноларда эса кундалик сув истеъмол 250-350 л га етади.

1-бошловчи: Ҳозирги кунда қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан ўртача 50 % таъминланган.

2-бошловчи: Демак, ичимлик истеъмол суви кўп микдорда керак бўлар экан.

1-бошловчи: Бизнинг организмимиизда барча жараёнлар сув мухитида ва сув иштироқида кечади. Ҳаммамизга маълумки, табиатда биз учун сувдан қимматли, тотли, муқаддас бўлган нарса йўқ. Мавжуд сувларни тоза сақлаб қолиш, бутун инсониятни жиддий ташвишга солиб турган муаммолардан биридир. Ҳозирги кунимиз келажагимиз фаровонлиги, соғлом ҳаёт тарзимиз, атроф-мухитни гўзаллиги ва тозалиги шу сувга боғлиқдир.

2-бошловчи: Сув табиатнинг инъомидир, сув аввало тирик организмнинг ҳаёти учун зарур модда ҳисобланади, бизнинг организмимииздаги барча жараёнлар сув билан боғлиқ ҳолда бўлади. Ота-боболаримиз: “Сув бор ерда ҳаёт бор”, “Ҳосилнинг отаси күёш бўлса, онаси – сув” деб бежиз айтишмаган.

1-бошловчи: Аммо кейинги пайтда 20-30 йиллар ичидә ана шу ичимлик сувни саноат, нефть маҳсулотлари, уй-хонадон, шифохоналарда чиқадиган чиқындилиарни чиқарыб ташлайдиган нарсага айланиб қолди. Мавжуд сувларни тоза ҳолда сақлаш қолиш бутун инсониятни жиддий ташвишга солиб қўйди. Мана бугун биз ҳам бу ерда сувни исроф қилимаслик, табиатга нисбатан масъулиятли бўлиб, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйдик. Шунинг учун ҳар бир инсон сувни эҳтиёт қилиши зарур.

2-бошловчи: Ҳозирги кунда атроф-муҳитни сақлаш, согломлаштириш энг долзарб муаммолардан биридир. Сайёрамизда ҳар йили ташқи муҳитга 70 млн м³ заҳарли газ, 50 млн тонна метан гази, 13 млн тонна нефть маҳсулотлари, сув ҳавзаларига 32 м³ ифлос саноат сувлари қўйилмоқда. Шу билан бирга йилига 11 млн гектар ўрмон кесилмоқда.

1-бошловчи: Биз яшаб турган ҳамда ўқиётган мактабимиз атрофида 5 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхонаси, турли шифохоналар жойлашган. Яқинда биз тўғарак раҳбаримиз билан биргаликда шу корхоналардан бирига экскурсияга бордик. У ерда ишлаб чиқариш маҳсулотларини, ишлаб чиқариш жараёнини ва атроф-муҳитни қандай ифлос қилинаётганини ва унинг манбалари билан танишдик.

2-бошловчи: Шу масала бўйича завод раҳбарияти билан суҳбатда бўлдик ва биз уларга табиий бойликларни инсон саломатлигини муҳофаза қилиш лозимлигини, завод ишлаб чиқариш, заҳарли химикатларга, газларни сувга, ҳавога чиқармасликни имконияти борича камайтириш ҳақида давра суҳбати ўтказдик. Чунки ҳаёт учун энг зарур бўлган моддалардан бири бу сувдир. Ҳозирги кунимиз, келажагимизнинг фаровонлиги, соглом ҳаёт тарзимиз атроф-муҳитни гўзаллиги ва тозалиги, соғлиги ана шу сувдандир.

Бугунги тадбирга журналист, кимёгар, ишлаб чиқариш корхонасининг технологи, енгил саноат ходими, озиқ-овқат саноат ходими, СЭС ходими вакилларини таклиф килдик.

Журналист: мана бугун халқаро “Тоза сув” йилига бағишлиланган тадбирга йиғилдик. Бу йиғилишга бир қанча соҳа мутахассисларини ҳозирги кунда долзарб масала бўлган “Сув муаммоси” ҳақида ўз фикрларини баён қилишди.

1-савол: “Сув – ҳаёт манбайи” дейилди. Бунга сабаб нима? Бу саволга **биолог** жавоб беради.

Сувсиз ҳаёт бўлмайди, бундай ҳаёт фанга ҳам маълум. Бизнинг организмимизда барча жараёнлар сув иштироқида кечади. Мана шу сувнинг ҳаёт манбаи бўла оладиган сирли хусусиятидир. Ҳаммага равшанки, табиатда биз учун сувдан ҳам қимматли, тотли ва муқаддас бўлган бирон нарса йўқ.

Мавжуд сувларни тоза сақлаб қолиш бутун инсониятни жиддий ташвишга солиб турган муаммолардан биридир. Органик дунё ва инсоният жамиятини сувсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки озуқамиз ва ҳаётимиз фаровонлиги сувдан. Ҳозирги кунимиз келажагимизнинг фаровонлиги ва соғлом тарзимиз, атроф-мухит гўзаллиги ва тозалиги сувга боғлик.

Озуқамиз асосини ўсимликлар ва уларнинг маҳсулотлари эгаллайди. Ўсимликларда эса сувга талаб катта. Сув ўсимликни иссиқликтан, жазирама кунларда қуриб қолишидан сақлади. Ўсимликни уруғдан кўкарған вақтидан бошлаб сувга бўлган талаби ортиб боради. Инсон истеъмол қиласиган озуқаларнинг асосий қисми таркиби сувдан иборат. Масалан: галлада 12-14%, балиқларда 70%, сув эмизувчи ҳайвонларда 63-68% ва жигарда 75% сув бор.

Сув таркибида одам организмни учун зарур бўлган 20га яқин микроэлементлар борлиги аниқланган.




Абу Али Ибн Сино қўрғошинли қувурлардан оқкан сувнинг хавфли эканлигини билган. Фтор озиқ-овқатлар билан организмга жуда кам миқдорда тушади. У асосан сув билан организмга тушади. Агар сувда фтор етишмаса, сув қўшиб берилади. Организмда фтор етишмаса одам ишга яроқсиз бўлиб қолади

2-савол. Сувни қандай сабабларга кўра ифлосланади? Бу саволга **кимёгар** жавоб беради.

Сувнинг ифлосланиш манбаларига қуидагилар киради.

- космик чанглар;
- вулқонларни отилиши;
- шамол, довул, қуюн;
- сувларимизни табиат ҳам ифлослайди;
- ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўлиши ва чириши;
- ёмғир, сел;
- учиб юрувчи аэропланлар ва бошқалар;

Сувнинг ифлосланишида табиатдаги жараён ва ҳодисаларнинг аҳамияти катта. Ифлосланиш манбалари ичидаги чангларнинг ўрни алоҳида ажралиб туради. Чанглар тоғ жинсларни турли шаклларда нурланиши, вулқон отилиши, тупроқ қоплами юзасидан шамол эрозияси жараёнида ҳосил бўлади. Яна космик ва биологик заррачалар микроорганизмлар ҳам ифлослайди. Турли шакллардаги чанг заррачалари ҳавода асосан 500 метр баландликкача учрайди. Шаҳардан ташқаридаги 1 см³ ҳажмдаги тоза ҳавода ўнлаб тоза чанг заррачалари учраса, саноат ривожланган худудларда 1 см³ ҳавода 100 минг чанг зарралари учрайди. Ифлос чанглар атмосфера ёмғирларига қўшилиб, сувларимизни табиий ҳолда ифлослайди. Сувнинг ифлосланиши манбалари саноатнинг турли тармоқлариридир деб рангли плакатлар кўрсатилади ва сувни физикавий-кимёвий хоссаларини кўрсатувчи тажрибаларини кўрсатилади.



3-савол. Сувнинг ифлосланишини олдини олиш мумкинми?

Бу саволга **СЭС ҳодими** жавоб берди.

Инсоният тарихий босқичлар давомида табиий сув таркибини ўзгартирмоқда. Сув ўз-ўзини тиклаш ва тозалаш хусусиятига эга. Ифлосланган сув тоза сув билан араласиши сувдаги органик моддаларни минерализациялашувчи ҳамда қўшилган бактерияларнинг кўпайиши натижасида тикланади. Сув таркибидаги бактериялар, замбуруғлар ва сув ўтлари сувни тозалайди. Агар сув жуда ифлос бўлса, унг бир неча ўн баробар тоза сув қўшилса ҳам ўз-ўзини тозалай олмайди.

Дунёда оқава сувларни тозалашда асосан 4 усулда, яъни: механик, геологик, физик, кимёвий зааралантириш усуллариридан фойдаланилади. Механик усулда тозаланган сув кенг тарқалган бўлиб, маҳсус қурилмалар ёрдамида сувга қўшилган элементга оғир зарралар, сув юзасидаги мой, ёғ, нефть ва бошқа органик минерал моддалар ушланиб қолинади. Чиқинди сувлар геологик усул билан тозаланганга қадар бирламчи тиндиргичлардан ўтади. У ўз таркибида кўп микдорда касаллик тарқатувчи микроорганизм ва тухумларни ушлайди.

4-савол. Сув қандай мақсадларда ишлатилади? Бу саволга **ишлаб чиқариш корхона технологининг** жавоби эшитилади

(плакатдан сувни ишлатилиш соҳалари тасвирловчи плакатни кўрсатади).

1. Сув инсони эҳтиёжи учун: коммунал хизматларнинг барча соҳаларида, қишлоқ хўжалигида экинларни сугоришида чорва моллари сув билан тъминлаш, инсонни биологик эҳтиёжини қондиришида.

2. Кимёвий хом ашё сифатида: кислоталар, асослар, спиртлар ва водород олишда.

3. Эритувчи сифатида: хлорид, нитрат ва сулфат кислоталари. Эритмалар саноатда туз, ишқор эритмалари, қишлоқ хўжалигида кимёвий препаратлар эритмаларини тайёрлашда.

4. Совутиш мосламалари сифатида: оғир ва енгил саноатда маҳсулот ишлаб чиқаришда.

5. Энергия манбай сифатида: экологик тоза ёқилғи (H_2) ва ядро ёқилғиси (D) детирий олишда, электр станциялари иситиш тармоқларида ишлатилади.

5-савол. Сув кундалик ҳаётимиизда қандай мақсадларда ишлатилади? Бу саволга **озик-овқат саноати ходими** жавоб беради.

Инсонни жамиятда сувсиз тасаввур қилиш қийин. Яъни туғилган чақалоқнинг танаси 70% катта ёшдаги киши организми 65%, ҳатто сукнинг 20% да ҳам сув ташкил этади. Инсон танасида 12% намлик ёқолса одам ҳалок бўлади. Инсон организми озуқасиз 1 ойдан ортиқ чидай олмайди. Лекин сувсиз бир неча кун яшashi мумкин. Сув одам организмларида моддалари алмашиниши жараённида қатнашади. Сувнинг нафақат физиологик меъёри эмас, балки унинг гигиеник меъёри ҳам мавжуд.

Үй жойларни тозалаш, кир, идиш-товоқларни ювиш ва ювиниш учун керак. Сувнинг истроф қилмай сарфланиши, инсонда экологик маданиятининг юкори эканлигидан дарак беради. Озиқамизни асосан ўсимлик ва унинг маҳсулотлари эгаллайди. Ўсимликларда сувга талаб катта. Инсон истеъмол қилган озиқаларнинг асосий қисми сувдан иборат. Демак, сув табиатнинг бебаҳо иномидир. Шунинг учун сиз азиз ўқувчилар сувни ифлослантирумасликка, истеъмол қиласиган сувни тежаб сарфлашга, ундан оқилона фойдаланишга чақирамиз. Эндиги навбат сахнавий кўринишга.

*Саҳнавий кўриниши
ЭКО ТЕАТР*

Қатнашувчилар: домла, устоз, муаллим, аълочи ва иккичи талаба.

Керакли моддалар: йод, 4 та пробирка, фильтр қофоз, марганцовка.

1-курс талабаларида кимё фанидан имтиҳон кетяпти, домла ўқувчини фамилиясини эълон қиласди. Аълочи талаба кирди. У билет олиб сувни хоссаларини гапиради ва 3 та тажрибани бажаради.

Тажрибадан сўнг сувдан инсон эҳтиёжини қондирувчи ичимликларни шу усулда олиш мумкинлигини айтади ва “5” баҳо олади. Муаллим иккинчи талабани чақиради. Иккинчи талаба ясанган ўзига оро берган киз. У билет олади ва у ҳам билет саволларини ўқиб саволга нотўғри жавоб бера бошлади. Устоз уни жавобини тўхтатиб тажрибасини сўради. Талаба қўл кафтига сув олиб, сочворади ва буни сувни парчаланиш усули деб тушунтиради. Устоз талабага қараб “2” баҳо қўяди. Студент устозга ўзини шу коллекции директорини жияни эканлигини ва пора бермоқчилигини айтади. Домла талабани урушиб чиқариб юборади.

Бу тадбирнинг илмий ва тарбиявий аҳамияти шундаки, ўқувчилар сув ҳакида тўлиқ маълумотга эга бўлишади, яна сувни физик-кимёвий хоссаларни, биологик аҳамиятини, сувни ишлатиш соҳалари, уларнинг маълум сабабларга кўра ифлосланиши, ифлосланишни олдини олиш чораларини аввало уйдан, оиладан бошланиши ҳакида ўқувчилар маълумот олишади. Чунки сув ҳаёт манъбай, уни эҳтиёт қиласак инсон турли касалликларга дучор бўлар экан. Демак, сувни исроф ва ифлос қиласдан тежаб тоза ҳолда саклаш учун ҳаракат қилиш лозим. Саҳнавий кўринишда эса ўқувчиларни кимё ва экология фанидан сувга бўлган муносабатини танқидий кўриб чиқишига чақиради.

Хулоса

Дарсдан ташқари ўтказиладиган машғулотлар:

- ёшларни яхши ўқишига, кенг фикрли дунё қарашни ҳосил қилиш учун, мустақил юртимизни қурилишида фаол қатнашиш учун зарур бўлган кимёвий билим ва малакалар олишига ёрдам беради;

- ўқувчиларда кимёни анча чукур билиш истагини уйғотади;

- кимёвий тажрибага бўлган талабларини қондириши, уларда туғилган назарий билимларни ҳал қилишига ёрдам беради;

- кимёдан турмушда, саноатда ва қишлоқ хўжалигида қандай фойдаланилиш мумкин бўлган йўллар билан таништиради;

- ўқувчиларнинг амалий ҳаётда кимёдан оқилона фойдалана билиш малакалари ортиришга ва уларнинг бўлажак касбларини танлаб олишларига ёрдам беради.

- ўтказиладиган тадбирлар: а) ўқувчиларни ажойиб ва илмий жихатдан жуда муҳим маълумотлар билан бойитади; б) ўқувчиларда кимё фанига ҳавас уйғотади ва бу ҳавасни ўстиради; в) ўқувчиларга ҳозирги замон кимёсининг муваффақиятларини ва бошқаларни анча қизиқарли ҳамда таъсирили қилиб кўрсатишга имкон беради;

- дарсдан ташқари таълим йўналишидаги мутахассислар келаҗакда касбий фаолиятида қўлланиладиган турли хил асбоб-ускуналар, жихозлар, мосламаларни қандай қўллай билишни ўргатади;

- ўқувчиларни ижодий ва илмий жихатдан жуда муҳим бўлган маълумотлар билан бойитади;

- технологик ва малакаларни, меҳнат қонунчилиги, санитария-гигиена қоидалари ва йўл-йўриқлари асосларини ўргатишни таъминлайди;

Демак, бундай хайрли ишларни мамалга оширувчи устозлар – зиёлидир. Чунки улар фарзандларимизга зиё тарқатиб юртимиз равнаки учун комил инсонларни тарбиялашда ўзларининг муносиб хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Муаллифнинг мазкур ўқув-услубий қўлланманин тақомиллаштиришига қаратилган китобхон ва ҳамкасларнинг хат орқали ёзиб юборган ҳар бир фикр ва мулоҳазаларини миннатдорчилек билан қабул қиласди ва қўлланманинг келгуси нашрларида ундан фойдаланади.

Манзил: Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси 277 уй.

Телефон: 248-74-05. Муаллиф.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 6-том. Тошкент. 1975. 22-б
 2. Рахмонкулова С. И. Видиоконференция. услугб. пособ. Т. 2002, 22-стр
 3. Йўлдошев. Ж.Ф, Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиёти жорий қилиш. Тошкент; 2008. 101-б.
 4. Гусаков. А. X, Лазаренко. А. А. Мактабда кимё тўгараги. Ўқитувчиларнинг иш тажрибасидан. Т. Ўқитувчи, 1984, 3-5-бетлар.
 5. Низамова С. О. Замонавий педагогик технология ва атроф олам, инсон саломатлиги. Методик қўлланма. – Тошкент: – 2008. 56-60-бетлар.
 6. Низамова С. О. Кимё, биология, экология таълим мининг замонавий технологиялари. Методик қўлланма. – Тошкент: - 2009. 68-б.
 7. Низомова С.О. Кимё таълими самарадорлигини оширишнинг инновацион технологиялари. Монография. Тошкент. – Адабиёт учкунлари. 2016. 30-32-бетлар.
-

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Кимёдан синфдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказиша инновация технологияларидан фойдаланиш	4
Кимёдан конференциялар ўтказиша инновация технологияларидан фойдаланиш	8
Кимёдан экскурсияларни ташкил этишда инновация технологияларининг ўрни	14
Кимёдан фанлараро семинар ва ўткир зеҳнлилар клубини ташкил этиш ва ўтказиш услуги	19
Кимёдан синфдан ташқари ишларни тўгарак тарзида ташкил этиш ва ўтказиш услуги	22
Кимё дарсларини самарадорлигини оширишда ноанъянвий усуллар (“Матбуот-конференция”дарси мисолида)	26
“Нон ва нон кимёси” мавзусидаги конференция	30
Пахта ва кимё – мавзусида кечга ўтказиш усули	44
Кимёдан экскурсияларни ташкил этиш ва ўтказиша инновацион технологияларининг ўрни	56
Саноатда аммиак ишлаб чиқариш жараёнини анимация усулида тушунтириш	57
Кимёдан фанлараро семинар ва ўткир зеҳнлилар клубининг ишларидан намуналар	59
Қизикарли кимё” номли тўгарак ишларидан намуналар	68
“Қизикарли кимё” номли тўгарак ишларидан намуналар	70
”Тоза хаво – танга даво, тиник сув дардга даво” мавзусида тадбир ўтказиш	75
“Сув хаёт манбан” – мавзусида тадбир ўтказиш	82
Хулоса	90
Фойдаланилган адабиётлар	91

Низамова Саида Одиловна

КИМЁНИ ЎҚИТИШДА ДАРСДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ХОЛДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

Ўқитувчилар учун ўқув-услубий қўлланма

Нашр учун масъул:
М.Султонова

Мухаррирлар:
А.Тилавов
У.Султонов

Техник мұҳарир:
Ю.Ўринов

Наш.лиц. № АI 245, 02.10.2013.
Теришга 25.10.2016 йилда топширилди. Босишга 25.11.2016 йилда
рухсат этилди. Бичими: 60x84 1/16.
Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли б.т. 5,3.
Нашр б.т. 3,8. Адади: 500 нусха. Буюртма №89.
Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шахри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент шахри, Широқ кўчаси, 100-уй.